



АҲМАДЖОН САЛМОНОВ

ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ
ҲОКИМИЯТИНИНГ
ДИНИЙ СИЁСАТИ:
УЙДИРМА ВА ТАРИХ ҲАҚИҚАТИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АҲМАДЖОН САЛМОНОВ

ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ
ҲОКИМИЯТИНИНГ ДИНИЙ
СИЁСАТИ: УЙДИРМА ВА ТАРИХ

ҲАҚИҚАТИ
(1917 - 1960 йиллар)

Намозу
Урму ва
Замар
киш
Тошкент
Файзуллоев
Ф. Д. Файзуллоев
15.06.2016 й

«Тафаккур» нашриёти
Тошкент – 2015

УЎК 372.94(574.9)

КБК 67.0 (8С)

С-66

Солмонов, Ахмаджон.

Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг диний сиёсати: уйдирма ва тарих ҳақиқати (Матн) : монография А.Солмонов. – Т.: Tafakkur, 2015. 160 бет.

Монография Фарғона Давлат университети Илмий кенгашининг 2011 йил 30 декабрдаги 4-сонли қарор баённомасига асосан нашр этилди.

Масъул муҳаррирлар:

тарих фанлари доктори, профессор Иброҳимжон Алимов.

тарих фанлари доктори, профессор Қаҳрамон Ражабов

Такризчилар:

тарих фанлари доктори Шодмон Ҳайитов,

тарих фанлари номзоди, доцент Абдугаффор Шарофиддинов,

тарих фанлари номзоди Баҳодир Пасилов.

Мазкур монографияда Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг диний сиёсати ёритилган. Муаллиф архив ҳужжатлари ва бошқа манбалар таҳлили асосида 1917–1960 йилларда совет ҳокимияти томонидан Ўзбекистонда юритилган диний сиёсатни илмий жиҳатдан асослаб берган.

Китоб Ўзбекистон тарихи билан қизиқувчи барча китобхонларга мўлжалланган.



УЎК 372.94(574.9)

КБК 67.0 (8С)

С-66

ISBN 978-9943-24-102-2

© А. Солмонов, 2015

© «ТАФАККУР», 2015

СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг истиқлол йилларида маънавият сарчашмаларидан бири бўлган ислом дини ҳамда диний қадриятларни тиклаш йўлида хайрли ишлар амалга оширилди. Ўтган давр мобайнида диний қадриятлар кундалик турмушга шу қадар сингиб кетдики, уни умуммиллий ва умуммаданий қадриятлардан ажралган ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам Президент И. А. Каримовнинг “Муқаддас ислом динимизни пок сақлаш, уни турли хил ғаразли хуруж ва ҳамлалардан, тухмат ва бўҳтонлардан ҳимоя қилиш, унинг асл моҳиятини унибўсиб келаётган ёш авлодимизга тўғри тушунтириш, ислом маданиятининг эзгу ғояларини кенг тарғиб этиш вазифаси ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда”,¹ деган фикри амалий ҳаёт ва ижтимоий фаолиятда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Мустақиллик йилларига келиб тарихга кизиқиш, уни ҳолисона ёритишга интилиш кучайиб, жумладан, яқин ўтмишдаги диний сиёсат муаммоси ҳам ўзига хос тадқиқотлар объектига айланди. Бу ҳақиқий маънода, виждон эркинлигининг тикланиши, диндорларга ўз ҳуқуқ ва эркинликларининг қайтариб берилиши каби омиллар билан боғлиқ. Аввало, 1990 йилдан бошлаб Ўзбекистон мусулмонлари Макка ва Мадина шаҳарларига ҳаж зиёратига бориш ҳуқуқига эга бўлдилар. Мустақиллик даврида совет ҳокимияти йилларида ижтимоий ҳаёт соҳасидаги суриб ташланган диний урф-одат, анъана, маросимлар, жумладан, Рамазон ва Қурбон ҳайитлари

¹Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 37.

дам олиш куні деб белгиланди². Республика ойнаи жаҳонида ислом кадриялари, ахлоқи, одоби ва маданияти билан боғлиқ масалаларни тарғиб қилишга қаратилган “Маърифатнома”, “Ҳидоят сари”, Тошкент Ислом университетининг “Зиё” студияси томонидан “Эътиқод мустақиллиги йўлида”, “Рамазон тухфаси” кўрсатувлари, “Наврўз” радиосининг “Ҳолислик сари” эшиттиришларининг ташкил этилиши ҳам муҳим аҳамиятга молик бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 19 майдаги қарори билан Тошкентда Халқаро ислом тадқиқот маркази ташкил этилди. Ушбу илмий муассаса ислом таълимоти ва фалсафасини ўрганиш, ўзбек халқини мусулмон маданияти, тарихи билан таништириш ва диний ўқув қўлланма ва китоблар чоп этишдек хайрли вазифаларни бажармокда. 1999 йилда Тошкентда Ўрта Осиёда ягона ҳисобланган Тошкент Ислом университети ташкил этилиб, у ёшларга ислом тарихи ва маданиятидан олий таҳсил беришда муҳим роль ўйнай бошлади.

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти – ISESKO томонидан 2007 йилда Тошкент шаҳрининг “Ислом маданияти пойтахти” деб эълон қилиниши маънавий ҳаёт соҳасида муҳим аҳамият касб этди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ташаббуси билан ушбу тарихий воқеага бағишланиб, Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида 2007 йилнинг 14–15 август кунлари “Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси тараққиётига қўшган ҳиссаси” номли халқаро анжуман ўтказилиши ҳам катта тарихий воқеа бўлди. Форумга ўттиздан ортиқ давлатлардан юздан зиёд диний, сиёсий арбоблар, етук исломшунос олимлар ташриф буюришди. Анжуман қатнашчилари томонидан Ўзбекистонда диний бағрикенглик, дин ва диний муассасаларга берилган юксак эътибор эътироф этилиб, Осиёдаги қадимий шаҳарлардан бири – Тошкент шаҳри

² Халқ сўзи”. 1992 йил 22 март.

тарихи ва маданий салоҳияти жаҳон цивилизацияси солномасида алоҳида мавқега эга эканлиги юксак баҳоланди.

Ислом дунёсининг таниқли намояндаларидан Имом Бухорий, Абу Исо Термизий, Абу Мансур Мотуридий, Махмуд Замахшарий, Бурҳониддин Маргиноний, Абдулҳолиқ Ғиждувоний, Нажмиддин Кубро, Баҳоддин Накшбанд, Хожа Аҳрор Валий кабиларнинг юбилейлари ҳалқаро микёсда нишонланганлиги Ўзбекистонда динга ва диний уламоларга муносабат тубдан ўзгарганлигини кўрсатади. Бу хусусда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов: “Бу буюк инсонларнинг азиз номлари, ўлмас мероси, муқаддас динимиз билан чамбарчас боғланиб кетган. Уларни бири-биридан ажратиб бўлмайди. Биз динимизни бу улуғ номларсиз, бу улуғ номларни эса динимизсиз тасаввур қила олмаймиз”³, – дея таъкидлаган эди.

1998 йилнинг 1 майдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги (Янги таҳрири) қонунида диний муассаса ва ташкилотлар мақоми ҳам аниқ қилиб белгилаб берилди. Мазкур қонуннинг 8-моддасида: “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг динга эътиқод қилиш, ибодат, расм-русумлар ва маросимларини биргаликда адо этиш мақсадида тузилган кўнгилли бирлашмалари (диний жамиятлар, диний ўқув юртлари, масжидлар, черковлар, синоглар, монастырлар ва бошқалар) диний ташкилотлар деб эътироф этилади. Диний ташкилот Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаётган юз нафардан кам бўлмаган фуқаролари томонидан тузилади”,⁴ деб қайд қилинган. Ушбу қонун орқали барча фуқароларга виждон эркинлигининг тўла

³ Каримов И. А. Биз келажакимизни ўз кўлимиз билан кураимиз. Т. 7. –Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 353.

⁴ Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг қонуни (Янги таҳрири) // “Ўзбекистон овози”, 1998 йил 3 май.

кафолатланиши, диний ташкилот ва уюшмалар тузишга рухсат бериб қўйилганлиги бу борада республика ҳукумати сиёсатининг демократик тамойилларга амал қилиши ҳамда инсонпарварлик моҳиятидан далолат беради.

Хуллас, Ўзбекистонда ислом ва исломий маънавиятга мустақиллик даврида қаратилган жиддий эътибор, адолатли муносабат тикланганлиги билан боғлиқ заруриятдан келиб чиқади. Дин ва диндорларга, мусулмон муассаса ҳамда ташкилотларга нисбатан юритилаётган сиёсатнинг ижобий жиҳатларини чуқур англашда ўтмиш тарихий сабоқларидан тегишли хулосалар чиқаришга тўғри келади. Совет ҳокимиятининг диндорларга, диний муассаса ва ташкилотларга нисбатан юритган бир томонлама салбий, атеистик сиёсати муаммоларини ҳолисона ўрганиш учун мустақиллик берган имконият унинг катта аҳамиятга молик ролини атрофлича англаш — мазкур китоб асосини ташкил этади. Қолаверса, совет давлатининг диндорларга нисбатан қатағонлик сиёсатини юритиши, шунингдек, миллий зўравонликка асосланган табиатини янада чуқурроқ англаб олинишида, совет бошқаруви йилларида исломий кадриятлар, диний илмга эга бўлган уламолардан ажралиб қолиш сабаблари тўғрисида фикр юритилиши тадқиқотнинг давр талаблари билан ҳамоҳанглигини таъминлайди.

Диний муассаса ва ташкилотлар фаолиятига совет ҳокимиятининг муносабати ўз даврида эълон қилинган расмий ҳужжатларда, ижтимоий-сиёсий тавсифдаги адабиётларда ўз аксини топган. Уларни таҳлил қилиш, танқидий ўрганиш орқали ўзиға хос хусусиятларини очиб бериш ҳозирги куннинг талабидир. Қолаверса, ҳозирга қадар совет ҳокимиятининг мусулмон муассаса ва ташкилотлар фаолиятига муносабати мукамал тадқиқот объекти сифатида очиб берилмаган. Бу эса тадқиқотнинг долзарблик аҳамиятини яна бир поғона юқорига кўтаради.

Тадқиқотнинг даврий чегараси 1917–1960 йилларни ўз ичига олади. Тарихдан маълумки, 1917 йилда

Туркистон ўлкасида совет ҳокимияти ўрнатилди. Иккинчи жаҳон урушининг ўрталаридан бошлаб, Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг диний сиёсатида муайян ўзгаришлар кўзга ташланди. Бирок XX аср 50-йилларидан кейин диний муассаса ва ташкилотлар фаолиятига муносабат яна кескинлаша бошлади. Совет ҳокимияти 1950 йиллардан бошлаб яна даҳрийликдан иборат сиёсатини изчил давом эттиришга киришди. Мазкур даврий чегарани белгилашнинг сабаби: совет ҳокимиятининг Ўзбекистондаги диний сиёсати ва унинг ўзига хос жиҳатларини мумкин қадар тўларок очиб беришдан иборатдир.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси Ўзбекистондаги мусулмон муассаса ва ташкилотлар фаолияти, дин тарихи масалалари тарихчи, файласуф, этнограф, филолог, сиёсатшунос ҳамда социолог олимлар эътиборини ўзига жалб қилиб келган. Мавзу тарихшунослигига оид асарларни, илмий-тадқиқот ишларини икки гуруҳга бўлиш мумкин:

1) совет даврида чоп этилган адабиёт, мақолалар, амалга оширилган тадқиқотлар;

2) мустақиллик йилларида нашр қилинган адабиётлар ва олиб борилаётган тадқиқотлар.

Октябрь тўнтаришидан сўнг дастлабки ўн йилликда ёзилган илмий асар, рисола ва мақолаларда мусулмон ташкилотлари ва диний муассасалар фаолияти бир қадар ҳолисона ёритилган. Жумладан, Г.Сафаров, Н.Борисов, В.Билик, Ш.Раҳим, Л.Дембо, Т.Рискулов, Р.Иноғомов, В.Бартольд, П.Сербов, А.Никифоров кабилар томонидан ёзилган бир қатор китоб ва мақолаларда диний муассасалар, диний таълим, унинг моддий асоси бўлган вақф мулкларига муносабатда тарихий маълумотлар нисбатан объектив баён қилинган⁵.

⁵ Сафаров Г. Колониальная революция (опыт Туркестана). – М., 1921; Борисов Н. Октябрь в Туркестане. – Т., 1922; Билик В.П Роль конфессиональной школы в жизни Туркестана // Наука и просвещение. – Т., 1922. № 1. – С. 18–33; Дембо Л. И. Земельный строй Востока. – П., 1923; Рахим Ш. Ўзбек маорифининг ўтгандаги ва ҳозирги ҳолати (маориф ҳафтаси муносабати

В.Бартольднинг “Мусульманский мир” (“Мусулмон дунёси”) номли диний масалага бағишланган йирик тадқиқотида совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаги диний сиёсат моҳияти очиб берилган. Мазкур асарда ислом тарихи, унинг шарқ халқлари орасида тарқалиши, XX асрнинг 20-йиллари арафасидаги диний аҳволга умумий тавсиф бериб ўтилган⁶.

Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланиш ўтказилганидан сўнг, совет тузумини барқарорлаштириш жараёнида диннинг моҳияти, унинг жамиятга таъсири масалалари илк бор танқидий руҳда баён қилинади. Уларда диндор кишилар камситилиб, дин тарихи сохталаштирилди ва диний муассасаларга салбий муносабат ошкора тус олди.

Ем.Ярославский, А.Ашулин, Л.Климович, К.Василевский кабиларнинг асарларини ушбу гуруҳга киритиш мумкин⁷. Бу адабиётларда коммунистик мафкура идеаллаштирилиб, диний-ахлоқий тарбия аёвсиз танқид остига олинган ва диндорлар социализмнинг душмани сифатида баҳоланган.

XX асрнинг 20–30-йилларида совет тарихшунослигида бир ёқлама, кўп далилларни четлаб ўтилган мураккаблик ва зиддиятлар ҳисобга олинмаган яратилган асарлар қаторига Рашидхон, А.Адхамов,

билан чиккан). – Т., 1923; Рыскулов Т. Революция и коренное население Туркестана. Часть I. 1917–1919 гг. – Т., 1925; Инагамов Р. Узбекская интеллигенция. – Т., 1926; Бартольд В. В. Культурная жизнь Туркестана. – Л., 1927; Сербов П. И. Никифоров А. Д. Народное просвещение в Узбекистане. – Самарканд-Ташкент, 1927.

⁶ Бартольд В. В. Мусульманский мир. – П., 1922.

⁷ Ярославский Ем. Фирка ахлоқи тўғрисида (Марказий назорат комиссиясининг пленумида қилинган маъруза). – Самарканд-Тошкент, 1928; Ашулин А. Хотин-қизлар ўртасида динга қарши ташвиқот. – Самарканд-Тошкент, 1929; Климович Л. И. Социалистическое строительство на Востоке и религия. – Москва-Ленинград, 1929; Василевский К. Ислам на службе контрреволюции. – М.: 1930; Зелкина Е. Очерки по аграрному вопросу в Средней Азии. – М., 1930.

П.Кухарскийларнинг дарсликларини кўрсатиш мумкин⁸. Уларда таъкидланишича, совет ҳокимияти динга қарши сиёсатининг ташвиқот марказлари ҳисобланган клублар, қизил бурчаклар, қизил чойхоналар, колхозчилар уйи каби муассасаларнинг фаолиятига асосий эътибор қаратган. Чунки, совет ҳокимиятининг маъмурий-буйруқбозлик тизими тобора мустаҳкамланиб бориши билан большевиклар маданий-оқартув муассасалари зиммасига халқ оммаси онгига даҳрийлик акидаларини сингдириш, уни янада мустаҳкамлаш, шунингдек, диний тушунчаларни инсонлар онгидан бутунлай чиқариб ташлаш вазифасини юклаган эди. Шунинг учун ҳам юқорида қайд этилган муаллифларнинг асарларида маданий муассасалар тарихи, уларнинг фаолияти масалалари даҳрийликка йўналтирилган ҳолатда кўрсатилган.

Совет ҳокимиятининг дин, диний муассаса ва ташкилотларга нисбатан сиёсати XX асрнинг 50–80-йилларида чоп этилган кўп сонли асар ва адабиётларда ҳам кенг ўрин олди. Бу даврда чоп этилган адабиётлар ислом дини ва диний муассасаларга муносабатда коммунистик мафкура тўла ҳукмронликка эришганлигини яққол намоён қилган. Ғ.Пўлатов, Ғ.Исҳоқов, А.Абдусамедов, Б.Коновалов, И.Жабборов, Т.Саксонов, Т.Саидбоев, А.Рўзиматов, А.Мухаммедов кабиларнинг тадқиқотларини ушбу гуруҳ адабиётлари таркибига киритиш мумкин. Муаллифларнинг асарларида масала моҳияти, дин ва унинг башарий кадриятда тутган ўрни, тарихи, фалсафий, ахлоқий хусусиятлари ҳолис таҳлил қилинмади, диний муассаса ва ташкилотларнинг ночор аҳволи тўғри кўрсатилмади.⁹

⁸ Рашидхон. Диний қурбонлар. – Самарқанд-Тошкент, 1928; Ўша муаллиф. Худосизлар тўғараги учун дарслик. – Тошкент-Самарқанд, 1929; Адҳамов А. Дин ҳам шўролар ҳукумати. – Самарқанд-Тошкент, 1929; Кухарский П. Худосизлар байналминал тарбия ва байналминал халқ. – Т., 1933. ва б.

⁹ Пўлатов Ғ. Эътиқодлар кураши. – Т., 1964; Исҳоқов Ғ. Исломи динининг хотин-қизларга муносабати. – Т., 1970; Коновалов Б. К массовому атеизму

Шунга қарамай, мазкур тадқиқотларда ўрганилаётган муаммонинг айрим жиҳатларини очиқ берувчи далиллар ва фактик маълумотлар мавжуд. Масалан, И.Алимов асарларида¹⁰ Туркистон АССР, Бухоро ва Хоразм Халқ Совет Республикаларида вақф мулкларининг аҳволи, совет ҳокимиятининг вақфларга муносабати, ушбу муассасаларнинг тугатилиши билан боғлиқ қимматли маълумотлар ва далиллар бор. А.Ардаширов ва А.Ортиқовнинг тадқиқотларида эса Туркистон АССР, кейинчалик Ўзбекистон ССРдаги диний муассаса, эски усул ва отинбиби мактаблари, қорихоналар, мадрасаларнинг миқдори, моддий аҳволи ҳамда ушбу муассасаларда жорий этилган ўқитиш тартиблари ҳақида тарихий далилларга бой манбалар мавжуд.¹¹

Таъкидлаш жоизки, совет ҳокимияти ҳукмронлиги даврида Ўзбекистонда диний муассаса ва ташкилотлар фаолияти тарихига бағишланган кўплаб китоблар чоп этилди. Бироқ бу адабиётларда муаммо моҳияти холис ёритилмай, у коммунистик мафкура асосида талқин этилди.

Бу даврда совет ҳокимиятининг Ўзбекистондаги мусулмон диний муассаса ва ташкилотлар фаолиятига муносабати муаммоларига бағишланган бир қатор тадқиқотлар яратилди. Совет ҳокимиятининг дастлабки

му. – М., 1974; *Джабборов И.* Общественный прогресс: быт и религия. – Т., 1975; *Саидбаев Т.* Ислам и общества (опыт историко-социологического исследования). – М., 1978; *Абдусамедов А.* Ўзбекистонда атеизм тараккиётининг асосий босқичлари. – Т., 1979; *Рўзиматов А.* Клуб муассасалари ва кишлоқ аҳолисига маданий хизмат кўрсатиш. – Т., 1980; *Саксонов Т.* Маданият ёлдорликлари ва атенстик пропаганда. – Т., 1982; *Ўша муаллиф.* Клуб муассасаларида гоявий-сиёсий тарбия. – Т., 1982; *Мухаммедов А.М.* Педагогика культурно-просветительной работы. – Т., 1985 ва б..

¹⁰ *Алимов И.А.* Аграрные преобразования в народных советских республиках Хорезма и Бухары (1920–1924 гг.). – Т.: Узбекистан, 1970; *Ўша муаллиф.* Узбекское дехканство на пути к социализму (социально-экономические преобразования узбекском кишлаке в 1921–1925 гг.). – Т.: Узбекистан, 1974.

¹¹ *Ардаширов А.Ф.* К вопросу о роли новометодных школах (Ученные записки). – Андижан, 1957; *Ортиқов А.* Октябрь революцияси ва Ўзбекистонда атеизм тантанаси. – Т., 1977.

ҳукмронлиги йилларида Ўзбекистонда мусулмон муассасалари фаолиятига нисбатан тарғибот-ташвиқот марказларининг ташкил этилиши, уларнинг фаолиятига доир маълумотлар А.Қосимова ва И. Қўнғиров томонидан ўрганилган¹². Н.Раҳмонов, К.Солибаев, Х.Бегматов, М.Эргашев ва А.Чориев¹³ кабиларнинг тадқиқотларида эса Ўзбекистонда халқ таълими тизимининг шаклланиши, анъанавий таълим тизимидаги мактаб ва мадрасаларда дарсликлар ҳақида, шунингдек, ўлкада маданий қурилиш ишларини амалга ошириш жараёни ҳамда диний омил муаммолари коммунистик мафкура нуқтан назаридан ёритилган.

“Қайта қуриш” йилларида миллий ўзликни ва кадриятларни қайта тиклаш жараёнининг бошланиши дин ва диний муассасалар тарихини бир қадар ҳолисона ўрганиш имкониятини берди. Ушбу йилларда Ўзбекистон мусулмонлари учун диний марказ томонидан диний - ижтимоий “Ислом нури” газетаси ҳар 15 кунда нашр этила бошланди, “Қуръони карим”нинг ўзбекча таржимаси илк бор “Шарқ юлдузи” журналида чоп этилди. Шунингдек, Расулulloҳ Муҳаммад (с.а.в.)нинг ҳадисларидан намуналар, Имом Исмоил Бухорийнинг “Ал-адаб ал-муфрад” номли ахлоқий ҳадислар тўплами нашр қилинди. Имом Термизий ҳадислари тўплами ҳам кўп нусхада босмадан чиқди.

¹² Қосимова А.Г. Развитие сети массовых библиотек Узбекистан. (1917–1941 гг.). Автореф. дис. ...канд. ист. наук. –Т., 1970. – С. 28.; Қўнғиров И. Деятельность культурно-просветительных учреждений Узбекистана в 1921–1928 гг. Автореф. дис. ...канд. ист. наук. –Т., 1990. – С. 29..

¹³ Раҳмонов Н.М. Культурное строительство в Бухаре (1925–1932 гг.). Автореф. дис. ...канд. ист. наук. –Т., 1961. – С. 27.; Салибаев К.Х. Культурное строительство в Самаркандской области в 1925–1941 гг: Автореф. дис. ...канд. ист. наук. – Т., 1963.– С. 29.; Бегматов Х. Борьба трудящихся Узбекистана за победу культурной революции (1925–1937 гг.). Автореф. дис. ...канд. ист. наук. – Самарканд, 1963.– С. 26.; Эргашев М. Создание к развитию система среднего специального образование в Узбекистане (1917–1937 гг.). Автореф. дис. ...канд. ист. наук. –Т., 1974. – С. 27.; Чориев А.Х. Осуществление ленинских идей всеобщего образования в Узбекистане (1917–1937 гг.). Автореф. дис. ...канд. ист. наук. –Т., 1988. – С. 26.

Жамиятда дин ва диндорларнинг ўрни, вазифаси, қонуний асослари, шунингдек, диний муассасаларга нисбатан ҳолисона ёндашилган фикрларни ифодаловчи баъзи тадқиқотлар пайдо бўлганлигини ҳам алоҳида эътиборга олиш муҳимдир. Бу асарларда бевосита дин ва диндорларга нисбатан инсоний муносабат, мусулмончилик ҳолати билан боғлиқ бўлган турли хилдаги анъаналар талқин қилинди, амалий тажрибалар ва илмий далиллар умумлаштирилган ҳолда хулосалар чиқарилди, мусулмон оламида қўлланиладиган турли хил урф-одатлар изоҳланди.

А.Лещинский совет ҳокимиятининг 70 йиллик тарихи давомида диний сиёсатдаги хатолик ва камчиликларнинг илдизларини очиб берди.¹⁴ С.Ғаниев ва О.Умаржонов асарларида эса коммунистларнинг атеистик сиёсати хатоликлардан иборат бўлганлиги илмий далиллар билан изоҳлаб берилди.¹⁵

В.Алексеев тадқиқоти орқали 1917–1960 йилларда совет ҳокимиятининг диний муассаса ва ташкилотларга нисбатан салбий муносабати, “Худосизлар” ташкилотининг даҳрийлик кураши оқибатлари тарихий манбалар асосида ўрганилган. Айниқса, ушбу асарда совет ҳокимиятининг дин ва диндорларга нисбатан қатағонлик сиёсатидаги хатоликлари ҳали ўрганилмаган махсус архив ҳужжатлари орқали ёритилди.¹⁶

И.Алимовнинг илмий ишларида ҳам диний масалада ҳолислик мезонида ижобий фикр билдирилди. У томонидан Туркистон АССРда совет ҳокимиятининг дин ва диний муассасаларга муносабатидаги хатоликлар, вақф мулклари тугатилиши билан боғлиқ салбий

¹⁴ *Лещинский А.Н.* Время новых подходов: о советской государственной церковное отношение. – М.: Политиздат, 1990.

¹⁵ *Ғаниев А.С.* Место религии в истории духовных ценностей. // Сборник научных трудов ТашПИ. - Т., 1990; *Умаржонов О.* Атеистик тарбияда қайта қуриш масаласи. – Фарғона: Фарғона нашриёти, 1990.

¹⁶ *Алексеев В.А.* Иллюзии и догмы. – М.: Политиздат, 1991.

оқибатлар янги давр ва янгича тафаккур нуктаи назаридан ўрганилди ва баҳо берилди.¹⁷

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришгандан сўнг тарихчилар олдида ҳам кенг имкониятлар ҳамда вазифалар пайдо бўлиб, совет ҳокимиятининг мусулмон муассаса ва ташкилотлар фаолиятига муносабати ҳолисона очиб берилди бошланди. Бу жараён негизда тадқиқ этилаётган мавзу тарихшунослигининг янги даври бошланди. Мустақиллик даврида нашр этилган адабиётлар ва тадқиқотлар ўрганилганлик даражасининг иккинчи гуруҳини ташкил этади.

Мустақиллик йилларида тарихчи олимлар томонидан янгича тафаккур ва миллий истиклол мафкураси асосида йирик коллектив монографиялар¹⁸, дарсликлар ва ўқув кўлланмалари¹⁹ чоп этилди. Уларда Ўзбекистон мусулмон муассаса ва ташкилотлар фаолияти билан боғлиқ маълумотлар берилиб, совет ҳокимиятининг дин ва диндорларга нисбатан олиб борган даҳрийлик сиёсати мазмун-моҳияти баён қилинган.

¹⁷ *Алимов И.А.* Из истории решения вакфного вопроса в первые годы Советской власти в Узбекистане // Октябрьская революция в Средней Азии и Казахстане: теория, проблемы, перспективы изучения. –Т., 1991. – С.239–254.

¹⁸ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлақачилиги даврида. –Т.: Шарқ, 2000; Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. –Т., 2000.

¹⁹ *Ражапова Р.Ё.* ва б. Ўзбекистон тарихи (1917–1993 йй.) 9-синф учун дарслик. –Т., 1994; Ўзбекистон тарихи (1917–1991 йй.) 10-синф учун дарслик. –Т.: «Шарқ», 2000. *Ражабов Қ., Ҳайдаров М.* Туркестан тарихи (1917–1924 йй.). –Т.: Университет, 2002; Ўзбекистон тарихи (Олий ўқув юрларининг номутахассис факультетлари талабалари учун дарслик). –Т., 2003.

Бу йилларда совет ҳокимиятининг дин ва диндорларга муносабатига оид кўплаб монографиялар²⁰, рисола²¹ ва мақолалар²² чоп этилди.

Ушбу тадқиқотларда совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда ислом дини ва муассасалари ҳамда диндорларга нисбатан олиб борган дахрийликдан иборат сиёсатининг айрим қирралари ҳолисона очиб берилган ва таҳлил қилинган.

Ўзбекистонда совет ҳокимияти ўрнатилиши жараёнида большевикларнинг ижтимоий-иқтисодий

²⁰ *Алимова Д. А.* Ўзбекистон мустабид тузум даврида: сиёсий ва мафкураравий таъйик оқибатлари (1917–1990 й.). –Т.: Фан, 2000; *Бабаханов Ш.* Муфтий Зияуддинхон ибн Эшан Бабахан: жизнь и деятельность. –Т., 1999; *Аъзамхўжаев С.* Туркистон Мухторияти: миллий демократик давлатчилик қурилиши таърибаси. –Т.: Маънавият, 2000; *Ражабов Қ.* Мустақил Туркистон фикри учун мужодалалар (1917–1935 й.). –Т., 2000; *Уша муаллиф.* Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. – Т.: Маънавият, 2002; *Уша муаллиф.* Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракати: мохияти ва асосий ривожланиш босқичлари (1918 – 1924 й.). –Т.: Yangi nashr, 2015; *Ҳайитов Ш. А., Бадриддинов С.* Ваган дея ватансиз қолганлар қисмати. – Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 2005; *Шамсутдинов Р.* Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун (Урта Осиё республикалари мисолида). –Т.: Шарк, 2003; *Уша муаллиф.* Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари. –Т.: Шарк, 2001; *Уша муаллиф.* Шимолӣ Кавказ сургундаги юртдошларимиз қисмати. –Т.: Шарк, 2005.

²¹ *Болтабоев С.* Туркистонда вақф мулклари тарихи (XIX аср охири – XX аср бошлари). – Наманган, 2005; *Расулов Б.* Туркистонда мактаб ва мадрасалар тарихи (XIX аср охири – XX аср бошлари). – Андижон: “Андижон” нашриёти, 1995.

²² *Алимов И. А.* Эски мактаб ислохоти ташаббусқори // Халқ таълими. –Тошкент, 1993. - № 10.–12. – 5–8 б.; *Зиёева Д.* Туркистон мустақиллиги учун кураш масалалари 20–30-йиллар талқинида // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. –Тошкент, 1998. -№ 1. –Б.67–73; *Алимова Д. А.* Ислам и “воинствующий” атеизм в литературе Узбекистана 20–30-х годов // *O'zbekiston tarixi*. –Тошкент, 2000. -№ 4. –Б.58–65; *Ҳасанов Б.* Репрессии против интеллигенции Узбекистана в 20–30-е годы и их последствия // *O'zbekiston tarixi*. –Тошкент, 2000. -№ 1. –Б.104–107; *Лукин Б.* Происхождение и судьба Корана Османа // *O'zbekiston tarixi*. –Тошкент, 2001. -№ 4. –Б.18–26; *Расулов А.* Усмон Мусҳафи Тошкентга қачон қайтарилган? //Имом ал-Бухорий сабоқлари. –Тошкент, 2002. - № 3. –Б.165–166; *Мустафаева Н.* Туркистон маорифи XX асрнинг 20-йиллари муаллифлари назарида // *O'zbekiston tarixi*. –Тошкент, 2004. -№ 3.–Б.33–45; *Уша муаллиф.* Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг диний сиёсати // *O'zbekiston tarixi*. –Тошкент, 2005. - № 2. – Б.35–41 ва б.

хамда маданий соҳалардаги сиёсатини ўрганишда диссертация тадқиқотлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, Р.Абдуллаев, С. Аъзамхўжаев, Б.Ҳасанов, Қ.Ражабовларнинг докторлик, М.Мирзаев, В.Мухамеджонова, Т.Раҳмонов, Б.Расулов, С.Болтабоев, Э.Казаков, М.Ҳайдаров²³ ва бошқаларнинг номзодлик диссертацияларида ўрганилаётган муаммога онд кимматли маълумотлар мавжуд.

Р.Абдуллаев, С.Аъзамхўжаев ва Қ.Ражабовларнинг докторлик диссертацияларида совет ҳокимияти йилларида Туркистон минтақасидаги миллий характердаги ижтимоий-сиёсий ташкилотларнинг шаклланиши ва уларнинг фаолияти, ўлкадаги мустақиллик учун курашнинг сабаб ва оқибатлари, диний уламоларнинг мустақил тузумга қарши курашдаги иштироки, дин аҳлларининг маориф ва маданий соҳалардаги ўрни, большевикларнинг динга салбий муносабати қабиларга объектив баҳо берилган.

М.Ҳайдаров ўзининг номзодлик диссертациясида Туркистондаги совет ҳокимиятининг буюк давлат-

²³Абдуллаев Р. Национальные политические организации Туркестана в 1917–1918 годы.: Автореф. дис. ... докт. ист. наук. –Т., 1998. – С. 62.; *Хасанов Б.* Национальная интеллигенция Узбекистана и исторические процессы 1917 – начало 50-х годов. Автореф. дис. ... докт. ист. наук. –Т., 2000. - 54 с.; *Ражабов К.* Вооруженное движение в Туркестанском крае против советского режима (1918–1924 гг.). Автореф. дис. ... докт. ист. наук. – Т., 2005. -64 с.; *Мухамеджонова В.* Периодическая печать 20–30-х годов о раскрепощении женщины Узбекистана. Автореф. дис. ... канд. ист. наук. –Самарканд, 1994. – С. 24.; *Рахмонов Т.* Социально - культурное строительство в Узбекистане в 30-е годы: опыт и проблемы. Автореф. дис. ... канд. ист. наук. –Т., 1994. – С. 31.; *Мирзаев М.* Становление и развитие дела охраны и изучения памятников истории и культуры в Узбекистане (1917–1947 гг.). Автореф. дис. ... канд. ист. наук. –Т., 1994. –С. 25.; *Казаков Э.* Политика правительства Хорезмской Республики в отношении исламской веры и служителей культа (1920–1924 гг.). Автореф. дис. ... канд. ист. наук. –Т., 1996. – С.31.; *Расулов Б.* Из истории мусульманских мактабов и медресе Узбекистана (конец XX – 20-годы XIX): Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Андижан, 1996. –С.32.; *Ҳайдаров М.* Централизаторская политика Советской власти в Туркестане и ее последствия (1917–1924 гг.). Автореф. дис.... канд. ист. наук. –Т., 1998. – С. 28.

чиликдан иборат марказлаштириш сиёсати ва унинг фожиали оқибатларини ёритган бўлса, Б.Расуловнинг тадқиқотида архив фондларидаги бирламчи манбалар ва уларнинг тарихий таҳлили асосида Туркистондаги мусулмон маориф тизими, Россия империяси даври ва совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида уларга таъйиқ ўтказиш сиёсати ва унинг оқибатлари ёритилган.

С.Болтабоев, Э.Казаковларнинг номзодлик ишларида эса Туркистон ва Хоразм Республикаларида вақф мулкларининг аҳволи, вақфларга ҳукумат томонидан назорат ўрнатилиши, шунингдек, совет ҳокимиятининг динга салбий муносабати туфайли диний муассасаларнинг моддий таянчи бўлган вақф мулклари тортиб олиниши каби мудҳиш сиёсатининг моҳияти илмий таҳлил қилинган.

В.Мухаммаджонованинг номзодлик диссертациясида эса XX асрнинг 20–30-йилларида Ўзбекистонда “Ҳужум” ҳаракатининг даврий нашрларда ёритилиши, хотин-қизларни озодликка чиқариш сиёсатида совет ҳокимияти йўл қўйган мислсиз хатоликлар, диний кадрларнинг камситилиши, кампаниячилик оқибатида фожиали ҳолатларнинг содир бўлиши каби хусусиятлар илмий таҳлил қилиб ўтилган.

Т.Раҳмоновнинг тадқиқотида XX асрнинг 20–30-йилларида совет ҳокимиятининг маданий инкилобни амалга оширишдаги муаммолари ўрганилган бўлса, М.Мирзаевнинг диссертациясида эса Ўзбекистонда 1917–1941 йиллардаги тарихий-маданий ёдгорликларни сақлаш ва ўрганиш ишларининг йўлга қўйилиши масалаларида ижобий силжиш ҳолатлари юз бера бошлаганлиги, совет ҳокимиятининг диний муассасаларга нисбатан салбий муносабати туфайли қўплаб бўш қолган масжид-мадраса биноларининг қаровсиз қолиш фожиалари янги давр нуқтаи назаридан ўрганилган ва баҳо берилган.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда ислом дунёсининг машҳур алломалари Имом Бухорий²⁴, Имом Мотуридий²⁵, Бурхониддин Маргиноний²⁶, Хожа Ахрор Валий²⁷ каби буюк шахсларнинг юбилейларини нишонлаш жараёнида турли халқаро анжуманлар ва конференциялар ўтказилди. 2007 йил Ислום Конференцияси Ташкилотининг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича муассасаси (ISESCO) томонидан «Тошкент – ислом маданияти пойтахти» деб эълон қилиниши муносабати билан 2007 йил 14–15 августда Тошкент ва Самарқандда халқаро конференция²⁸ ва турли тадбирлар ўтказилди. Тошкент Ислום университетида бўлган халқаро конференция²⁹ (2007 йил 25–26 июнь) ҳам мазкур муаммога бағишланди. Ушбу халқаро конференция материалларида, шунингдек, сўнгги йилларда чоп қилинган бошқа китобларда³⁰ Ўзбекистонда ислом динининг тараққиёти ва диний алломаларнинг ислом динига қўшган бебаҳо хиссаси кўрсатилган.

²⁴Имом ал-Бухорий ва унинг дунё маданиятида тутган ўрни // Халқаро илмий анжуман материаллари. – Т.: Фан, 1998. – Б.278.

²⁵ Имом ал-Мотуридий ва унинг ислом фалсафасида тутган ўрни мавзудидаги халқаро конференция материаллари (Ўзбек, инглиз, рус тил.). – (Самарқанд 2000, 17 ноябрь). – Т.: Фан, 2000. – Б.186.

²⁶ Бурхониддин ал-Маргинонийнинг жаҳон фани ва маданияти тараққиётида тутган ўрни мавзудидаги халқаро конференция материаллари (Ўзбек, инглиз, рус тил.). – (Риштон 2000, 16 ноябрь). – Т.: Фан, 2000. – Б.134.

²⁷ Хожа Ахрор Валийнинг Марказий Осиё тарихи ва маънавиятида тутган ўрни // Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари (Самарқанд, 2004, 17 декабрь). – Тошкент, 2004. – Б.100.

²⁸ Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган хиссаси // Тошкент шаҳрининг 2007 йилда Ислום маданияти пойтахти деб эълон қилинишига бағишланган халқаро конференция материаллари. – Тошкент-Самарқанд, 2007, 14–15 август. – Б.496.

²⁹ Исламские ценности Центральной Азии: толерантность и гуманизм // Историко-философские и культурные аспекты. Материалы Международной научной конференции. Ташкент, 25–26 июня, 2007. – Ташкент, 2008. – С.208.

³⁰ Тошкент – ислом маданияти пойтахти. – Тошкент: Тошкент Ислום университети нашриёти, 2007. – Б.164.



Ўзбекистонда мусулмон диний муассаса ва ташкилотлари тарихи муаммосининг айрим жиҳатлари Боймирза Ҳайит (1917–2006)нинг “Туркистонда советлар бирлигиндаги туркийлик ва исломнинг баъзи масалалари” асарида³¹, Туркияда чоп этилган “Бугунги кунимизнинг буюк ислом тарихи”³² номли фундаментал тадқиқотда ва италиялик исломшунос олим Паоло Сарторининг монографиясида³³ ёритилган. Хусусан, Боймирза Ҳайит ўзининг асарида большевиклар томонидан Туркистонда амалга оширилган диний сиёсатнинг оқибатларини холис ёритган. Унинг фикрича, совет ҳукумати ва большевиклар Туркистон ҳудудида ислом уламоларини катагон қилганлар, диний ташкилотлар ва муассасалар фаолиятини тўхтатганлар.

Хуллас, мустақиллик йилларида ёзилган тадқиқотлар XX асрнинг биринчи ярмида Ўзбекистондаги мусулмон муассасаларининг аҳволи, улар фаолиятини чеклаш сабаблари ва жараёни, диний уламоларнинг катагон қилиниши, совет давлати мустабид тузумнинг беқарор диний сиёсатига оид баъзи фактик материаллар мавжуд. Бироқ 1917–1950 йилларда Ўзбекистондаги мусулмон муассаса ва ташкилотлари фаолияти тарихи алоҳида илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаганлиги бу масалада жиддий ва комплекс илмий-тадқиқот яратиш заруриятини келтириб чиқаради.

Тадқиқотнинг манбавий асослари. Мазкур ишни ёзишда фойдаланилган манбаларни асосан куйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Архив ҳужжатлари.
2. Чоп этилган тарихий ҳужжатлар материаллари ва махсус қонунлар, ҳисоботлар, хотира ва эсдаликлар.

³¹ *Baymirza Hayit. Sovyetler Birliğinde'ki Turklugun ve islamin bazı meseleleri. Turk dünyasi araştırmaları vakfı. – İstanbul. 1987. -260 s.*

³² *Dogustan gunumuze buyuk Islam Tarihi. – İstanbul.: “Zaman”, 1993. – 607 s.*

³³ *Paolo Sartori. Altro Che seta. Corano e progresso in Turkestan (1865–1917). – Prato, 2003. -154 p.*

3. Даврий матбуот материаллари.

4. Мусулмон уламолари ҳамда ўша давр тарихий воқеаларининг гувоҳи бўлган шахслар билан турли йиллардаги суҳбатлар.

Тадқиқотни илмий-назарий жиҳатдан ҳолисона ва объектив тарзда очиб беришда Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви (ЎзР МДА)да сақланаётган фондларнинг катта аҳамиятга эга бўлган тарихий ҳужжатлари ўрганиб чиқилди ва таҳлил қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивининг Туркистон АССР Марказий Ижроия Кўмитаси (МИК) Советлари (Ф.Р-17), Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Совети (Ф. Р-25.), Туркистон АССР Халқ маориф комиссарлиги (Ф.Р-34), Туркистон АССР Адлия халқ комиссарлиги (Ф.Р-35), Туркистон АССР Ички ишлар халқ комиссарлиги (Ф.Р-39), БХСР Марказий Ижроия Кўмитаси (Ф.Р-47), ХХСР Марказий Ижроия Кўмитаси (Ф.Р-71), Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Кўмитаси (Ф.Р-86), ЎзССР Халқ маорифи комиссарлар совети (Ф.Р-94), Ўзбекистон ССР Ер ишлари бўйича халқ комиссарлиги (Ф.Р-90), Осори-атиқа, санъат обидалари ва табиат ёдгорликларини сақлаш Ўрта Осиё Комитети (Ф.Р-394), ЎзССР Халқ Комиссарлари Совети (Ф.Р-837), СССР Халқ Комиссарлари Совети қошидаги Диний ишлар кенгашининг Ўзбекистон ССРдаги вакиллиги (Ф.Р-2456) каби фондларидаги материаллари муҳим манба бўлиб хизмат қилди.

Китобни ёзишда Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний бошқармаси фаолиятини ёритувчи ҳужжатлар ва бошқа архив манбалари ҳам жиддий ўрганилди ва тадқиқотда улардан унумли фойдаланилди.

Тадқиқот мазмунини ёритишда Ўзбекистон Республикаси Президенти девони архивининг Фарғона вилоят бўлимига қарашли Ўзбекистон Компартияси Фарғона вилоят кўмитаси (Ф.1), Ўзбекистон Ком-

партияси Фарғона ўлка кўмитасининг тарғибот-ташвиқот бўлими (Ф.109) фондларидан ҳам кенг фойдаланилди.

Фарғона вилояти давлат архивидан олинган куйидаги манбалар ҳам тадқиқотимизни ёритишда муҳим роль ўйнади: Фарғона вилоят Халқ таълими бўлими (Ф.83), Фарғона вилоят Ишчи-деҳқон ва қизил аскар депутатлари кенгаши Ижроия кўмитаси (Ф.121), Фарғона вилоят шаҳар қасаба уюшмалар совети (Ф.123), Фарғона вилоят инқилобий кўмитаси (Ф.435), Фарғона вилояти Ижроия кўмитаси (Ф.1124).

Шунингдек, Бухоро вилояти давлат архиви (Бухоро ВДА) ҳужжатлари ўрганиб чиқилиб, совет ҳокимиятининг диний сиёсатига оид материаллар таҳлил қилинди. Бухоро ВДАда мавжуд Зарафшон вилояти ишчи-деҳқон ва қизил аскар депутатлар кенгаши Ижроия кўмитасининг вақф ишлари бўлими (Ф.94), Бухоро вилоят ишчи-деҳқон ва қизил аскар депутатлар кенгаши Ижроия кўмитасининг вақф ишлари бўлими (Ф.839), Бухоро вилояти Ижроия кўмитаси (Ф.1206) фондлари шулар жумласидандир.

Юқорида қайд этилган архив фондларида мавжуд Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг диний сиёсати, мусулмон муассаса ва ташкилотларининг фаолияти билан боғлиқ тарихий ҳужжатлар, ҳукумат органларининг қарорлари, турли уюшмаларнинг ҳисобот ва материаллари ушбу тадқиқот орқали илк маротаба илмий муомалага олиб кирилди. Архив манбаларининг таҳлили совет ҳокимиятининг даҳрийлик ва қатағондан иборат сиёсатининг моҳиятини очиб беришда катта хизмат қилди.

Китобнинг илмий манбавий базасини бойитишда совет ҳокимияти идоралари ҳамда диний муассасалари фаолиятини бевосита бошқарувига асосланган ташкилотлар томонидан қабул қилинган турли қонун ва

қарорлар³⁴, эълон қилинган ҳужжатлар, материаллар³⁵ ҳамда мавзуга оид кўплаб кўрсатмалар, ҳисоботлар ҳам³⁶ таҳлил қилинди. Муаллиф ушбу тарихий ҳужжатлар таҳлилига диққатни қаратиб, тадқиқотда уларга танқидий равишда ёндашди ва ушбу ҳужжатлар асосида муҳим хулосалар чиқарди.

Тадқиқот мазмунини ёритишда 1920–1960 йилларда чоп этилган “Бухоро ахбори”, “Озод Бухоро” (араб имлосида), “Ленин йўли”, “Правда Востока”, “Безбожник”, “Правда”, “Известия”, “Қизил Ўзбекистон”, “Антирелигиозник”, “Наука и просвещение”, “Маориф ва ўқитувчи”, “Воинствующий атеизм”, “Худосизлар”, “Китоб ва инқилоб” сингари газеталар, журналлардаги мақола ва хабарлар ёрдам берди.

Муаллиф илмий ишни ёзишда ўша давр воқеаларининг жонли гувоҳлари бўлган шахслардан Муқаддасхожи Салмонов (1917–2009), Эгамберди Ботиралиев (1910–2000), Ганижон Жўрабоев (1917–1992), Эргашой Жўрабоева (1923–1912) қабилар ҳамда Ўзбекистондаги диний уламолардан шайх Абдулазиз Мансур, Ҳабибуллоҳ Солиҳ ва бошқалар билан шахсий мулоқотларда бўлиб, уларнинг хотираларидан фойдаланди. Бу

³⁴Мусбюро РКП (б) в Туркестане. 1, 2 и 3-Туркестанские краевые Конференции РКП 1919–1920 год. С введением тов. Рыскулова. –Т.: Туркгосиздат, 1922; КПСС съездлари, конференция ва МК Пленумининг резолюция ва қарорлари. Т. I. –Т., 1954; Ведомости Верховного Совета РСФСР. –М.: Политиздат, 1975. – № 27; Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях и решениях съездов и пленумов ЦК (1925–1937 гг.). Т. I. Сборник документов. –М.: Политиздат, 1987 ва б.

³⁵Из истории ВЧК (1917–1921-гг.). Сборник документов. – М.: Госполитиздат, 1958; Социалистическое переустройство сельско-хозяйство в Узбекистане (1917–1924 гг.). Сборник документов. –Т.: 1962; Культурное строительство в Туркестанском АССР (1917–1924 гг.). Сборник документов. –Т., 1973; Конун, дин, черков: Марксизм-ленинизм классикларининг дин ва атеизм тўғрисидаги фикрлари. Ҳужжатлар тўплами. –Т., 1987 ва б.

³⁶Ўзбекистонда маориф ва маданият масалалари. Ҳисоботлар. –Т., 1926; Қурашчан худосизлар союзининг фабрика заводлардаги ячекаларида ишлаш учун қўлланма. –Т., 1936; Атензмдан оммабоп лекциялар. Тўплам. –Т., 1966 ва б.

маълумотлар архив ҳужжатлари ва тарихий адабиётлар билан қиёслаб ўрганилди ҳамда тегишли хулосаларга келинди.

Китобда тарихий воқеалар таҳлили миллий ва умуминсоний қадриятлар талаблари асосида баён этилди. Тадқиқотни ёзишда муаммога *цивилизацион услубда* ёндашилди. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлайдиган халқаро ҳужжатлар ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, виждон эркинлигини кафолатлайдиган ҳукумат қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари тадқиқотга асос қилиб олинди.

Ислом дини, диний қадриятлар ва маънавий маданиятнинг аҳамияти ҳамда тарихни ёритишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарлари ва республика анжуманларида сўзлаган нутқ ва маърузалари тадқиқотнинг илмий-методологик асосини ташкил этди. Муаллиф тарихни тадқиқ қилишнинг объективлик ва холислик, тарихийлик тамойилларидан келиб чиқиб, масала моҳиятини бирламчи манбаларга таяниб ёритди.

І БОБ.
ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛЬШЕВИКЛАРНИНГ
ДИНИЙ СИЁСАТИ ВА ИСЛОМ
ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ
ЧЕКЛАНИШИ (1917–1928 йиллар)

1.1. ТУРКИСТОН АССРДА СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ
МУСУЛМОН МУАССАСАЛАРИГА МУНОСАБАТИ

Ўрта асрлардан бошлаб минг йиллар давомида ислом дини ва унинг роли биз яшаб турган минтақада ижтимоий, маданий-маърифий, иқтисодий ҳаётда муҳим ўрин эгаллаб келган. Тарихий жараёнлар жуда кескин кечган XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида ҳам Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида, Туркистон генерал-губернаторлигида ер ва мулкларнинг катта қисми диний муассаса ва ташкилотларга тегишли бўлиб, вақф ерлари ва мулклари номини олган. Шунингдек муфтий, саид, хўжа, аълам, пир, мутавалли, эшон, шайх, сўфи сингари диний табақалар ҳам каттагина мулк эгалари бўлган. 1917 йилга қадар Туркистондаги мусулмон муассаса ва ташкилотларида хизмат қилаётган диний шахслар ва уламоларнинг мадраса, масжид, қорихона, хонақоҳ қабилардаги сони ҳам катта миқдорни ташкил қилган. XX аср бошларида Туркистон генерал-губернаторлиги ҳудудида 268 та мадраса,³⁷ 1498 та катта, 11 230 та кичик ҳажмдаги масжидлар мавжуд бўлиб, уларда хизмат қилаётган имомларнинг ўзи 12 499³⁸ нафарни ташкил этган. Шунингдек, Фаргона вилоятининг ўзида 236 та қорихоналар³⁹ фаолият юритган.

“Вақфи хайри” (“Вақфи умумий”), “вақфи авлоди” ерлари Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида 1920 йилга қадар салмоқли миқдорда эди. “XX аср бошларида Бухорода 360 та масжид, 140 та мадраса, 360 та бошлан-

³⁷Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви (ЎзР МДА), 47-фонд, 2-рўйхат, 116-иш, 4, 7-варак.

³⁸ЎзР МДА, 1-фонд, 18-рўйхат, 29-иш, 564, 565-варак., 565-варакнинг орқаси.

³⁹Ўша жойда. 566-варак.

ғич диний мактаб ва бошқа бинолар бор эди”.⁴⁰ Уларнинг моддий таъминоти бир неча юз минглаб танобдан иборат вақф ерлари ва мулклари ҳисобидан амалга оширилди.

Хива хонлигида айти шу даврда 120 та мадраса, 73 та қабристон, 71 та муқаддас жойлар бўлган. Ислом эътиқоди миллий урф-одат ва анъаналарига сингиб кетиб, муқаддас Қуръони карим, Ҳадиси Шариф ҳамда ислом фикҳи асосида жамият тартиботларини бошқариш маънавият сарчашмаларидан бирига айланган.⁴¹

Россия империяси мустамлакачилиги йилларида (1865–1917 йй.) Туркистондаги сиёсат ушбу жараёнларга таъсирини ўтказмай иложи йўқ эди.

Мустамлакачиларнинг ислом динига, мусулмон ташкилотларига қарши кураши жамият аъзолари томонидан қаттиқ қаршиликка учради ва оммавий норозиликларни келтириб чиқарди. Шунинг учун Россия империяси бу масалага «эҳтиёткорлик» билан муносабатда бўлиш сиёсатини юритди.

1917 йилнинг феврида Петроградда содир бўлган демократик инқилоб Россия ҳудудида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлашга қаратилган қонунлар қабул қилди. Қисқа вақт ҳукмронлик қилган Муваққат ҳукумат даврида виждон эркинлигининг эълон қилиниши муҳим тарихий воқеа бўлди. Февраль инқилобидан сўнг эълон қилинган озодлик, тенглик, мустақиллик ҳақидаги шиорлар ва татбиқ қилина бошланган демократик ўзгаришлар империянинг мазлум халқлари қатори мустамлака Туркистонда ҳам кўтаринки руҳда кутиб олинди. Ўлкадаги диний ва сиёсий ташкилотларнинг фаолиятида жонланиш сезила бошланди. Инқилобнинг кучли таъсири остида миллий-сиёсий уйғониш, халқимизнинг ўз-ўзини англаш жараёни тезлашди.

⁴⁰Эргашев Б. Х. Идеология национально-освободительного движение в Бухарском эмирате. –Т.: Фан, 1991. – С. 16.

⁴¹Матқаримов М. Хоразм Республикаси давлат тузилиши, нозирлари ва иқтисоди. Урганч, 1993. -8–9 б.

Россия империяси ҳукмронлиги йилларида Туркистонда жамият ва ташкилотлар очик сиёсий фаолият кўрсата олмаган бўлса, Февраль инқилобидан сўнг қисқа вақт ичида ўнлаб жамият ва ташкилотлар очик иш юрита бошлаб, бир Тошкентнинг ўзида 20 га яқин мусулмон жамиятлари мавжудлиги манбаларда қайд этилган.⁴²

Февраль инқилобидан сўнг маърифатпарварлик фаолияти орқали Туркистон халқларининг миллий онгини ўстиришда, уларни халқпарварлик, таракқиёт ва эркинликка ундаган жадиждлар фаолиятини кучайтирди. Жадиждлар демократик инқилоб эълон қилган тенглик, озодлик, эркин фикрлаш, виждон эркинлиги каби тамойилларга катта умид боғлаб, миллий бирликни мустаҳкамлаш, миллий маданиятни ривожлантириш ва ҳар қандай маданиятли давлатнинг энг биринчи вазифаси бўлган маориф ишини яхшилашга, диний билимлар билан чекланиб қолмай, дунёвий илмни ривожлантиришга интилдилар. Жадиждлар сиёсий фаолиятининг янада ўсганлигини Туркистонда: «Мифтах ул-маориф», «Маърифат ва шариат», «Шўрои Исломия», «Талабалар», «Муаллимлар», «Уламо» каби жамиятларнинг ташкил этилиши орқали воқиф бўлиш мумкин. Жадиждлар мусулмонларнинг маҳаллий уюшма ва ташкилотларини тузиш, уларга таракқийпарвар уламо ва руҳонийларни жалб этиш ташаббуси билан чиқдилар.

1917 йилнинг 14 июлида Муваққат ҳукумат «Виждон эркинлиги тўғрисида» махсус қонун қабул қилди. Бу қонунга мувофиқ қуйидаги диний эркинликлар эълон қилинган эди: «мамлакатда барча динлар қонун олдида баробарлиги, ҳар қандай динга эътиқод қилишидан қатъи назар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгаллиги, қонунчиликни умумий талаблари асосида диний уюшмалар ташкил этиш, монийсиз чиқиш ва бошқасига ўтиш, фуқароларни диний эътиқодидан қатъи назар барча ҳуқуқий бурчларидан фойдаланиш, унга риоя

⁴²Закый Валидий. Уюшмаган миллат инкирозга маҳкум //Турон тарихи. –Т., 1992. -№1.-Б. 21.

этиш кабилар. Аммо қонунда атеист бўлиш ва динга қарши сиёсат юритиш мумкинлиги ҳақида ҳеч қандай гап юритилмаган».⁴³

Ушбу қонунни барча диний муассаса ва ташкилотлар эътирозсиз яхши муносабатда қабул қилишди. «Виждон эркинлиги тўғрисида»ги қонун барча динларни ўз ташкилотларини ташкил этишга, диний муассасаларни марказлаштиришга имконият яратди. Муваққат ҳукумат сўнгги қонларига қадар диний муассасаларга қарши ҳеч қандай салбий ҳаракат содир этмади.

1917 йилнинг октябрь ойи охирида Россия пойтахти Петроградда рўй берган инқилобий тўнтариш ва Муваққат ҳокимиятнинг ағдарилиши чекка ўлкалардан бири бўлган Туркистондаги сиёсий жараёнларга ҳам кўп ўтмай ўз таъсирини ўтказди. Тошкент Совети 1917 йил 1 ноябрда Туркистонда совет ҳокимияти ўрнатилганлигини эълон қилди. Ўша куни большевиклар Термиз ва Каттакўрғонда, 25 ноябрда Янги Бухоро (Когон)да, 28 ноябрда Самарқандда, 7 декабрда Наманганда ҳокимиятни ўз қўлларига олдилар. Тошкент ишчи-солдат ва деҳқон депутатлари Ижроия Қўмитаси томонидан ҳокимиятнинг олиниши ўлкада большевикча тартибларнинг ўрнатилишига имкон яратди. Большевиклар подшо Россияси давридаги мустамлакачилик сиёсатини янгича тарихий шароитда давом эттириб, унга моҳиятан амал қилдилар. Туркистонда инқилобий ақидаларга, аввало, синфийлик тамойилларига амал қилиниб, дискриминация сиёсати юритилди. Ишчилар синфи ва камбағал деҳқонлардан ташқари бошқа барча табақалар реакцион гуруҳлар деб эълон қилинди. Жумладан, ислом ва бошқа динларга эътиқод қилувчи Туркистон аҳли ҳам реакцион оқим сифатида кораланиб, уларга қарши аёвсиз кураш бошланди.

Туркистонда большевикча тартиблар ўрнатилган дастлабки қонларданок, ҳукумат сохта, «дабдабали» декларациялар эълон қилиш орқали аҳолини большевикча режимга ижобий муносабатда бўлишини

⁴³Алексеев В. Иллюзии и догмы. –М. Политиздат, 1991. – С. 17.

кўзлаган эди. Совет ҳукумати вужудга келганлигининг дастлабки кунларида қабул қилинган икки тарихий ҳужжат айнан шу мақсадга йўналтирилган эди.

1917 йил 2 ноябрда «Россия халқлари ҳуқуқларининг декларацияси» ва ушбу йилнинг 20 ноябрида «Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига» мурожаатномаси эълон қилинди. Унда барча фуқароларнинг тенглиги, бошқа халқларнинг эса Россия Федерациясидан ҳаттоки ажралиб чиқиши ва мустақил давлат тузиш ҳуқуқи, миллий, диний имтиёзлар ва чеклашларни бекор қилиш кабилар расмий равишда баён қилинган эди.

Мурожаатномада «Россия мусулмонлари, Волгабўйи Қрим татарлари, Сибирь ва Туркистоннинг қирғиз ва сартлари, Закавказиянинг турк ва татарлари, Кавказнинг чечен ва тоғликлари... сизнинг дин ва урф-одатларингиз, сизнинг миллий ва маданий муассасаларингиз бундан буён эркин ва дахлсиз деб эълон қилинади. Ўз миллий турмушингизни эркинлик билан бахузур тузаверингиз. Шундай қилишга ҳақлисиз, ўз мамлакатингизга ўзингиз хўжайин бўлмогингиз лозим! Ўз турмушингизни кўнглингиздагидек ва ўз хоҳишингизга мувофиқ қилиб ўзингиз тузмогингиз лозим, сиз шундай қилишга ҳақлисиз, чунки сизнинг тақдирингиз ўзқўлингизда...»,⁴⁴– деб ёзилган.

Юқорида қайд этилган тарихий ҳужжатлар оддий қогоздан иборат бўлиб, большевиклар ҳукуматининг найранги эканлигини ўйламаган Туркистон халқи имон-ихтиёримиз ўзимизда деб ҳисоблади. Совет ҳукумати раҳбари: «...агар Ўрта Осиё мусулмонлари ўз турмушимиз учун «Қуръон» ҳукми етарлиқдур, «Қуръон» раҳбарлиги остида яшовни истаймиз десалар биз буни албатта қабул қилишимиз керак»⁴⁵ деб ёзилганлиги Алихонтўра Соғуний томонидан таъкидланган эди.

⁴⁴Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи (1917–1924 й.). -Т.: Университет, 2002. 43-44-б.

⁴⁵Алихонтўра С. Туркистон кайғуси // Ёшлик. 1992. №5–6. 58–59-б.

Шунинг учун сохтакорлик ҳамда алдовдан иборат сиёсатга карамай маҳаллий аҳоли ўзининг миллий урф-одатларини ҳаётга татбиқ қилиш ҳамда виждон эркинлигини тиклаш учун амалий ҳаракат даври етди деб ҳисоблади. Бирок, дастлабки кунларда Совет ҳукумати Туркистонда тоталитар тартибларни жорий этиш, маҳаллий аҳоли вакилларини бошқарув ишларига, айниқса масъул лавозимларга яқинлаштирмаслик сиёсатини юритди. Туркистондаги олий ҳокимият Туркистон АССР Марказий Ижроия Қўмитаси, ҳукумат эса Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Совети, жиҳатдан Туркистон Компартияси қўлида эди.

Бу сиёсий ташкилотларнинг жилови европалик вакиллар қўлида бўлиб, улар ҳокимиятга большевиклар ҳукмини астойдил ҳимоя қилувчи ижрочи шахсларни жалб қилишди. Подшо Россиясининг мустамлакачилик тизими совет Россияси даврида янада такомиллаштирилиб, ўлкада янгича тартибларни ўрнатишга киришилди.

Совет ҳокимияти Туркистонни Россияга тўла бўйсундириш учун Марказнинг ҳар қандай қарор ва декретларини татбиқ қилиш ва бажарилишини таъминлаш сиёсатини юритди. Бу билан мустамлакачилик тузуми ўзгармасдан давом этиши белгилаб қўйилди.

Маҳаллий аҳолининг давлат тузиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари, Туркистондаги ижтимоий-сиёсий ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиришга уринишлар ҳамда биринчи миллий ҳукумат, яъни Туркистон мухториятининг (1917 йил ноябрь – 1918 йил февраль) қонга ботирилиши, совет мустабид тузумининг ноинсоний табиати ва зўравонлик сиёсатини дастлабки кунлардаёқ намоён қилди.

1917 йил охирида Туркистонда большевикча тартибларни мустаҳкамлаш ҳамда совет маъмурий тузумини ўрнатиш мақсадида кизил гвардияни ташкил қилиш билан боғлиқ махсус қарор қабул қилинди. 1918 йилнинг февраль ойидан бошлаб, Туркистон

халқлари тарихи ва маданиятидан хабарсиз асосан европаликлардан иборат Қизил армия тузилди. Туркистон худудида миллий озодлик кучлари билан кескин курашлар бошланди. Бу курашда диндорлар совет ҳокимиятининг ашадий душмани ва реакцион кучи деб ҳисобланди. Қозилар, шариат пешволари, мулла ва имомлар Қизил армия қисмлари томонидан ҳибсга олина бошланди. Динга қарши кураш никоби остида «Андижондаги Жомъе масжиди мусулмон отрядининг казармасига айлантирилди. Қизил армия отрядлари масжид ва мадрасаларда намоз ўқиб турган домла ва уламоларга хужум қилдилар, у ерларга бомба ташлаб харобазорларга айлантирдилар»,⁴⁶ деб таъкидланади архив манбаларида.

Қизил кўшинларнинг диний муассаса ва ташкилотларга бу каби ваҳшиёна муносабати 1918 йилда Самарқанд шаҳрида ҳам амалга оширилган. «Самарқанд шаҳрига етиб келган аскарлар қаршилик ҳаракати иштирокчиларини таъкиб қилиб, марказий масжидгача етиб боришади, масжидни отхонага айлантириб, эрталабгача маҳаллий аҳолини сафга тизиб отиб ўлдириш мусобақасини уюштиради».⁴⁷

Ҳолбуки, 1917 йилнинг октябридан декабрига қадар РСФСР ХКС диний ва миллий масалаларга оид 7 та қарор ҳамда декрет ва ҳужжатлар қабул қилди. Мазкур декрет ва ҳужжатларнинг барчасида диний ташкилот-муассасаларга ва диндорларга ҳаққоний муносабатда бўлиш қайд қилинган эди.

РСФСР ХКСнинг 1917 йил 9 декабрдаги қарорида Подшо Россияси даврида кўп миқдордаги моддий бойликлар ҳамда маънавий-маданий нодир буюмлар қаторида Петроградга олиб кетилган ва у ердаги давлат кутубхонасида сақланаётган мусулмонларнинг муқаддас китоби, халифа Усмон (ҳукмронлик даври: 644—656 йй.) даврида ёзилган Қуръони қарим китобини

⁴⁶Қайғусиз Отабоевни қайгулари // Ўзбегим. Т., 1992. 78-б.; Ражабов Қ., Ғолиб армиянинг қора ишлари // Шарқ юлдузи. 1998. №6. 193 б.

⁴⁷Қосимов Б. Жаҳидчилик // Ёшлик. 1990. №7. 74-б.

мусулмонларга қайтариш қайд қилинган. Жумладан, қарорда ХКС муқаддас Усмон Қуръонини ўлка мусулмонлари съезди талаби билан сўралган жойга тезда қайтаради»,⁴⁸ деб ёзилган.

Туркистон генерал-губернатори В.Б.Кауфман даврида Самарқанд истило қилиниб, ушбу шаҳардаги Хўжа Аҳрор масжидида сақланаётган, халифа Усмон томонидан ёздирилган Қуръон китоби Зарафшон округи бошлиғи Абрамов томонидан унга ҳадя этилган ҳамда Россияга олиб кетилиб, Россия давлат оммавий кутубхонасида сақланаётган эди.⁴⁹

В.Ульянов (В. И. Ленин), Бонч-Буревич, Н.Горбунов кабилар имзоси билан муҳрланган юқоридаги қарор негадир тезда бажарилмаган. Усмон Қуръонини асл Ватанига қайтариш вазифаси махсус қарор қабул қилинганлигига қарамай, уни олиб келиш пайсалга солиб келинган. Манбалар маълумотича, бу муаммони ҳал этишга совет ҳукуматининг 1917–1920 йиллардаги диний муассасаларга нисбатан салбий муносабати ва Туркистон ўлкасида давом этаётган омонсиз курашлар тўсқинлик қилган. Бу ўринда Туркистон Мухторияти ҳукуматининг совет мутасаддилари томонидан реакцион-клерикал миллий буржуа ҳукумати сифатида қораланиши, озодлик учун курашлар, ҳаракатлар билан боғлиқ муаммоларни инобатга олиш керак.

1918 йилнинг 23 январида РСФСР ХКС томонидан «Черковни давлатдан ва мактабни черковдан ажратиш» тўғрисидаги декретда 13 моддадан иборат фикрлар жамланган. Туркистон АССРнинг 1918 йилнинг 20 ноябрдаги буйруғида эса «мусулмон халқ оммасининг тушунмаганлиги ва маданий даражасининг пастлигини ҳисобга олиб, истисно тариқасида мусулмон мактабларида таҳсилни давом эттириш кўрсатилган».⁵⁰ Чунки

⁴⁸Наука и религия // 1987. №1. – С. 56.

⁴⁹ЎзР МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 1091-иш, 6-варақ.

⁵⁰Фаргона Вилояти Давлат архиви (Фаргона ВДА.), 57-фонд, 1-рўйхат, 146-иш, 89-варақ.

мусулмон мактабларини моддий жиҳатдан таъминлаш асосан вақф мулклари ихтиёрида бўлиб, муаллимлар ҳам мадраса мударрислари эди. Қолаверса, Туркистон АССРдаги иқтисодий аҳвол мактабларни давлат маблағлари ҳисобидан қоплаш имкониятини бермасди. Буйруқда фақат мусулмон мактабларидаги ўқувчиларга таҳорат қилишга руҳсат этилди.⁵¹

РСФСР ХКС 1918 йил 9 апрелда Адлия халқ комиссарлиги ҳузурида махсус комиссия тузилиб, бу комиссарлик қошида декретни ҳаётга жорий этиш бўлими ташкил этилди.⁵² Ушбу бўлим ўзининг таъсирини Туркистон ўлкасига ўтказган. Усмон Қуръонининг Туркистонга қайтарилиши чўзилиши муносабати билан, 1922 йил 8 февралда Туркистон АССР Марказий Ижроия Қўмитаси Марказга талабнома билан чиқади. Шунингдек, «Маҳкамаи шаръия» диния бошқармаси ҳам ушбу талабномани қўллаб-қувватлайди.

1922 йил 8 февраль ва 15 мартдаги йиғилишлари қарорларига мувофиқ ТуркАССР МИҚ Марказдан Қуръони каримни Туркистонга қайтариш тўғрисида мурожаатнома юборади. Шунингдек, ТАССР Маориф комиссарлиги қошидаги Туркомстарис бўлими 1923 йилда 483-сонли қарори билан яна бир бор Марказга мурожаат билан чиқади.⁵³ Қуръони карим дастлаб Уфа шаҳридан (Бошқирдистон АССР), сўнгра «Маҳкамаи шаръия» талабномасига асосланиб, 1923 йил 25 июлда БМИҚ қарори билан Тошкентга қайтарилади.⁵⁴

Туркистон мусулмонларининг муқаддас китоби ва нодир манбаси бўлган Усмон Қуръонининг ўз Ватанига қайтарилиш жараёни 6 йилга чўзилиши, бу мақсадни

⁵¹ ЎЗР МДА, 34-фонд, 1-руйхат, 34-иш, 4-варақ.

⁵² Абдуҳолиқов С. Виждон эркинлиги ва диний ибодатлар тўғрисидаги Совет қонунчилиги. Т.: Ўзбекистон, 1988. 15-б.

⁵³ ЎЗР МДА, 17-фонд, 1-руйхат, 1043-иш, 17-варақ.

⁵⁴ ЎЗР МДА, 17-фонд, 1-руйхат, 1091-иш, 16-варақ.; Лунин Б. Происхождение и судьба Корана Османа // Ўзбекистон тарихи. 2000. №4. С. 18–26; - Расулов А. Усмон Мусхафи Тошкентга қачон қайтарилган? // Имом ал-Бухорий сабоклари, 2002. №3. 165–166-б.

ҳосил бўлиши йўлида маҳаллий ҳукумат органлари ва диний муассасаларнинг сон-саноксиз мурожаати совет ҳукумати сиёсатининг амалда дастлабки йилларданок дахрийликка қаратилганлигини кўрсатиб турибди.

Муваққат ҳукумат ҳукмронлиги ва совет ҳокимияти ўрнатилган дастлабки йилларда Туркистонда бир қатор ташкилотлар вужудга келди. «Туркистон мусулмонлар Шўроси», «Шўрои исломия», кейинчалик «Шўрои уламо», «Турон» каби сиёсий ташкилотларни бирлаштириш йўли билан «Иттифоқ ул-Муслимин» деб номланган партия тузишга қарор қилинди. «Шўрои исломия» раҳбарларидан бири Мунаввар қори Абдурашидхонов дин ва миллат бирлиги масаласини ўз урф-одатларимиз ва турмушимиз тарзини, исломий кадриятларни қатъий туриб ҳимоя қилиш талаби билан чиқди.

Диний муассаса ва ташкилотларни бир мақсад йўлида Ватан равнақи, юрт озодлиги каби гоёлар асосида бирлаштириш масаласи тараққийпарвар кучлар томонидан кун тартибига қўйилди. Туркистон ўлкаси аҳолисини ягона мақсад остида бирлаштириш учун фақатгина тараққийпарвар зиёлиларнинг куч-қудрати етмаслиги, эскича фикрдаги халқ орасида етарли таъсир ва нуфузга эга бўлган диний уламоларни ҳам бу ишга жалб қилиш кун тартибидаги вазифалардан бири бўлган. Лекин мусулмон ташкилотларининг бирлигига эришиш «Заволли Шерали Лапин» (Мустафо Чўқай ўғли) сингарилар туфайли амалга ошмади.⁵⁵

Туркистондаги большевиклар қарори билан биринкетин маҳаллий мусулмон ташкилотларини ва матбуот органларини таъқиқлаб қўйдилар. 1918 йил 13 майда Туркистон ХКСнинг 243-рақамли буйруғи билан «Шўрои Уламо» ташкилоти ва унинг ўзбек тилида чоп этилиб келинган «Ал-Изоҳ» газетаси нашри тўхтатилди.

⁵⁵ Шерали (Серали) Лапин «Шўрои Уламо» ташкилотининг Тошкент шаҳар бўлминини бошқариб, рус монархистлари ва большевиклар билан иттифоқ тузиш каби хато йўлни танлаган.

1918 йил 13 майда чиқарилган ушбу буйруқда Тошкентдаги «Уламо» мусулмон ташкилоти ҳам ишчилар синфи манфаатига тўғри келмаганлиги учун тугатилади. Унинг бутун мол-мулки ва буюмлари халқ фондига ўтказилади. Ушбу буйруқнинг бажарилиши комиссарликнинг Тошкент шаҳар бўлими ҳамда миллий ишлар бўйича комиссарлик зиммасига юклатилади». ⁵⁶ «Ал-Изоҳ» газетасини эса ушбу буйруқ чиккан кундан бошлаб чоп этиш, сотувга чиқариш тўхтатиб қўйилган ва муҳарририят фаолияти чекланиши мутасадди идоралар зиммасига юклатилган. ⁵⁷

Совет ҳокимиятининг дастлабки фаолияти давридаёқ, Туркистон АССР Халқ маориф комиссарлиги 1918 йил 14 декабрдаги 6486-сонли буйруғини эълон қилди. Бунга асосан мусулмон мактабларини маблағ билан таъминлаш тўхтатилди, вақф мулклари мусодара қилинди. ⁵⁸

Туркистонда азалдан маориф ва маданиятнинг моддий таянчи бўлган ва мутаваллилар томонидан бошқариб келинаётган вақф мулкларидан фойдаланишни (1918 йилдан 1920 йилгача вақф мулклари давлат ва маҳаллий ташкилотлар бюджетига киритилади, мадраса, қорихоналар ёпиб қўйилади, шарият асосида иш кўрувчи қозилик судлари тугатилади) тўхтатиб қўйиш, уларни давлат ҳисобига мусодара қилиш сиёсати юритилганлиги ҳам диний муассаса ва ташкилотлар фаолиятига жуда катта салбий таъсир кўрсатади. Ислон муассасалари давлат томонидан бериладиган имтиёзлардан маҳрум бўлгандан, қўл остидаги мол-мулклар мусодара қилингандан сўнг иқтисодий, сиёсий ва ғоявий жиҳатдан қийин аҳволга тушиб қолди. Шунинг учун ҳам ушбу йилларда диний уламолар совет ҳокимиятига қарши норозилик кайфиятини ифода қилар

⁵⁶ЎзР МДА, 25-фонд, 1-руйхат, 35-иш, 282-варак.

⁵⁷Ўша жойда, 280- варак.

⁵⁸ЎзР МДА, 34-фонд, 1-руйхат, 34-иш, 26-варак.

экан, улар асосан, вақф мулклари бўлган ер, карвонсарой ва савдо расталари, хунармандчилик устахоналари, хонакоҳ, масжидларни ўз эгаларига қайтаришни талаб қилдилар.

Вақф мулклари иккига бўлинган бўлиб: 1) Хайрия (Вақфий умумий) – бу мулклар вақф мулкларининг асосий қисмини ташкил қилиб, масжид, мадраса, қабристон (авлиёлар)га қарашли бўлган. Бу мулкларнинг асосини ер мулклари ташкил қилиб, ушбу вақф ерлари деҳқонларга ижарага берилган. Улардан келадиган даромад юқоридаги муассасаларни маблағ билан таъминлаш, масжидлар қошидаги бошланғич ва мадрасалардаги олий таълим тизимининг моддий асоси бўлган. Вақфий хайрия мулкларига дўкон, сарой, бозор, карвонсарой, тегирмон, хаммом, савдо расталари, мусофирхона, хонакоҳ, обжувоз, новвойхона қабилар ҳам кирган.

Вақфларнинг иккинчи тури Вақфий авлодий бўлиб, бу мулклар сайд, тўра, хўжа, аълам, мутавалли, сўфи каби диндор табақа вакилларига қарашли бўлган. Аграр муносабатлар ҳукмрон бўлган Туркистон ўлкасида вақф мулклари ва вақф ер эгалигининг таъсири ҳамда мавқеи кучли бўлганлиги ўз-ўзидан аён. Совет тартиботларини ўрнатиш даврида Туркистондаги шафқатсиз тўқнашувлар туфайли вақф мулклари ҳам жуда катта зарар кўрди. Вақф ер мулкларида яшаб, хўжалик юритаётган минглаб деҳқонларнинг моддий шарт-шароити ёмонлашиб, ерларнинг катта қисми ҳосилдорликни йўқотиб, ташландик, қаровсиз жойларга айланиб қолди. Деҳқонларни ўз ерига қайтариш, Туркистондаги иқтисодий инқирознинг олдини олиш мақсадида совет ҳукумати нисбатан оёққа туриб, осудалик ўрнатилгандан кейин вақфлар масаласига қайтиб иш кўришга мажбур бўлди.

1918–1919 йилларда совет ҳукуматининг жойлардаги Ижроия Қўмиталари вақф мулкларини бошқарувчи мутаваллиларнинг кўпчилигини вақф даромадларини

Ўзлаштирганликда айблаб, уларни ўзларига маъкул кишилар билан оммавий равишда алмаштириш кампаниясини уюштирди. Эски Марғилон депутатлари Совети Ёроталиқ масжиди имомини ҳамда Окйўлбой мадрасаси мутаваллисини вақф даромадини шахсий фойдасига ўзлаштирганликда айблаб, 1919 йил 19 июлда ишдан олади.⁵⁹

1918 йил 27 августда бўлган Наманган шаҳар ижрокўми йиғилишида Айритом масжиди мутаваллиси Исмоилхўжа эшон ўзининг «жиноятлари», яъни масжидга келган даромадлар ва харажатлар ҳақида нотўғри маълумотлар берганлиги учун ишдан олинади.⁶⁰

Ўша йилда Холхўжа эшон мадрасаси мутаваллиси Мулла Абдуқаҳҳор, Абдуваҳоббой мадрасаси мутаваллиси Мулла Ашур Раҳимов, Шаҳрихондаги Собирхўжа масжиди имоми Мулла Саъдуллахўжа кабилар ҳам галон-торожликда айбланиб ишдан олинади.⁶¹

Архив манбаларининг маълумотича, 1918–1921 йилларда Самарқанд, Фарғона ва Сирдарё вилоятларида мадраса ва масжидларнинг катта қисми вайрон қилиниб, улар ўз даромад манбаидан ажралиб қолди.

Туркистон Совет Республикасининг маърифатпарвар вакиллари ва жадиличлик ҳаракатининг намояндалари 1919–1920 йилларда вақфларни тиклаш ва уларни диний муассаса, ташкилотлар моддий базасига қайтадан айлантириш билан боғлиқ катъий фикрлар билдирганлар. 1920 йилнинг 30 июнида Туркистон АССР халқ таълими бўлими бошқарувчилари курултойида Мунавварқори Абдурашидхонов (1878–1931 йй.) Туркистондаги вақфлар тўғрисида маъруза қилиб, «Вақфларни фақат диний фанларни ўқитиш учунгина эмас, балки болаларимизга дунёвий илмлардан умумий фанлар асосларида таълим бериш учун ҳам тиклаш керак... Вақфлар диний ва хайрия эҳтиёжлари учунгина эмас, аксинча, маданий

⁵⁹ Фарғона ВДА, 121-фонд, 1-рўйхат, 31-иш, 150-варақ.

⁶⁰ Ўша жойда, 6–10-варақлар.

⁶¹ Ўша жойда, 20, 22, 25, 30, 48-варақлар.

тараккиёт ва халқ маорифи учун ҳам зарурдир. Миллий мактаб ва мадрасалар умумий маълумот берадиган фан ва санъатимизнинг моддий манбаси вақфлар эканлигига, уларни фақатгина диний нуқтаи назардан қарашдан холи қилади».⁶²

1920 йил 17 ноябрда Туркистон АССР Марказий Ижроия Қўмитаси ва Халқ Комиссарлари Совети “Россия Федерацияси Туркистон Республикасида ердан фойдаланиш ҳақида” ги 353-сонли Низомига асосан вақф ерларини давлат тасарруфига ўтказиш тўғрисидаги қарорини эълон қилади. Шу тариқа вақф мулклари масаласи диний муассасалар ихтиёридан бутунлай тортиб олинади. Фақат қарорда масжидларга тегишли бўлган вақф ерларига вақтинча ер-сув ислохотини ўтказиш жараёнига қадар тегмаслик уқтирилади.⁶³

Туркистон АССР МИҚ вақфларни мадраса ва масжидларга қайтариш ва диний муассасаларни таъмирлаш орқали маҳаллий аҳолининг ишончига кириш, ўлкадаги ҳаётни большевиклар фойдасига барқарорлаштириш мақсадида, 1922 йилнинг 20 июнида 75-рақамли декретини қабул қилди. Ушбу ҳужжатда Туркистон Республикасининг уч вилоятида (Самарқанд, Фарғона, Сирдарё) вақф ерларини уларнинг мулклари бўлган дўкон, магазин, карвонсарой, омбор, бог, участкалар кабиларни диний муассасаларга қайтариш, улардан келадиган даромадни мадраса ва масжид биноларини таъмирлаш, бу ерда ўқиётган муллаваҷчаларга ҳамда ходимларга сарфлаш, улар қошида мактаблар очиш кабилар кўрсатилди.⁶⁴

Ушбу декретда диний муассасалар совет ҳукуматининг ердан фойдаланиш тўғрисидаги қонунчилиги

⁶² ЎзР МДА, 94-фонд, 1-рўйхат, 320-иш, 118–119 варақлар.

⁶³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони архивининг Фарғона вилоят бўлими (ЎзРПДА ФВБ), 1-фонд, 1-а-рўйхат, 125-иш, 3-варақнинг орқаси.

⁶⁴ ЎзР МДА, 25-фонд, 1-рўйхат, 1414-иш, 55-варақ.

асосида иш кўриши, масжидларнинг вақфлардан тушган даромадлари эса тўла ҳолича масжидга тегишлилиги баён қилинган. Ҳар бир уездда мадраса ва вақфларни бошқариш органи, коллегияси ташкил қилиниб, коллегия аъзолари жами 6 кишидан иборат бўлиб, унинг таркибига иккита мударрис, битта халқ судьяси ҳамда халқ ўқитувчилари киритилди. Бундай коллегиялар Кўқон, Андижон, Эски Маргилон, Наманган, Самарқанд, Хўжанд каби шаҳарларда ташкил топди.⁶⁵

Қирқдан ортиқ уездларда мавжуд бўлган мадрасаларни бошқарув коллегиялари вилоят коллегияларига бўйсундирилиб, уларни бошқариш Сирдарё вилояти маркази Тошкентда бўлган. Қайси уездларда мадрасалар сони 20 тадан ортиқ бўлмаса, уларда мударрис, халқ судьяси, халқ ўқитувчиларидан иборат коллегия ташкил қилинган. Бундай коллегиялар Ўш, Каттақўрғон, Жиззах каби шаҳарларда мавжуд бўлган.

1922 йил 20 июнь декретидан сўнг Туркистон АССР вилоятларидаги мадраса ва масжидларнинг аниқ сонини ҳисобга олиш, уларнинг ҳар биридаги мударрислар сони, у ерда ўқитиладиган фанларнинг дастури, мударрисларга ўқув предметларининг тақсимланиши, даромад ва харажатлар ҳисоб-китоби ҳақида аниқ маълумотлар талаб қилинади.

Диний муассасалар, мадрасаларни бошқариш ҳақида ҳам аниқ кўрсатмалар берилиб, бу вазифа мадраса кенгаши зиммасига юклатилади. Кенгаш таркибига барча мударрислар ва мутававаллилар билан биргаликда бошланғич мактаб бошқарувчиси ва юқори курс муллаваччалардан 2 киши сайлов йўли билан киритилган.⁶⁶

Мадраса кенгаши таркибида хўжалик комиссияси ташкил қилиниб, унга катта мударрис, мутавалли ва ўқувчилар орасидан сайланган бир талаба (муллавача)

⁶⁵ ЎзР МДА, 25-фонд, 1-руйхат, 1414-иш, 55–56-варақлар.

⁶⁶ ЎзР МДА, 25-фонд, 1-руйхат, 1414-иш, 56-варақ.

аъзо бўлиб кирган. Уч кишидан иборат бу комиссия вақф мулклари ҳисобланган экин ерлари, дўкон, омбор, карвонсарой ҳамда ҳаммом кабиларни ижарага бериш, етиштирилган ҳосилни сотиш ва даромадлар ҳисобидан мадраса биноси, муллаваччалар ва хизматчилар яшайдиган ҳужралар, ўқув хоналарини таъмирлаш вазифалари билан шугулланган. Ўқув йили харажатлари сметасини тузиш ҳам хўжалик коллегияси зиммасига юклатилган.⁶⁷

Мадраса ва масжидларни таъмирлаш, диний маросим, тадбирлар ҳамда диний таълимни йўлга қўйиш учун аввало уларнинг моддий баъзаси бўлган вақф мулклари даромадини яратиш зарур эди. Большевиклар ҳокимиятга келгандан сўнг ўтган 5 йил мобайнида, диний муассаса ва ташкилотларнинг моддий суянчиғи бўлган вақф мулкларининг давлат ҳисобига ўтказилиши оқибатида, ўнлаб мадрасалар, минглаб масжидлар таъмирлашга муҳтож бўлиб қолган эди.

Фарғона вилояти Инқилобий қўмитасининг 1920 йил 2 апрелдаги йиғилишида Наманган уезди партия қўмитаси томонидан таъмирланишга муҳтож бўлиб қолган мадраса ва масжидларни таъмирлаш масаласида қандай чора-тадбирлар кўришни сўраб юборган телеграммаси муҳокама қилинган. Фарғона вилояти Инқилобий қўмитасининг 22-рақамли қарорига мувофиқ вайрона бўлган, таъмирлашга муҳтож мадрасаларни, агар у тарихий қимматга эга бўлса, халқ таълими бўлими маблағи ҳисобига, масжидларни эса фуқароларнинг хайрияси ҳисобидан қайта тиклаш уқтирилади.⁶⁸

Вақф маблағларини янгитдан яратишнинг яна бир муаммоларидан бири, вақфчи дехқонларни хўжаликка қайтариш учун ижарачиларни ушрдан бошқа солиқ (ҳосилнинг 1/10 қисми миқдоридан) тўлашга мажбур этмаслик чораларини кўриш эди.

⁶⁷Ўша жойда, 57–58-варақлар.

⁶⁸ЎЗР ПДА ФВБ, 1-фонд, 1-а-рўйхат, 192-иш, 43-варақ.

Вақф мулклари диний муассаса ва ташкилотларга қайтарилгандан сўнг, уни истифода қиладиган мутавалли мажбуриятлари ҳам махсус декрет билан белгилаб берилди. Мутавалли мадраса кенгаши томонидан умумий ишонч билдириш йўли билан сайланади, у 30 ёшдан кичик бўлмаслиги ва номзоди уезд Ижроия Қўмитаси комиссияси томонидан тасдиқланиши керак эди. Нуфузли мадрасаларда мутавалли ёрдамчиси ҳам тайинланган. Мутавалли мажбуриятларига қиримчиқим китобини юритиш, пул-маблағлари ҳисоботини тузиш, вақф маблағларини, яъни даромадларини тўплаш ва сақлаш, вақф мулкларидан қурилишлар учун маблағ ажратиш ва давлат солиқларини ўз вақтида тўлаш, мадраса кенгаши қарори билан унинг мулкларини ижарага бериш каби вазифалар юклатилган.⁶⁹

Туркистон АССР МИҚнинг 164-рақамли 1923 йилнинг 23 октябрида чиқарган декретида барча вақфлар икки гуруҳга бўлинган бўлиб, қуйидагилар қайд этилган: 1). Диний. 2) Маданий-маърифий ва хайрия мулклари. Бу мулкларни сотиш ва сотиб олиш таъқиқланиши уқтирилади.⁷⁰

Ушбу декрет асосида вақф муассасаларини ва мулкларини идора қилиш учун Вақф Бош бошқармаси ҳамда жойларда унинг бўлимлари жорий қилинади. Вақф Бош бошқармаси Туркистон АССР Маориф халқ комиссарлиги бўлими сифатида фаолият юритиши, жойлардаги вақф бўлимлари эса шаҳар ва уезд ижроқўмлари қошида ташкил қилиниши белгилаб қўйилди.⁷¹

Декретнинг иккинчи боби 13-бандида Вақф Бош бошқармаси раиси, Халқ Комиссарлари Совети томонидан тайинланган икки аъзодан иборат бўлиши

⁶⁹ ЎЗР МДА, 25-фонд, 1-рўйхат, 1414-иш, 58–59-варақлар.

⁷⁰ Ўша жойда, 49- варақ.

⁷¹ Ўша жойда, 50-варақ.

керак эди. Улар Адлия халқ комиссарлиги ва НКВД вакили бўлиб, ТАССР ХКС томонидан тасдиқланган.⁷²

Совет ҳукумати вақфларни диний муассаса ва ташкилотларга қайтариб бериш билан бирга, улар фаолиятини давлат конунчилик органлари орқали қаттиқ назорат остига олди. Ҳатто, Марказий бошқарув тизимига жазо органлари вакилларини шахсан жалб қилади. Кўп ўтмасдан ўша 1922 йилнинг 28 декабрида Туркистон АССР Марказий Ижроия Қўмитаси 173-рақамли вақфлар ҳақидаги декретини чиқариб, 1922 йил 20 июндаги 75-рақамли декретини бекор қилади. Совет ҳокимияти ўзининг янги декрети орқали бутун диний муассаса ва ташкилотларни ҳукумат томонидан қатъий назорат остида бўлган вақф бўлимига тобе қилиб қўйган.⁷³

Вақф мулкларини тиклаш билан боғлиқ Туркистон Марказий Ижроия Қўмитасининг 1922 йил 20 июндаги декрети қабул қилингандан сўнг амалда совет ҳукуматининг дастлабки йилларида тақиклаб қўйилган қозилик ва бийлик судларига 1922 йилнинг октябридан бошлаб, айрим масалалар юзасидан иш юритишликка рухсат берилади. Улар асосан оилавий никоҳ ва ажралишлар тўғрисидаги муаммоларга аралашув рухсатини олган эди.⁷⁴

Бу даврда ўлка тарихида илк бор Тошкентда Диния бошқарма («Маҳкамаи шаръия») ташкил қилиниб, бу Вақф Бош бошқармасининг вилоятлардаги бўлими сифатида фаолият бошлайди. «Маҳкамаи шаръия», яъни вилоят диний бошқаруви 1921 йилнинг бошларидан фаолият юритиб, уни ислом динининг кўзга кўринган вакиллари бошқарган.⁷⁵

⁷² ЎзР ПДА ФВБ, 1-фонд, 1-а-рўйхат, 192-иш, 43-варак.

⁷³ ЎзР МДА, 25-фонд, 1-рўйхат, 1414-иш, 54-варак.

⁷⁴ ЎзР МДА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 243-иш, 122-варак.

⁷⁵ Алимова Д. А. Ислам и "воинствующий" атеизм в литературе Узбекистана 20–30-х годов // O'zbekiston tarixi, 2000. -№4. –Б. 62.

«Маҳкамаи шаръия» ўз тузилмаси жиҳатидан куйидагича бўлган: ташкилот таркибида котибият, мерос ва никоҳ ҳамда оилавий ажрим масалаларини ҳал қилиш бўлимлари, таълим ва тайёрлов ишлари, диний хизматчиларни тайинлаш ҳамда диний мактаблар, қорихоналар, мадраса, масжид, қабристонларни бошқариш кабилардан иборат эди. Диний муассасалар бўйича назорат коллегияси ҳар 3 ойда бир марта чакирилиб, кун тартибида шариат билан қатъий боғлиқ масалаларни, мусулмон аҳолининг диний таълим олиш ҳақидаги чора-тадбирларини, эски усул мактабларининг моддий таъминотига оид муаммоларни, диний бошқарма ҳисоботларини ва сайлов масалаларини муҳокама қилган.⁷⁶

Умуман олганда вилоят диния бошқармалари уч бўлимдан иборат бўлган: 1) имомат; 2) ҳуқуқий бўлим; 3) илмий бўлим. Ушбу ташкилот вилоятларда Марказий диния бошқармаси вазифаларига кирган муаммоларни ҳал қилувчи идора эди.⁷⁷

«Маҳкамаи шаръия» имомларни бирлаштириш, уларнинг иш фаолиятини назорат қилиш, ишга гайинлаш ва алмаштириш ҳуқуқига эга бўлиб, сайлов йўли билан имомлик даражасига эришган ташкилот котибияти аъзолари диний муассасаларни тўғридан-тўғри, ҳеч кимга бўйсунмаган ҳолда тафтиш қилиши мумкин эди. Шунингдек, улар эски усул мактаблари фаолиятига таъсир ўтказар, шу мактаб ўқувчилари учун махсус курслар ташкил этар, диний байрамларда бўлажак муллалар ва қориларни диний бошқарма қошида Қуръони карим кироати билан ифодали ўқиш, яъни қорихонлик мусобақасини уюштирар эди.

«Маҳкамаи шаръия» бошқармасининг Тошкентдан ташқари, Фарғона, Андижон, Марғилон, Наманган, Қўқон, Хўжанд, Ўш, Самарқанд каби йирик шаҳарларда идоралари фаолият юритиб, қишлоқ жойларида ўз

⁷⁶ Фарғона ВДА, 121-фонд, 2-рўйхат, 34-иш, 2-3-5-6-варақлар.

⁷⁷ Ўша жойда, 68-69-варақлар.

таъсирини ўтказиб турган. Яъни кишлоқлардаги масжидлар фаолияти, Рўза ва Қурбон ҳайити кунларида аҳолидан тушган хайрия ва фитр садақаларининг сарфланиши, уламоларнинг ҳаж сафарига бориб келиши каби масалаларга эътиборни қаратган.

“Маҳкамаи шаръия” диний бошқармаси ташкил этилган дастлабки даврдаёқ кўплаб хайрли ишларни амалга оширишга киришган. 1923 йил август ойида Усмон Мусҳафининг Уфадан Тошкентга қайтарилишида ҳам ушбу ташкилотнинг хизмати катта бўлган.

“Маҳкамаи шаръия” талабига асосан Туркистон АССР Марказий Ижроия Қўмитаси 1922 йил 8 февралда №4 ва 15 мартда №6 йиғилишлари қарори билан Бутуниттифоқ Марказий Ижроия Қўмитасига мурожаатнома билан чиққан эди.⁷⁸ Ушбу мурожаатномага асосан 1923 йил 25 июлда Бутуниттифоқ МИҚнинг қарори қабул қилинади. Унга асосан Қуръонни Уфадаги Бутунроссия мусулмонлари диний бошқармасидан Туркистон делегациясига топшириш ва Тошкентда ушбу муқаддас Китобни “Маҳкамаи шаръия” томонидан қабул қилиб олиш билан боғлиқ чора-тадбирлар кўрсатилди.⁷⁹ Шу тариқа Усмон Мусҳафи Тошкентга қайтарилиб, 1923 йил 23 августда Эски шаҳар музейига сақлаш учун топширилди. Қуръоннинг музейда сақланиши бўйича масъуллик диний бошқарма зиммасига юклатилди.

Лекин, бу бошқарма мусулмон муассаса ва ташкилотлари мавқеини мустаҳкамлай олмади. У совет ҳукумати партия ташкилотларининг таъсирида қаттиқ назорат остида бўлди. 1923 йил 12 февралда Тошкент шаҳар «Маҳкамаи шаръия» бошқармаси, вақф идораси ва маориф бўлими хайъати раёсатининг мажлисида қабул қилинган қарорида, Туркистон АССР Марказий Ижроия Қўмитасининг «Маориф ҳафтаси» муносабати билан 1923 йил 18 январда чиқарилган 5-сонли қарори ҳамда Эски шаҳар Ижроқўмининг 1 февралдаги

⁷⁸ ЎзР МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 1043-нш, 17-варак.

⁷⁹ ЎзР МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 1091-нш, 16-варак.

қарорига биноан эски мактаб ва қорихоналарни тузатиш ва ислоҳ қилиш тўғридан-тўғри Эски шаҳар маориф бўлимига юклатилгани учун маориф бошқармасига жиддий равишда ислоҳот ишларини амалга ошириш ҳақида кўрсатма берилган. Маориф бўлимининг мактаб ва қорихоналар ислоҳоти борасидаги ҳар бир ҳаракатига «Маҳкамаи шаръия» ҳамда вақф идораси моддий, маънавий кўмак бериб туриши уқтирилган. Қарорда эски мактабларда Қуръоннинг тажвид усули билан ўқитилиши, дин дарсларини тартибли ва амалий равишда ўқитиш ҳамда баъзи дунёвий фанларнинг киритилиши белгилаб қўйилди. Бутун эски мактаб ва қорихона муаллимларига белгиланган муддат ичида Эски шаҳар маорифи бўлимига келиб, мандат ва рухсатномаларини янгилаб олишлари топширилган. Янгидан рухсат олиш муддати 1923 йил 10 мартга қадар белгиланиб, бу муддат ичида янгидан рухсат олмаган мактаб ва қорихоналар ёпилиши, муаллимлари қонун бўйича ҳукумат олдида жавобгарликка тортилиши таъкидланган. Шунингдек, қарорда, ислоҳот йўлини ўргатиш учун Жомий масжидида курс очилиши қайд қилиниб, ушбу курсда барча эски мактаб муаллимларини қайта синовдан ўтказиш мажбурийлиги кўрсатилган.

Қарорда қорихоналар масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада ҳам бир қатор шартлар белгиланган. Жумладан, қорихона бошқарувчиларининг Тажвиддан хабардор ва Қори-мураттаб бўлиши шарт қилиб қўйилган. Қорихонага ўқиш, ёзишни биладиган, Қуръонни ифодали ўқий оладиган болаларгина қабул қилиниши кўрсатилган.

Шунингдек, ҳужжатларда қорихоналарда қори бўлиб, эски мактабларда саводи чиққан болаларни мадрасаларга ёки юқорирок диний илмгоҳларга юбориш мажбурийлиги уқтирилган.

Қорихоналар қошида саводсизликни тугатиш курси очишни хоҳлаган мударрислар тегишли идоралардан рухсатнома олишлари зарур эди. Қарор моҳиятини

халққа бошқача қилиб талқин этувчилар Туркистон АССР МИҚнинг қарорига биноан ҳукумат йўли билан жазога тортилади, деб огоҳлантирилган.

Бундай мазмундаги ҳужжатлар бошқа жойлардаги маҳаллий идоралар томонидан ҳам қабул қилинган эди. Юқоридаги талаб асосида ишнинг ташкил этилиши жойларда мусулмон мактаб ва мадрасалари устидан назоратни кучайтирди. Кўп ҳолларда бу мактабларнинг ички ишларига аралашиш ва уларни зўрлик билан ёпиб қўйиш ҳоллари содир бўлди.

Совет ҳокимияти бошқарма идоралари вакиллари-нинг зўравонлик ҳаракатлари натижасида 1923–1924 йиллар давомида Тошкент шаҳридаги 10 та мадраса, Маҳкама маҳалласидаги Катта қори домла, Юқори каллахона, Ҳазрати имом, Дарвозакент, Алавуддин Маҳзун, Оқ масжид, Ўрмонбек, Қора тош, Қори маҳалла, Хожикори, Гадейбой ва Тохир қори номидаги 12 та қорихона ёпиб қўйилган.⁸⁰

Совет ҳокимиятининг бу тадбири Туркистон мусулмон аҳолисининг норозилигини келтириб чиқарди. Ўлкада давом этиб келаётган миллий озодлик ҳаракатининг янгитдан кучайишига сабаб бўлди.

1917–1924 йилларда Туркистон ўлкасида совет ҳокимиятининг диний муассаса ва ташкилотларга нисбатан юритган сиёсати беқарорлик ва ишончсизлик тамойилларига таянган бўлиб, барча кўрилган чоратадбирлардан мақсад, ўлкада большевикча тартиблар ва совет ҳокимияти тузуми асосларини мустаҳкамлашга қаратилган эди.

1922–1924 йилларда динга ва диний муассасалар фаолиятига бир қадар йўл очиб берилиши совет ҳокимиятининг Янги иқтисодий сиёсат (НЭП) давридаги тадбирлари билан боғлиқ эди. Омонсиз ҳарбий тўқнашувлар туфайли хўжаликнинг бутунлай вайрон бўлиши, даҳшатли очарчилик, большевикча тартибларга нисбатан қаршилик кўрсатиш жараёни каби

⁸⁰ ЎЗР МДА. 904-фонд, 1-рўйхат, 32-иш, 37-варак.

омиллар ҳокимиятни бошқаришда мурасали йўл билан иш кўришга мажбур қилган эди.

Туркистонда маориф ва маданият ривожини, иқтисодий аҳволнинг диний муассасалар билан боғлиқлиги ҳам совет ҳукумати вақтинча очикдан-очик даҳрийлик сиёсатини олиб боришликдан эҳтиёт бўлишга мажбур қилган эди.

Туркистон АССР МИҚ нинг вақф идоралари ва “Маҳкамаи шаръия” диния бошқармаси фаолияти устидан маориф бўлими томонидан назорат ўрнатиш тўғрисидаги қарори диний муассасалар аҳволини янада оғирлаштирди. Эски усул мактаблари ва қорихоналарини маориф бўлими томонидан ислоҳ қилишга киришилди.

1.2. ЎЗБЕКИСТОНДА МУСУЛМОН ТАШКИЛОТЛАРИНИ ТУГАТИШ УЧУН КУРАШ

XX аср бошларида Ўрта Осиёда тарихан таркиб топган уч республика: Туркистон АССР, Бухоро ва Хоразм Халқ Совет Республикалари ўрнига миллий-худудий чегараланиш ўтказиш орқали янги республикалар тузиш фикри 1920 йил бошларидаёқ ўлка ва Марказнинг европалик раҳбар ходимлари томонидан режалаштирилган эди. Ўрта Осиё республикаларининг ҳар бирида ўзбек, туркман, тожик, қozoқ, қирғиз ва қорақалпоқ миллати вакилларининг кўшилиб яшаши узок вақт давом этган тарихий ҳодиса эди. Лекин, шунга қарамадан Марказ талаби ва хоҳиш-иродаси билан 1924 йилнинг кузидаёқ Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланиш ўтказилиб, совет тузумидаги янги республикаларга асос солинди.

БХСРнинг пойтахти бўлган Бухоро шаҳридаги “Халқ уйи” биносида 1925 йил февралда Советларнинг I-умум ўзбек қурултойи очилди. Қурултойда Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси (ЎзССР) тузилганлиги

тўғрисидаги Декларация қабул қилинди. Ўзбекистон ССР ҳукумати бошлиғи этиб Файзулла Хўжаев (1896–1938 йй.), ЎзССР Советлари Марказий Ижроия Қўмитаси раиси лавозимига «Кўшчи» союзи арбоби, оддий деҳқон Йўлдош Охунбобоев (1885–1943 йй.) сайланди. Ўзбекистон Компартиясининг котиби вазифасини эса Акмал Икромов (1898–1938 йй.) ва Владимир Иванов бажарадиган бўлди.

1925 йил 13 май куни СССР Советларининг III курултойида Ўзбекистон расман Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи (СССР) таркибига қабул қилинганлиги тасдиқланди. Шундай қилиб, мустабид тузум исканжасида унга тобе бўлган, расман мустақил, амалда Марказнинг топшириғи ва кўрсатмалари асосида оғишмай иш олиб борган Ўзбекистон ССР ташкил топди. Ўзбекистон ССР таркибига Туркистон Автоном Совет Республикасидан Сирдарё ва Фарғона вилоятларининг катта қисми, Самарқанд вилояти, БХСРдан унинг марказий ва ғарбий қисмлари бўлган Зарафшон, Сурхондарё, Қашқадарё воҳалари, Ғарбий Орол бўйи атрофи, Хоразм воҳаси ҳамда шарқда БХСРнинг Шарқий Бухоро худуди Тожикистон АССР (1929 йилгача) сифатида киритилди.

Ўзбекистон ССР ташкил топиши арафасида РКП(б) Марказий Комитети ва РСФСР ҳукумати диний муассаса ва ташкилотларга муносабатда ўзининг 1920–1922 йиллардаги нисбатан «юмшоқлик» сиёсатини ўзгартириб, РКП (б)нинг XII съездида (1923 йил апрель) динга қарши кескин таъшикотни-йўлга қўйиш тўғрисида махсус резолюция қабул қилиб, унда Республиканинг ўн миллионлаб фуқаролари диний хурофотлардан узил-кесил ва тамомила фориг бўлиши алоҳида қайд қилинган эди.⁸¹

Бу даҳрийлик сиёсатини оммавий равишда юритишга туртки бўлган резолюция кўп ўтмай Ўзбекистонга ҳам етиб келди. Ҳолбуки, 1922 йилнинг ёзи ва кузида қабул

⁸¹ Қонун, дин, черков. Т.: Ўзбекистон, 1987. 49–50-б.

килинган, тадқиқотимизнинг биринчи бандида таҳлил килинган Туркистон Автоном Совет Республикаси Марказий Ижроия Қўмитасининг «Вақфлар тўғрисида»ги 75, 164, 173-рақамли буйруқлари билан диний муассаса ва ташкилотлар ҳамда уларнинг моддий асоси бўлган вақф мулкларини тиклаш масаласи кун тартибига кўйилган эди.

Миллий-худудий чегараланиш туфайли вужудга келган Ўзбекистон ССР таркибидаги баъзи худудлар (Бухоро ва Хоразм) ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ҳам вақфлар ҳамда диний муассаса ва ташкилотлар таъсирли мавқега эга бўлганлигини қайд қилиш ўринлидир.

Туркистон АССР вақф мулкларини тиклаш билан боғлиқ Туркистон АССР МИҚнинг 1 декрети билан деярли бир пайтда (1922 йил июнь, №75) Бухоро Халқ Республикасида Абдурауф Фитрат томонидан 19 моддадан иборат «вақф ишлари» ҳақидаги махсус лойиҳа ишлаб чиқилган эди.⁸²

Лойиҳада вақф мулклари ўтмишда Бухоро халқининг юксалишига сабаб бўлган муҳим омил бўлганлиги, вақфни аҳамиятсиз қолдирмоқ халқимиз манфаати, руҳиятига мос келмаслиги баён қилинган. Вақф мулкларини (ер, дўкон, сарой, бозор, ҳовли-жойлар...) ҳукумат солиғидан озод этиб, фақатгина «ушр» солиғи олишлигини сақлаб, Маориф нозирлиги ҳузурида Марказий вақф мудирлигини тузиш, уни беш шўъбага бўлиш (диний, илмий, ижара, молия, хўжалик), асосий вақфларни 6 қисмга таксимлаш (масжид ва масжид ишлари, мактаб ва кутубхона, маҳкама, ошхона, авлодий, Макка ва Мадина вақфлари), мутаваллилар фаолиятини назорат қилиб туриш, вақф мудирияти хазинасини вужудга келтириш (олтин оқча ҳисобида) масалалари лойиҳадан ўрин олган.⁸³

Фитрат лойиҳаси бўйича вақф идоралари ҳар ойда бир марта Маориф нозирлигига ҳисобот тақдим этиб

⁸² Бухоро ахбори. 88-сон, 1922, 29 июнь (араб имлосида)

⁸³ Бухоро ахбори. 89-сон, 1922, 8 июль; 90-сон, 1922, 15 июль.

туриши керак эди. Миллий-худудий чегараланиш арафасида ҳам, 1924 йилнинг кузигача Республикадаги вақф мулкларини тўла ҳисобга олиш учун имконият бўлмади. Бу масала 1923 йил 5 октябрда бўлиб ўтган Бутун Бухоро вақф курултойи томонидан вазифа қилиб қўйилган эди.⁸⁴

Тўлик бўлмаган маълумотларга кўра собиқ БХСРнинг ўн вилоятидан тўрттасида (Бухоро, Чоржўй, Қарши, Кармана) вақф идорасига қарашли 276.737 таноб ер бўлган, улардан 2.445.753 танга ҳамда 11.418 ботмон буғдой олинган. Вақф қарамоғида қуйидаги диний муассасалар: 19 та жомеъ масжиди, 187 та майда масжидлар, 201 та катта-кичик мадрасалар, 57 та сарой, 10 та хаммом, 23 та тегирмон, биргина Бухоро шахрининг ўзида 1769 та дўкон, 262 та ховли-жой, Бухоро шаҳри ва унинг атрофида 24 та бозор жойлари бўлган.⁸⁵

Архив ҳужжатларининг маълумотида, ХХСРда ҳам вақф мулкларининг салмоғи миллий-худудий чегараланиш арафасида 471438 таноб ерни ташкил этган, шундан 70% вақф ерлари маданий-маърифий, 30% эса диний вақфлар бўлиб, умуман Республиканинг экин майдонлари 1млн 900 минг танобни ташкил этган, 1924 йилга келиб, вақф қарамоғида 126 та мадраса, 105 та қорихоналар бўлган.⁸⁶

1923 йил октябрида бўлиб ўтган Умумхоразм курултойи ХХСРни ХССР деб номлади. Курултойда қабул қилинган янги конституция барча ерларни, шунингдек, вақф мулкларини ҳам умумхалқ мулки деб эълон қилди. Айниқса, вақф мулкларининг мусодара қилиниши халқ оммаси ичида норозиликларни келтириб чиқарди. 1924 йилнинг январида совет ҳокимиятига қарши кўтарилган умумхалқ кўзғолони ҳарбий кучлар

⁸⁴ Бухоро ахбори. 212-сон, 1923, 10 октябрь рўйхат, Озод Бухоро, 1-сон, 1923, 16 октябрь.

⁸⁵ Озод Бухоро. 237-сон, 1924, 25 июль.

⁸⁶ Казаков Э. Политика правительства Хорезмской Республики в отношении исламской веры и служителей культа (1920–1924 гг.) Автореф. дис. ... кан. ист. наук. Т., 2001. стр 21, 25.

ёрламида бостирилди. Ушбу вокеалар Хоразмда коммунистларни ўзгача сиёсат юритишга мажбур этди. 1924 йил апрелда ХССР Марказий Ижроия Кўмитасининг II сессияси IV курултой қарорини бекор қилиб, вақф ерлари яна масжид ва мадрасалар ихтиёрига қайтарилди.

РКП(б)нинг XII съездида қабул қилинган пропаганда, матбуот ва агитация масалалари юзасидан резолюцияси⁸⁷ (1923 йил апрель) ва РКП(б)нинг XIII съездида тасдиқланган «Қишлоқда ишлаш» тўғрисидаги резолюцияси⁸⁸ асосида Ўзбекистон Компартиясининг I съездида «Динга қарши пропаганда ва турмуш хурофотларига қарши кураш»⁸⁹ каби резолюциялар қабул қилинади. Жумладан, охириги резолюцияда «партия ва комсомол ячейкаларида, шунингдек, партия клуб ишларида (тўғарақларида) динга қарши бевосита пропагандани йўлга қўйиш учун вақт келди деб ҳисоблайди» каби жумлалар қайд қилинган эди.⁹⁰

Агитация ва пропаганда ишларига партия аъзолари ва комсомолларни, партия ва совет аппарати таркибида фаолият кўрсатаётган аёлларни кенг жалб қилиш муҳимлиги алоҳида уқтирилган.

Совет ҳукумати ҳали ўзининг сиёсий ва маъмурий асосларини мустахкамлашга улгурмаган 1920 йилларда, кишилар онгидан динни чиқариб ташлаш сиёсатини у қадар тарғибот ва ташвиқот қилишга журъат қилмаган, дахрийлик сиёсатининг ижрочилари ҳисобланган коммунистлар таркибида ҳам асосан диний эътиқоддан юз ўгирмаган ходимлар кўпчиликини ташкил қилар эди. Жумладан, 1923 йилда Бухоро Компартияси аъзоларининг 65,5% динга эътиқод қилувчилар бўлган.

⁸⁷ КПСС съездлари, конференциялари ва Марказий Комитет пленумларининг резолюция, қарорлари. Т., 1981, II том, 492–493-бетлар.

⁸⁸ Ўша манба, Т., 1983, III том, 81–86-бетлар.

⁸⁹ Ўзбекистон Коммунистик партияси съездларининг резолюция ва қарорлари. Т., 1957, I том, 48, 50, 51-б.

⁹⁰ Ўша жойда, 48-бет.

РКП(б) XII съезди резолюциясида 30 миллионли Ўрта Осиё аҳолисининг асосий қисми диний эътиқод билан боғлиқлиги алоҳида таъкидланади.⁹¹

Аслида диний муассаса ва ташкилотларга синфий ёндашув Марказда 1920 йилдаёқ авж олдирилган бўлиб, бу фронтга совет ҳукумати ва большевикларнинг етакчи арбоблари: Н.К. Крупская, И.И. Скворцов, Б.С. Степанов, А.В. Луначарский, В.Д. Бонч-Бруевич, П.А. Красиков, Ем. Ярославский, Я. Рудзутак, А.И. Риков, Н.И. Бухарин, пролетар шоир ва ёзувчилардан А.М. Горький, В.В. Маяковский, Д. Бедный⁹² ва бошқалар сафарбар қилинган эди.

Даҳрийликка даъват қилувчи ҳар қандай диний эътиқодларга қарши курашга қаратилган большевикларнинг дастлабки матбуот органи 1921 йилдаёқ «Революция и церковь» журнали, П.А. Красиков муҳаррирлиги остида жуда катта нусхада чоп этила бошланган эди.⁹³ Ушбу журналда ҳар қандай диннинг халқ учун зарарли эканлиги, «инқилобий» вазифаларни адо этишда муҳим ғов бўлиши, диндорларнинг монархия ва эски жамият тарафдорлари эканликлари, диний муассаса ва ташкилотлар фаолиятини қаттиқ назорат қилиш, уларнинг қўпурувчилик, бузғунчилик ўчоғига айланишига йўл қўймаслик ва айрим руҳоний намояндаларнинг шахсини таҳқирловчи мақола, хабарлар эълон қилиб турилди. Насроний, ислом, яҳудий динларини, айникса, диний байрамлар арафасида «фош этувчи» минглаб нусхаларда варака ва плакатлар чоп этилиб, барча ўлкаларга тарқатилди.

1922 йилда даҳрийлик сиёсатини тарғиб қилувчи иккита газета: «Атеист» (15 минг нусхада чиқарилган, муҳаррири А.И. Шпицберг бўлган), «Безбожник» (муҳаррири Ем. Ярославский) чоп этилиб,⁹⁴ Совет

⁹¹ Алексеев В. Иллюзия и догмы. М.: Политиздат, 1991. – С. 275.

92 Наука и религия. 1985. №12. – С.19.

⁹³ Алексеев В. Иллюзии и догмы. М.: Политиздат, 1991. – С. 276.

⁹⁴ Ўша жойда, 276–279-б.

Иттифоқининг барча шаҳар ва кишлоқларига кўп нусхада тарқатилар эди.

1922 йилнинг охирида диндор ва динга эътиқод қилувчиларни хўрлаш ва қўпол ўрта асрча ҳақоратлаш ташвиқотига қаратилган «Безбожник» («Худосиз») журналининг биринчи сони нашрдан чиқди.⁹⁵

М.Костеловский муҳаррирлигида чоп этилган мазкур журнал муқовасида насронийлик эътиқодининг пайғамбари Исо Масихни масхараловчи сатирик тасвир бўлиб, дин ва диний эътиқодга ишонувчилар, руҳоний арбоблар «аблах» деб ҳақоратланган эди.

Ўтган асрнинг 20-йиллари бошида вужудга келган ушбу матбуот органларининг нашрлари диний ташвиқот ва тарғибот олиб боришда иш усул ва шаклларини ўзаро мувофиқлаштириб борди. Худосизлик ҳаракатининг тиғи мусулмон ташкилотларига ҳам қарши қаратилган бўлиб, ишчи, деҳқон, кизил армия жангчиларига муурожаатлар қабул қилинди. «Безбожник» газетаси таъсири кучайиб, унинг турли ҳудудлардаги мухбирлари 1924 йилда «Общества друзей газеты Безбожник (ОДГБ)», («Безбожник газетаси жамияти дўстлари») уюшмасини туздилар. 1925 йилда бу уюшма «Худосизлар уюшмаси» («Союз безбожников»), 1929 йилда эса «Союз воинствующих безбожников» («Курашчан худосизлар уюшмаси») деб номланди.⁹⁶

Худосизлар жамияти вужудга келиши билан динга қарши кураш ягона марказ қўлида тўпланди. Дахрийлик сиёсати олиб боришнинг усул ва воситалари такомиллаштириб борилди, ушбу йўналишга катта миқдорда маблағ ажратилди. Айниқса, ноширчилик иши кенг йўлга қўйилиб, 1924–1927 йилларда черков ва масжидларни тугатиш ҳаракати кучайиб кетди. Хабарлардан бирида 1927 йилда ишчи-деҳқонлар хоҳиш-иродаси билан 127 та черков ёпилган бўлса, 1928 йилда 592 та черков ва монастирлар ёпилди. Бу эса 1927

⁹⁵ Наука и религия. 1975. №6. – С.36.

⁹⁶ Наука и религия. 1985. № 12. – С. 19.

йилдагига нисбатан 4 марта кўпдир,⁹⁷ деб ёзилган. Черков ва монастирларни ёпиш ҳаракати, диний байрамларга иштирок қилмаслик, шахсий ҳаётдаги диний эътиқод маросимларини йўқотиш кампанияларини ўтказиш расм бўла бошлади.

Ўзбекистонда 1927–1928 йилларда ўнлаб масжидлар ёпиб қўйилди. Динга эътиқод қилувчи кишилар мусулмончилик фарзини адо этиш учун бир неча километр узоқ масофада жойлашган масжидларга бориб келишга мажбур бўлдилар. (Мазкур фикрнинг тасдиғи сифатида қуйидаги 1-жадвалга қаралсин).⁹⁸

1-жадвал

1925–1928 йилларда Ўзбекистон ССРнинг Хоразм вилояти ҳудудида фаолияти тугатилган айрим масжидлар рўйхати

№	Масжиднинг номи	Қурилган йили	Тугатилган йили
1	Каптархона	1879–1880	1927
2	Нуриллабой	1894–1895	1928
3	Шахбозбобо	1874–1875	1925
4	Мамат Маҳрам	1900	1927–1928
5	Оқ масжид	1795–1780	1925–1926
6	Масжиди Калон	1804–1808	1927–1928
7	Саидбой	1828–1830	1927–1928
8	Қушбеги	1840–1843	1927–1928
9	Абдалбобо	1900–1902	1927

Юқоридаги кўрсатилган жадвалда фақатгина Хоразм вилояти бўйича маълумот келтирилган бўлиб, 1925 йилдан масжидлар фаолиятига чек қўйиш бош-

⁹⁷ Безбожник . 1930. № 10. – С. 3.

⁹⁸ ЎЗР МДА, 2456-фонд, 1-рўйхат, 10-нш, 14, 140-варак.

ланганлигини кўрамиз. 1927–1928 йилларда эса намозхоналарнинг ёпилиши ортиб борган. Бунга сабаб даҳрийлик сиёсатининг совет ҳокимияти томонидан йилдан-йилга кучайиб бориши эди. Қайд қилинган масжидларда 15 кишидан 600 кишига қадар мусулмонлар намоз ўқиш учун ташриф буюришган. Ёпиб қўйилган масжидларга яқин масофаларда мусулмон муассасаси йўқлиги алоҳида таъкидланади. Диний муассасаларга муносабат, коммунистлар қурмоқчи бўлган жамиятдаги ўзгаришлар билан бирга ёнма-ён борди. 1920 йиллар бошидаги очарчилик натижасида вақф мулклари, масжид ва мадрасалардаги бойликлар мусодара қилинган бўлса, 1925 йилда бошланган саноатлаштириш сиёсатининг асосий душманларидан бири диний уламолар деб қаралди. Даҳрийлик тавсифидаги адабиётлар нашри йилдан-йилга кўпайиб бораверди.

1924–1925 йилларда вақф мулклари ва уларнинг Ўзбекистон ССР вилоятларидаги ҳолати билан боғлиқ бўлган маълумотлар ва вақфларга тегишли бўлган диний муассаса ва ташкилотларнинг анчагина салмоққа эга эканлиги ҳужжатларда қайд қилинган. 1925 йилнинг январига қадар Бухоро вилояти ҳудудидаги вақф мулклари ва унга қарашли диний муассаса ҳамда ташкилотларнинг салмоғи 2-жадвалда қайд этилган.⁹⁹

2-жадвал

1924–1925 йилларда Ўзбекистон ССРнинг Бухоро вилоятига қарашли маданий муассасалар сони ва вақф мулклари миқдори

№	Мулк турлари	Маданий муассасалар сони	Диний вақф мулклари миқдори	Жами
1	Ёпиқ бинолар	960	1117	2077

⁹⁹ ЎЗР МДА, 94-фонд, 1-рўйхат, 332-иш, 14-варақ.

2	Карвонсаройлар	111	48	159
3	Махаллий типдаги хаммомлар	8	7	15
4	Сув тегирмони	9	10	19
5	Бозор майдонлари	11	16	27
6	Ҳовли -жойлар	48	7	55
7	Ер майдони	327.037 таноб	161.127 таноб	488.265 таноб

Жадвалга эътибор берадиган бўлсак, Бухоро вилоятида вақфларга қарашли ер майдони жуда катта салмоққа эга бўлиб, совет ҳокимиятининг Ўзбекистон ССРда ер-сув ислоҳоти ўтказиш даврида ўз таъсирини ўтказа бошлаган.

1924–1925 бюджет йилида Бухоро диний вақфларига қарашли ер миқдори 161 127 таноб бўлиб, бу ерлар вақфчи деҳқонларга ижарага берилган, улардан эса ҳосилнинг 10% миқдоридан ягона қишлоқ хўжалиги солиғи олинган. Умуман бу йилларда Бухоро вақфларининг даромади 882 889 сўм бўлган.¹⁰⁰

Бухоро вақф мулкларига қарашли диний муассаса ва ташкилотларнинг сони ҳам салмоқли бўлиб, 231 та мадраса, 429 та эски усулдаги диний мактаблар, 133 та қабристон, 199 та қорихона бинолари, 2306 та масжид, 66 та маҳсури вақфлар ҳамда 4 та аралаш вақф муассасалари бўлган.¹⁰¹

Бундан ташқари 1925 йил 1 январдан Бухорода диний мактаб ва мадрасалар учун 60 та ўқувчи таълим оладиган ўқитувчилар тайёрлов курслари ташкил қилинган эди.¹⁰²

Бу даврда Хоразм вилояти вақф мулклари (3-жадвал) ва уларга тегишли бўлган муассаса ва ташкилотларнинг ҳам маданий-маърифий ҳаётда мавқеи паст эмасди.¹⁰³

¹⁰⁰ ЎЗР МДА, 94-фонд, 1-руйхат, 332-иш. 14-варак.

¹⁰¹ Ўша жойда, 15-варак.

¹⁰² Ўша жойда, 18-варак.

¹⁰³ Ўша жойда, 16-варак.

1924–1925 йилларда Хоразм вилоятига қарашли айрим уездлардаги вақф мулкларининг миқдори

№	Туман номи	Мадрасалар биноси	Қорихоналар	Қабристон	Савдо дўкони	Карвонсарой	Ҳаммом	Бозор майдон
1	Хива уезди	64	123	78	1330	5	3	4
2	Урганч ва Гурлан уездлари	39	37	70	1566	9	-	5
Жами		103	159	148	2896	14	3	9

Ушбу жадвални Бухорога солиштирадиган бўлсак, Хоразмда сон жиҳатидан диний муассасалар ва вақф мулклари миқдори барча соҳаларда оз миқдорни ташкил этганлигини кўрамиз.

Фарғона вилоятидаги Кўкон, Марғилон туманларида вақф мулкларига қарашли муассасалар сув тегирмони, майда товар дўконлари, масжид, мадраса ва мозорлар анчагина эди.

1925–1926 йилларда Вақф Бош бошқармаси идорасида Ўзбекистон ССР ҳудудининг етти вилоятида 18 та бўлим ҳамда 6 та вақф вакиллик марказлари ташкил қилинган бўлиб, жами 129 та ишчи ходимлар фаолият олиб борган. Жумладан: Фарғона вилоятида – 26 та, Тошкент шаҳар бўлимида – 19 та, Самарқанд вилоятида – 17 та, Зарафшон вилоятида – 31 та, Қашқадарёда – 10 та, Сурхондарёда – 7 та, Хоразмда – 19 та ходимлар Вақф Бош бошқармаси вилоят ва уезд «Маҳкамаи шаръия»ларида доимий иш юритиб турган.¹⁰⁴

1925 йилнинг 24–29 январида Ўзбекистон вақф ходимларининг махсус анжуманида Вақф Бош

¹⁰⁴ЎзР МДА, 94-фонд. 1-руйхат, 332-иш, 27–28-варақлар.

Бошқармасининг фаолияти ҳақида О. Охунов нутқ сўзлайди. Анжуман иштирокчилари «Коммунистик жамиятда вақф ва унинг муассасалари мавжуд бўлиши шарт эмас, лекин, ўтиш даврида Шарқда диний асоратлар омма орасида яшовчанлигини, совет ҳукуматининг диний ақидаларга қарши кураш кууролига эга бўлиш ҳамда маданийлик даражасини кўтариш ва Ўзбекистонда ижтимоий фаровонликни таъминлаш учун вақтинча сақлаш керак»,¹⁰⁵ деб ҳисоблашади.

Вақфчиларнинг республика анжуманидан сўнг 1925–1926 ўқув йилида вақф маблағлари ҳисобидан, Ўзбекистон ССР уездларида таълим оладиган ўқувчилар сонини кўпайтириш, асосий эътиборни маориф масаласига қаратиб, саводхонлик даражасини кўтариш режалаштирилган. 1926 йилнинг 1 январига қадар вақф мулклари даромади ҳисобидан Ўзбекистон ССР вилоятларидаги туман ва уездларда бошланғич таълим олган эркак ва аёл ўқувчилари ҳақида архив маълумотлари орқали хабардор бўлиш мумкин.¹⁰⁶

4-жадвал

1925–1926 ўқув йилида Ўзбекистонда вақф мулкларидан келган даромад ҳисобидан таълим олганлар сони

№	Уезд – Тошкент туман номлари	Шаҳар типидagi ўқув муассасалари						Қишлоқ типидagi ўқув муассасалари						Интернат
		Эркаклар			Аёллар			Эркаклар			Аёллар			
		Мактаб	Хоналар	Ўқувчилар	Мактаб	Хоналар	Ўқувчилар	Мактаб	Хоналар	Ўқувчилар	Мактаб	Хоналар	Ўқувчилар	
1	Тошкент Эски шаҳар қисми	32	243	6852	5	42	903	-	-	-	-	-	-	-

¹⁰⁵Ўша жойда, 23, 42, 44-варақлар.

¹⁰⁶ЎЗР МДА, 94-фонд, 1-рўйхат, 382-иш, 6–7-варақлар.

2	Тошкент уезди	-	-	-	-	-	-	2	4	160	3	5	200	-
3	Қўқон уезди: шаҳар ва туман	-	-	-	-	-	-	2	6	155	1	3	75	30
4	Андижон	3	16	625	1	4	140	11	11	300	-	-	-	-
5	Наманган	6	12	425	1	2	50	-	-	-	-	-	-	-
6	Маргилон	1	3	120	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
7	Самарканд	9	18	450	1	1	30	7	9	225	-	-	-	-
8	Катта-кўрғон	1	2	60	-	-	-	1	1	30	-	-	-	-
9	Хўжанд	2	5	150	-	-	-	4	6	180	-	-	-	-
10	Ғиждувон	1	5	150	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
11	Бехбудий	-	-	-	-	-	-	3	5	125	-	-	-	-
12	Хива	6	10	240	1	1	30	2	2	60	-	-	-	150
13	Гурлан	-	-	-	-	-	-	3	3	90	-	-	-	-
14	Урганч	1	1	30	-	-	-	3	3	90	-	-	-	-
	Жами	62	315	9102	9	50	1154	38	50	1415	4	8	275	180

Жадвалдан шу нарса маълум бўладики, кўплаб шаҳар, уезд ва кишлокларда ўқув муассасаларининг вақф маблағи ҳисобидан фаолият юритишига етарли эътибор қаратилмаган. Ҳатто Маргилон, Каттакўрғон, Хўжанд, Ғиждувон, Бехбудий, Гурлан, Урганч каби шаҳар ва туманларда бирорта ҳам вақф маблағи ҳисобидан фаолият кўрсатувчи аёллар ўқув муассасаси мавжуд эмаслиги, шунингдек Республика бўйича кишлок типдаги аёллар ўқув масканлари фақатгина Тошкент ва Қўқон уездларида иш юритаётганлигини кўрамиз. Бундан хулоса шуки, аёлларнинг янги усул мактабларида таҳсил олиши жуда паст даражада бўлган. Шунингдек, совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида вақф мулкларининг мусодара қилиниши вақфларга тегишли кўплаб биноларни вайрона ҳолатга келтириб қўйган эди. Маблағнинг йўқлиги, кейинчалик вақфлар қайтарилган бўлса ҳам, тиклаб олиш учун вақт зарурлиги кўплаб ўқув муассасаларининг бўш ётишига сабаб бўлган.

1925–26 ўқув йилида вақф мулклари ҳисобидан келган даромад эвазига аҳолини ўқитиш ва маданий-маърифий даражасини кўтариш учун вақфларга тегишли

бўлган муассасаларни таъмирлаш зарурати туғилади. Шунинг учун Ўзбекистон ССР ХКС Халқ маорифи комиссарлиги қошидаги Вақф Бош бошқармаси ахволи тўғрисида махсус қарор қабул қилиб (1925 йил ноябрь), унга кўра маҳаллий вақф бўлимларига маданий-маърифий аҳамиятга эга бўлган биноларни таъмирлаш учун ижарачилар билан 10 минг сўмлик, пудратчи ва курувчилар билан 5 минг сўмлик микдорда шартнома имзолаш ва харажат қилиш ҳукукини берди.¹⁰⁷ Лекин, барча шартномалар ва даромадларни амалга ошириш Вақф Бош бошқармаси қўлида бўлиб, у Ўзбекистон ССР ХКС томонидан қатъий назорат остига олинадиган бўлди.

Вақф мулкларидан фойдаланиш, диний муассаса ва ташкилотлар фаолиятини вақф маблағлари ҳисобидан юритиш узоққа чўзилмади. 1927 йилда Ўзбекистон Компартиясининг III съезди «Дин ва динга муносабат» масаласида иккита резолюция қабул қилиб, ушбу резолюциялар «партия аъзолари ичидаги ярамас ҳоллар ва сиёсий оқартув ишлари» деб номланди.¹⁰⁸

Ушбу резолюцияларда динга қарши ташвиқот масаласи кескин қилиб қўйилган бўлиб, аввало, «фаоллар ичида диний-маиший урф-одатларга (хатна тўйи, диний дафн маросимлари, никоҳ ўқитиш ва ҳ.к.) қарши партия ичида кенг кураш олиб бориш лозим... Ерли халқ орасида ҳам, шунингдек, европаликлар ичида ҳам динга қарши ташвиқотни авж олдириш зарур деб ҳисоблансин... мактаб, клуб, қизил чойхона, деҳқонлар уйи, агрономия марказлари ва «Худосизлар иттифоқи»нинг ячейкалари динга қарши ташвиқотнинг марказига айланиши зарур»¹⁰⁹ каби, очикдан-очик кураш ва қатағонга даъват қилувчи фикрлар баён қилинган.

¹⁰⁷ЎЗР МДА, 94-фонд, I-рўйхат, 322-нш, 21–22-варақлар.

¹⁰⁸Қонун, дин, черков. Т.: Ўзбекистон, 1987. Б. 54–55.

¹⁰⁹Ўзбекистон Коммунистик партияси съездлар, резолюция ва қарорлари. Т.: 1957. I том, 189–251-бетлар.

1923 йилдан 1928 йилга қадар РКП(б) ва Ўзбекистон Компартияси диний муассаса ва ташкилотларга муносабатида, динга ишонувчининг диний ҳисларини ҳақорат қилмасликка алоҳида эътибор бериши зарурлиги каби эҳтиёткорлик сиёсатидан кескин кураш олиб бориш сиёсий йўлига ўтишлик учун узоқ вақт зарур бўлмади.

Ўзбекистон Компартиясининг III съезди Республика миқёсида дин ва диний муассасаларга қарши оммавий очик кураш ҳамда қатагон даврини бошлаб берди. 1927 йили хотин-қизларни озодликка чиқариш «Хужум» кампанияси даврида диндорларни хурофот ва эскилик тарафдори сифатида таъкиб қилиш янада авж олдирилди.

1927 йил 13–15 июнда Самарканд шаҳрида Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг VI пленуми бўлиб ўтади. Унда ЎзКП Марказий Қўмитасининг масъул котиби Акмал Икромов “Руҳонийлар ва мактаб ҳақида”¹¹⁰ маъруза қилади. Пленумнинг ушбу йиғилишида Республикада диний муассасалар фаолиятини чеклаш, мусулмон мактаб ва мадрасаларини тугатиш тўғрисидаги бош йўналишни белгилаб берувчи қарор қабул қилинади.

Ушбу қарордан келиб чиқиб, жойларда даҳрийлик курашини кучайтириш, аввало тарғибот-ташвиқотни кенг кўламда олиб борувчи муассасалар фаолиятига эътибор қаратиш зарурлигига аҳамият берилди бошланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Ижроия Қўмитасининг тарғибот ва ташвиқот бўлими зиммасига бу борада кенг кўламда ишларни олиб боришлик учун катта вазифалар юклатилди. Ушбу бўлимнинг 1927 йил 20 ноябрда ўтказган йиғилиши 2-баённомаси қарорида қуйидаги талаб қўйилади: “Худосизлар иттифоқининг устав лойиҳаси кўриб чиқилсин ва тасдиқлансин. Бир ҳафта ичида Худосизлар иттифоқи уюшмасининг номи ўзбек тилида кенг халқ оммасига тушунарли тарзда

¹¹⁰Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях и решениях съездов и пленумов ЦК. Т. 1. 1987. – С. 304–305.

номланиб, матбуотда эълон қилинсин. Ушбу вазифанинг бажарилиши ўртоқ Ботуга топширилсин”.¹¹¹

1928 йилнинг февраль ойида Ўзбекистон Компартияси Марказий Ижроия Қўмитаси тарғибот-ташвиқот бўлимининг махсус қарори билан республикада динга қарши фаол курашувчан “Худосизлар” журналининг ўзбек тилидаги сонини чоп эттириш давр талаби эканлиги қайд қилинди. Жумладан, қарорда “дастлабки босқичда “Худосизлар” журнали бир ойда бир марта, 3000 нусхада, 3–4 босма табоқ ҳажмда, араб имлосида чоп этилсин”,¹¹² деб таъкидланди.

Журналда динга қарши тарғибот масаласининг сиёсий моҳияти, фан ва дин, тарих ва диннинг келиб чиқиш моҳияти, дин ва социалистик қурилиш, динни танқид қилувчи ва диний маиший ҳаётнинг “салбий” оқибатларига қаратилган бадний асарлар, “Ҳужум” ҳаракатини ташвиқот қилувчи ҳамда “Худосизлар” уюшмасининг жойлардаги фаолияти билан боғлиқ бўлган мақолалар эълон қилиш дастури киритилган.

Марказда динга қарши чоп этилган газета ва журналлардан йирик мақолалар ҳамда хабарлар рус тилидан ўзбек тилига таржима қилиниб, республика матбуот органлари орқали халқ орасида тарқатиш ҳам йўлга қўйилди. Ушбу масалада ҳам маҳаллий ўлкаларга махсус кўрсатмалар келиб турган.

Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Қўмитаси ва Халқ Комиссарлари Советининг 1928 йил 22 сентябрь куни бўлиб ўтган йиғилиши вақф мулкларини бекор қилиш тўғрисидаги қарорини эълон қилди. Ушбу қарорга асосан вақф мулкларининг тугатилиши ва уларнинг маҳаллий совет органларига берилиши билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон ССРнинг барча ўлкаларида шошилинч тадбирлардан бири сифатида қаралди. Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Қўмитасининг 1928 йил 13–19 ноябрда бўлиб ўтган II чақириқ 4-сессиясида

¹¹¹ЎЗР ПДА ФВБ, 109-фонд, 1-рўйхат, 457-иш, 7-варак.

¹¹²ЎЗР МДА, 94-фонд, 2-рўйхат, 41-иш, 31-варак.

«Эски усул мактаблар ва корихоналарни тугатиш ҳақида»¹¹³ги қарорнинг қабул қилиниши эндиликда дин ва диндорларга нисбатан шафқатсиз кураш бошланганлигидан далолат берад эди.

Фарғона округ Ижроия Қўмитасининг 1928 йил 4 декабрда ўтказган йиғилиши¹¹⁴ барча вилоят фаоллари иштирокида бўлиб ўтиб, унда асосан диний масала муҳокама қилинди. Йиғилишда вақф мулкларини бутунлай тугатиш, эски усул мактаблари фаолиятига умуман йўл қўймаслик, тортиб олинган диний муассаса биноларини дарҳол давлат тасарруфига ўтказиш каби масалалар кўрилди ва махсус комиссия тузилиб, уларнинг вазифалари белгилаб берилди.

1928 йилдаги совет ҳокимиятининг диний муассаса ва ташкилотлар фаолиятига қилган ошқора таъовуз нафақат руҳоний ва диндорларни, балки бутун жамият аъзоларини эсанкиратиб қўйди.

Даҳрийлик тарғиботининг амалга оширилиши 1920–1930 йилларда совет давлати иқтисодиётида ерсув ислохотини ўтказиш, саноатлаштириш, қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш, “маданий инқилоб”ни амалга ошириш, хотин-қизларни озодликка чиқаришга қаратилган “Ҳужум” кампанияси ва шиорлар остида янада кучайтирилди.

Ўзбекистон ССРда совет ҳокимиятининг эски усул мактабларини тугатиш, вақф мулкларини бекор қилиш диний муассасалар фаолиятини қайта тиклаш учун умуман йўл қўйиб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўриш масалаларига асосий эътиборини қаратиши кейинги воқеалар жараёнида ўзининг аянчли оқибатини намоён қилди.

Совет давлатининг ўша йиллардаги раҳбари И. Сталин 1928 йил 3 мартдаги нутқида “қулоқларга қарши кураш, динга қарши ҳал қилувчи кураш палласи”¹¹⁵

¹¹³Қизил Ўзбекистон. 1929. 11 январь. №9.

¹¹⁴Фарғона ВДА. 550-фонд, 1-рўйхат, 164-иш, 68-варак.

¹¹⁵Наука и религия. 1977. №10. – С. 16.

эканлигини баён қилгандан сўнг, дин ва диндорлар аёвсиз қатағонлик қурбонига айланди. Юқорида қайд этилган қарорларнинг қабул қилиниши “Маҳкаман шаръия” диния бошқармасининг фаолиятига ҳам чек қўйди. Совет ҳокимияти даҳрийлик сиёсатининг кескинлашуви шу даражага олиб келдики, ҳатто, диний ташкилотлар тузишга ва эски усул мактабларини очишга уринган шахсларга нисбатан Ўзбекистон ССР Жиноят Кодексининг 158-моддасига биноан жиноий жавобгарликка тортиш ҳам белгилаб қўйилди.¹¹⁶

Совет ҳокимиятининг дин ва диндорларга нисбатан юқорида қабул қилинган қарорлари Ўзбекистонда ўзининг тез орадаги амалий асосларини намоён қила бошлади. Диний муассаса ва ташкилотларнинг моддий таянчи бўлган вақфлар даромади мусодара қилинди, собиқ вақф мулкларидан келадиган даромаднинг 90 фоизи совет типдаги мактаблар қурилишига, 10 фоизи эса Халқ маорифи комиссарлиги ҳисобига ўтказиб юборилди.¹¹⁷

Совет ҳокимиятининг диний муассаса ва ташкилотларга нисбатан республикада даҳрийликдан иборат мазкур чора-тадбирларидан сўнг, кейинги ўн йиллар давомида тарихий обидалар ҳисобланмиш минглаб мадраса, масжид, мақбара, хонақоҳ бинолари қаровсиз қолиб кетди. Диний бошқарманинг тугатилиши ва мадрасалар фаолиятининг тўхтатилиши билан билимли диний уламоларни етказиб бериш, ислом шариатини тўғри йўлга қўйиш каби муҳим ишлар тўхтаб қолди.

¹¹⁶ЎЗР МДА, 94-фонд, 5-руйхат, 574-нш, 15-варақ.

¹¹⁷ЎЗР МДА, 94-фонд, 5-руйхат, 435-нш, 41-варақ.

II БОБ.

ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ РУҲОНИЙЛАР ВА МУСУЛМОН МУАССАСАЛАРИГА НИСБАТАН ЗЎРАВОНЛИК СИЁСАТИ (1929–1940 йиллар)

2.1. “ХУДОСИЗЛИК” УЧУН КУРАШ ВА УНИНГ ФОЖИАЛИ ОҚИБАТЛАРИ

Совет жамияти тарихида XX асрнинг 20-йиллари охири ва 30-йилларда диний муассаса ва ташкилотлар ҳамда дин пешволари, диндорларга нисбатан муносабат ўта реакцион, шафқатсиз тарзда бўлиб, атеистик ҳаракатнинг кенг миқёсда кучайиши билан таърифланади. Бутуниттифоқ худосизлар уюшмаси ўзининг ташвиқот ва тарғиботчилик ишини олиб борар экан, ишчи ва деҳқон оммаси ўртасида кишлоқларда муқаддас жойларнинг «сохталиги» ва «асоссизлиги»ни исботлашга уриниш, диндорларни буржуазия ва майда буржуазия тарафдорлари сифатида коралаш, социализмга душманликда айблаш, муқаддас авлиёлар мазорларига бориб зиёрат қилиш, диний маросимларнинг зарарли эканлигини кенг тарғиб қилиш фикрлари матбуот органларида кўплаб чоп этилди.

1925–1947 йиллар давомида фаолият юритган Бутуниттифоқ худосизлар уюшмаси совет ҳокимиятининг тарғибот-ташвиқот органи ҳисобланиб, диний муассаса ва ташкилотлар фаолиятига қарши даҳрийлик сиёсатининг бош ташкилотчиси бўлди.

1929 йил 10–11 июнь кунлари Москвада бўлиб ўтган Бутуниттифоқ худосизлар уюшмасининг II съезди Марказ ва унинг Иттифоқдаги барча республика бўлимларини “курашчан худосизлар” деб номлашга қарор қилади.¹¹⁸

XX асрнинг 20-йиллари охири ва 30-йилларда Марказ даҳрийлик сиёсатининг асосий фикр тарқатувчиси

¹¹⁸Правда. 1929. 12 июнь. №132.

бўлди. Бутуниттифок худосизлар уюшмаси XX асрнинг 20-йиллари охирида 14 та тилда, 18 та нашрларига эга бўлди. Уюшма ҳафталик газетаси «Безбожник» («Худосиз»), шунингдек «Антирелегиозник», «Безбожник», «Деревенский безбожник» («Қишлоқлик худосиз»), «Юный безбожник» («Ёш худосизлар») сингари марказий журналларни чоп эттирди. «Курашчан атеизм» журнали ҳам динни «фош этиш» матбуот марказларидан бирига айланди.¹¹⁹

Юқорида қайд этилган марказий журналлар билан бир қаторда бошқа миллатларнинг тилида ҳам газета ва журналлар чоп этилди, махсус бюллетенлар чиқарилди. Жумладан, украин тилида «Безверник» («Динсиз») бир хил номдаги газета ва журнал, татар тилида эса «Сгушчан алласизлар» («Курашчан худосизлар»), яхудий тилида «Аникуйрес» («Худосиз»), арман тилида «Анастваст» («Худосиз») каби журналлар ойда бир марта, йил давомида 12 та сони мунтазам нашрдан чиқиб турди.

Бу даврда совет армияси жангчи ва зобитлари орасида ҳам худосизликка даъват этувчи ташвиқот ва тарғибот ишлари юритилиб, 1929 йил кизил армия ҳарбий техникаларидан «Худосизлар самолёти», 1931 йил июндан эса «Курашчан худосиз» танки, Балтика флотиди «Курашчан худосиз» сув ости кемаси, бундан ташқари «Украиналик худосиз», «Грузиялик худосиз», «Биробиджон худосизлари» номидаги самолётлар, «Ураллик худосиз» танк колоннаси мавжуд бўлиб, улар динга қарши кураш олиб бориш рамзларига айланган эди.¹²⁰

XX асрнинг 30-йилларида Марказнинг динга қарши олиб бораётган шафқатсиз сиёсати бу ҳаётий зарурият эканлигини исботлаш мақсадида, давлат ва ҳукумат раҳбарлари, зиёлилар ва илмий жамоатчилик даҳрийлик тарғиботига кенг жалб қилинди. Ушбу ҳаракатда иштирок қилмаган кишилар зўравонлик ва тазйик

¹¹⁹Наука и религия. 1985, №12. – С. 20.

¹²⁰Уша журнал, 1975. № 6. – С. 36., 1977, № 10. – С. 59.

ўтказиш йўли билан обрў-эътибори ҳамда эгаллаб турган лавозимларидан маҳрум қилинди.

Маълумотларга қараганда, Совет Иттифоқида «Худосизлар уюшмаси» аъзолари, мухбир, деҳқон ва ишчилар ҳамда уюшма фаолларининг сони 1920 йилда 100 минг кишини, 1929 йилда 700 минг кишини, 1932 йилга келиб эса 5,5 млн. кишини ташкил қилган. Ташкилотга 2 миллиондан ортиқ ёшлар жалб қилинган. Юқоридаги рақамлар шуни кўрсатадики, партия органлари, айниқса ёшлар орасида динга қарши ташвиқот-тарғиботни кенг кўламда олиб боришган.¹²¹

“Худосизлар уюшмаси” аъзоларининг астрономик рақамлар билан ортиб бориши, бу соҳада оммавий тарзда иш олиб борилганлигидан далолат бериб турибди.

Таъкидланган йилларда «Атеист», «Безбожник» газета ва журналлари нашриёти қошида 1700 номдаги, 40 млн. нусхада китоб ва рисолалар нашр қилинди. «Безбожник» газетасининг ойлик тиражи 1932 йилга келиб 500 минг нусхага, шу номдаги журнал тиражи эса 200 минг нусхага етди.¹²² Ушбу нашрларнинг тиражи 1930 йилларнинг охирига қадар муттасил ортиб борди.

«Худосизлар» журнали Ўзбекистонда 1929 йил 1 февралдан бошлаб латин имлосида ўзбек тилида чоп этилди.¹²³ Ушбу журнални фақат шаҳар ва шаҳар атрофидаги қишлоқ аҳолиси орасида эмас, балки республиканинг энг чекка қишлоқларига ҳам тарқатиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. «Худосизлар» журналига партия, комсомол, касаба уюшма ходимлари, юқори мансабдаги шахсларнинг обуна бўлиши мажбурий қилиб қўйилган. Ушбу журналнинг кенг тарқалиши учун унинг нархи Республикадаги бошқа матбуот органларига нисбатан арзонлаштирилган эди.¹²⁴

¹²¹ Ўша журнал, 1977, № 10. –С 16.

¹²² ЎЗР МДА, 94-фонд, 5-рўйхат, 148-иш, 182-варақ.

¹²³ ЎЗР МДА, 94-фонд, 1-рўйхат, 642-иш, 89-варақ.

¹²⁴ «Худосизлар» журналининг баҳоси 35 тийин бўлиб, 1930 йилдан бошлаб ушбу нарх деярли оширилмаган.

Дахрийлик ташвиқоти ва тарғиботи мақсадида чоп этилган журнал ва газеталарнинг обуна нархлари омма орасида кенг тарқалиши мақсади кўзланиб жуда паст қилиб қўйилган.¹²⁵

5-жадвал

Иттифок ҳудудида атеистик сиёсатни тарғиб қилувчи махсус журнал ва газеталарнинг рўйхати ҳамда обуна нархлари

№	Газета ва журнал номлари	I ойга обуна нархи	III ойга обуна нархи	VI ойга обуна нархи	Йиллик обуна нархи
1	Газета «Безбожник»	20 тийин	60 тийин	1 сўм 20 тийин	2 сўм 40 тийин
2	Журнал «Безбожник»	30 т.	90 т.	1 с. 80 т.	3 с. 60 т.
3	Журнал «Антирелегнозник»	60 т.	1 с. 80 т.	3 с. 60 т.	6 с. 50 т.
4	Журнал «Атеист»	75 т.	2 сўм	4 сўм	7 с. 50 т.
5	Журнал «Деревенский безбожник»	20 т.	60 т.	1 с. 20 т.	2 с. 40 т.
6	Журнал «Худосизлар»	35 т.	1 с. 05 т.	2 с. 10 т.	3 с. 50 .

Жадвалда кўрсатилган таъриф республиканинг барча ҳудудлари раҳбарлик органларига юборилиб, газета ва журналларнинг йиллик йиғма тўплами шаҳар ва кишлоқларнинг тарғибот-ташвиқот марказларида сақланиши, улардан фойдаланиб ўқилган маърузалар қайдномаси «Худосизлар» уюшмаси аъзолари томонидан қаттиқ назорат остига олинган.

Марказда динга қарши чоп этилган журнал ва газеталардаги муҳим мақолалар ҳамда хабарлар рус тилидан ўзбек тилига таржима қилиниб, Республика матбуот органлари орқали халқ орасида тарқатилган. Ушбу масалада ҳам маҳаллий ўлкаларга махсус кўрсатмалар келиб турган.

¹²⁵ЎзР МДА, 94-фонд, 5-рўйхат, 14-иш, 64, 89-варақлар.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг 1929 йилдан бошлаб чоп этиладиган матбуот органларида ҳам дин ва диндорларга қарши тарғиботни кучайтириш масаласи алоҳида қайд қилинган. Жумладан, 1929 йилнинг 1 февралидан бошлаб Ўзбекистон ССР ҳудудида ўзбек, тожик, уйғур, яҳудий тилларида 11 та газета ҳамда 7 та журнал лотин имлосида чоп этилиши йўлга қўйилди. Журналлардан «Коммунист», «Муштум» (15 минг нусхада), «Янги қишлоқ» (4 минг нусха), «Маориф ва ўқитувчи» (4 минг нусха), «Худосизлар» (4 минг нусха)¹²⁶ кабиларда динга қарши тарғиботни кучайтириш алоҳида таъкидланади.

Динга қарши ташвиқот ва тарғибот ишларини айнан диний байрамлар, Қурбон ва Рўза ҳайити кунларида авж олдириш, ушбу байрамларнинг оддий халқ учун зарарли эканлигини тушунтириш кампанияси 1929 йилдан бошлаб муттасил уюштирилиб келинди.

«Худосизлар» журналида қишлоқ хўжалик жамоаларига бирлашган деҳқонлар ушбу маросимларда деярли иштирок қилмаётганлиги бир неча бор таъкидланади. Мақолалардан бирида, «Иттифоқимизда бўлган мусулмонлар 28 апрелдан 3 майгача Қурбон ҳайитини ўтказдилар. Ўзбекистондаги деҳқон хўжалиklarининг 56% коллективлашди..., эскилик сарқитларидан бири диндир, Қурбон байрами ичида бир миллион мол-қўй сўйилар экан, бундан синфий душманлар нега манфаатдор бўлмасинлар»¹²⁷, деб ёзилган эди.

Диний байрамларда диндорларга ва руҳонийларга муносиб зарба бериш учун «худосиз» мухбир ва ташвиқотчилар етакчилик қилиши, омма орасида айни шу даврда ташвиқотчиликни жонлантириш ишлари журналнинг кўплаб сонларида бериб борилган. Бу масала мақолалар орқали бошқа матбуот органларида ҳам қайта-қайта баён қилинади.

¹²⁶ЎЗР МДА, 94-фонд, 1-рўйхат, 642-иш, 88–89-варақлар.

¹²⁷Худосизлар, 1931 апрель, №4, Б. 5.

Фарғона вилоятининг Андижон уездига қарашли Султонобод кишлоқ советидаги мактаблардан бирида 1938 йил Қурбон ҳайити ва Рўза ҳайити кунларида 65 ўқувчи мактабга келмаган. Бу ҳолат бошқа мактабларда ҳам қайд қилинган. Ўзбекистон Компартиясининг динга қарши кураш билан боғлиқ директивалари туман партия комитетлари томонидан тўла бажарилмаётганлиги архив ҳужжатларида қайд қилинади.¹²⁸

Мазкур вилоятнинг Богдод туманида динга қарши кураш олиб боровчи вакиллар олдига Қурбон ва Рўза ҳайити кунларида дехқонларни кишлоқ хўжалик ишларига жалб этиш, намоз маросимида иштирок этишига имкон бермаслик вазифаси қўйилган. Диний байрам кунлари атайин спорт мусобақалари уюштирилиб аҳолини чалғитиш чоралари қўрилган.¹²⁹

«Худосизлар» журналида ҳатто намунали «худосиз» ташвиқотчиси учун махсус рукн ташкил қилинган бўлиб, унда айрим даҳрий ходимларнинг иш тажрибасидан кўргазмалар, уларнинг таржимаи ҳоли баёни, расмлари бериб борилган.

Атеистик ташвиқот ва тарғиботда ислоннинг пайдо бўлиши, унинг ижтимоий моҳияти, фарзлари, ислоний урф-одатлар ва байрамлар марксизм-ленинизм назариясига қарама-қарши қўйилган ҳолда амалга оширила бошланди. Жойларда динга қарши клублар ташкил қилиниб, уларга партия ва комсомол фаоллари, партиясиз ишчилар, «Худосизлар» ташкилоти аъзолари жалб қилинди. Айниқса, «Қизил чойхона» ва «Қизил бурчак» клубларини оммавий равишда «худосиз»ликни тарғибот қилувчи марказларга айлантириш дастури ишлаб чиқилган. Ушбу муассасаларда динга қарши китоблар кўргазмаси, мулла ва диндорларни танқид қилувчи ҳамда «манфур башараси»ни очиб ташловчи газета мақолалари муҳокамаси, динга қарши махсус кеча

¹²⁸ЎзР ПДА ФВБ. 1-фонд, 6-рўйхат, 32-иш, 16-варак.

¹²⁹Уша жойда, 68-варак.

ва кичик театр томошалари, хикоялар ўқиш каби усул ва воситалар қўлланилган. Шунинг учун ҳам «Қизил чойхона» ва клубларнинг сони, ячейкалари йилдан-йилга ошиб борган.

«Курашчан худосизлар» уюшмаси ва «Қизил чойхона» деб аталган махсус кўрсатмада:

1. «Курашчан худосизлар» уюшмаси аъзоларининг «Қизил чойхона»да мунтазам навбатчилик қилиш ва доимий маслаҳат бўлимини ташкил этиш;

2. Динга карши суҳбат ва овоз чиқариб ўқиш ўқувларини уюштириш;

3. «Худосизлар» журнали мақолаларини ўқиш, тарғиб қилиш, атеизмга оид диаграмма, расмлар кўргазмаси ва турли тарғибот намуналарини ташкил этиш;

4. Кинолавҳа, радиоэшиттириш, турли-туман тадбир ва кечаларда диндорлар «башара»сини очиб ташлаш, кабилар уқтирилган.¹³⁰

1924 йилдан 1929 йилга қадар Ўзбекистон ССРда «Қизил чойхона» ва бошқа ташвиқот марказлари сони ҳамда уларда «худосизлик»ка даъват қилиш салмоғи муттасил ортиб борган.¹³¹

6-жадвал

1924–1929 йилларда Ўзбекистон ССРдаги тарғибот ва ташкилот марказларининг сони

№	Ташвиқот марказлари номи	1924–1925 йй.	1925–1926 йй.	1926–1927 йй.	1927–1928 йй.	1928–1929 йй.
1	Қизил чойхоналар	173	177	207	356	403
2	Клублар	72	130	166	224	230
3	Кутубхоналар	84	84	103	270	275

¹³⁰ЎзР МДА, 94-фонд, 5-руйхат, 14-иш, 182–183-варақлар.

¹³¹ЎзР МДА, 94-фонд, 5-руйхат, 574-иш, 24-варақ.

4	Кино установка	16	Маълумот берилмаган		45	46
5	Дехқонлар уйи	-	14	9	11	Маълумот берилмаган
Жами:		345	405	485	906	954

Жадвалга эътибор берилса, беш йил давомида тарғибот-ташвиқот муассасалари сони, айниқса, 1927–1928 йилларга келиб кескин ортган. Бунга сабаб, ушбу йилларга келиб, даҳрийлик курашининг кучайтирилиши, масжид, мадраса биноларининг давлат тасарруфига ўтказилиши ва уларнинг ўрнида жадвалда қайд этилган муассасаларнинг ташкил этилишидир.

Худосизлар уюшмаси Компартия кўрсатмалари асосида клуб, кутубхона ҳамда «Қизил чойхона»ларда ишчи ва колхозчилар ўртасида «худосизлик»ни тарғиб қилишга қаратилган катта дастур ишлаб чиққан. «Динга қарши тарғибот тўғрисида» деб номланган ушбу дастурда 35 пунктдан иборат ташкилий йўналишдаги вазифалар қайд қилинган.¹³²

1933 йил Ўзбекистон ССР худудида 5 та дам олиш ва маданий истироҳат боғлари, 10 та маориф ходимлари уйи ва аёллар маданият саройлари, 6 та маслаҳат пунктлари, 8 та ишчи-маориф уйлари фаолият олиб борган.¹³³ Ушбу совет муассасалари ҳам динга қарши тарғиботчиликнинг маънавий асосларини ташкил этган.

1929 йилнинг бошида Республикада 187 та (жумладан, қишлоқларда 74 та) кутубхоналар мавжуд бўлиб, буларнинг умумий китоб фонди 44 минг нусхага етганлиги маълум қилинади.¹³⁴

1933 йилга келиб ишчи ва деҳқонларнинг ташвиқот марказлари жадал суръатларда ўсиб борди:¹³⁵

¹³²Ўша жойда.

¹³³ЎЗР МДА, 94-фонд, 5-рўйхат, 1219-иш, 24-варак.

¹³⁴Атеистик суҳбатлар. Масъул муҳаррир проф. И.Жабборов Т. 1990, Б. 14.

¹³⁵ЎЗР МДА, 94-фонд, 5-рўйхат, 1219-иш, 24-варак.

1931–1933 йилларда Ўзбекистон ССРдаги тарғибот
ва ташвиқот марказларининг ўсиш суръати

№	Ташвиқот марказлари номи	01.01.1931 йилдан		01.01.1932 йилдан		01.01.1933 йилдан		Изоҳ
1	Кутубхоналар китоблар	167	-	192	15%	277	65.8%	Фондларнинг ўсиши 1931 йилга нисбатан олинган
		-	-	-	-	632.006	-	
2	Клублар	250	-	234	-	367	47%	
3	Қизил чойхоналар	936	-	1481	59.2%	2647	182.7%	
4	Маданият саройи	81	-	79	-	79	-	
5	Колхозчилар уйи	10	-	19	90%	19	90%	
Жами		1444	-	2005	38.8%	3389	134.7%	

1934 йилга келиб Республикада клублар сони 362 тага, «Қизил чойхона»лар эса 2500 та, аёллар клублари 56 та, дам олиш маданият ва истироҳат боғлари 12 тага етган.¹³⁶

Оммавий маданий муассасаларнинг 1933–1934 йиллардаги бутун Республика миқёсида шаҳар ва қишлоқлардаги тақсимотига алоҳида эътибор қаратилган.¹³⁷

1933–1934 йилларда республика тарғибот - ташвиқот
марказларининг шаҳар ва қишлоқлар бўйича
тақсимоти

№	Тарғибот-ташвиқот марказлари номи	1933 йил			1934 йил январь-июль ойига қадар		
		Республика	шаҳар	қишлоқ	Республика	шаҳар	қишлоқ

¹³⁶ЎЗР МДА, 94-фонд, 5-рўйхат, 1456-иш, 5-варақ.

¹³⁷ЎЗР МДА, 94-фонд, 1-рўйхат, 1457-иш, 8-варақ.

1	Маишй маданият уйлари	79	5	74	80	8	72
2	Клублар	311	142	169	327	147	180
3	Қизил чойхоналар	2084	305	1779	3028	507	2521
4	Намунали Қизил чойхоналар	-	-	-	101	28	73
5	Маданият уйлари	2305	505	1800	1389	299	1090
6	Колхозчилар уйи	47	9	38	82	24	58
7	Маориф хизматчилар уйи	11	9	2	12	9	3
8	Олимлар уйи	1	1	-	1	1	-
9	Аёллар маданият уйи	1	1	-	1	1	-
10	Маорифчиларнинг хордик чиқариш уйи	-	-	-	1	1	-
11	Педагогик маслахатхона	4	4	-	6	6	-
12	Илмий атеизм музейи	-	-	-	1	1	-
13	Маданият ва истироҳат боғи	9	7	2	11	8	3
14	Ўлкашунослик музейи	-	-	-	8	7	1
15	Ленинграддаги Ўзбекистон уйи	-	-	-	1	1	-
16	Маорифчилар кўргазма уйи	-	-	-	10	8	2
	Жами	4852	998	3864	4958	1028	3930

Клуб, «Қизил чойхона»лар кутубхоналарда дахрийлик тарғиботини олиб бориши учун Ўзбекистон ССРдаги «Қурашчан худосизлар» уюшмаси рахбарияти олдига (Х. Худойназаров) махсус лекторлар гуруҳини ташкил қилиш вазифаси қўйилди. Ишчи ва дехқонлар орасида ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб борувчи дахрийлар махсус адабиётлар билан таъминланиши, уч ва олти ойлик курслардан ўтган бўлиши, ҳеч бўлмаганда сиртдан атеистлар институтининг ўқув курсларини тамомлаган бўлиши шарт қилиб қўйилган эди. «Лекторлар бюроси» ташкил қилиниб, давлат бюджетидан иш ҳақи тўлаш белгиланган.

1937–1938 йилларда «Курашчан худосизлар» уюшмасининг марказий лекторлар бюроси иш ўринлари сони ва ойлик иш ҳақлари аниқ тақсимланган.¹³⁸

9-жадвал

“Курашчан худосизлар” уюшмасининг ишчи ўринлари (1937–1938 йиллар)

№	Иш ўринлари, мансаби	1937 йилда тасдиғи		1938 йилдаги тасдиғи	
		Ягона иш ўрни	Ойлик иш ҳақи	Ягона иш ўрни	Ойлик иш ҳақи
1	Метод кабинет мудири	1	500	1	600
2	Катта методист	1	500	1	500
3	Машинистка	1	175	1	350
4	Рататор	1/2	75	1	200
5	Кутубхона мудири	-	-	1	300
6	Фаррош	1	82	1	100
Жами		4,5	832	6	2050

Жадвалда 1937–1938 йилларда “Курашчан худосизлар” уюшмасининг лекторлар бюроси иш ўринлари ва ойлик маошлари ҳақида солиштирма маълумот келтирилган. Даҳрийлик кураши энг юқори паллага чиққан 1938 йилга келиб, бир йил аввалгига нисбатан иш ўринлари 1,5 га, баъзи штатлар ойлик маоши 100 фоизга оширилган. Шунингдек, маърузачи даҳрийлар учун қўшимча кутубхона мудири лавозими ташкил қилинган.

«Курашчан худосизлар» уюшмаси марказий бошқармаси ҳамда вилоят, шаҳар бошланғич ташкилотлари учун Ўзбекистон ССР Молия халқ комиссарлиги 1937 йилда ажратган харажатлари

¹³⁸ЎзР МДА, 837-фонд, 32-рўйхат, 1355-иш, 102-варак.

80 минг сўми ташкил қилиб, қолган харажатлар маҳаллий бюджетлар ҳисобидан қондирилган. Ушбу ташкилотларни саклаб туриш учун 712.600 сўм миқдорда маблағ сарфланган,¹³⁹ 1938 йилда бу харажатлар бироз камайтирилиб, 438.738 сўми ташкил этган.¹⁴⁰

1920 йилларнинг иккинчи ярмида динга қарши кураш олиб бориш мақсадида «Худосизлар» уюшмасининг ўнлаб ячейкалари ташкил қилинди. 1924 йилдаёқ Тўрткўлда (Қорақалпоғистон) «Худосизлар» уюшмасининг дастлабки ячейкаси ташкил топган эди. 1929 йилга келиб 4 та ячейка, 1938 йилда эса Қорақалпоғистон ҳудудида уларнинг сони 115 тага етди. Биргина, Тўрткўл туманининг ўзида 144 та атеист фаоллар динга қарши тарғибот ишларини олиб боришган.¹⁴¹

«Худосизлар» уюшмасининг дастлабки йилларидаги фаолиятидаёқ ячейкаси ва аъзоларининг сони жуда тез суръатларда ошиб борганлиги кузатилади.¹⁴²

10-жадвал

1926–1928 йилларда “Худосизлар” уюшмасининг бошланғич ячейкалари ва аъзоларининг сони

Йиллар	Ойлар	Ячейкалар сони	Аъзолар сони
1926 йил	Январь	2421	87.033
1926 йил	Апрель	2992	112.687
1927 йил	Январь	3121	138.402
1928 йил	Январь	3980	123.007
1928 йил	Июль	4654	216.151

Юқоридаги жадвалда Иттифоқ бўйича уюшма аъзолари ва қуйи ташкилотлари сонининг ортиб бориши ҳақидаги маълумот келтирилган. Манбада изох берилишича Тошкент, Самара, Нижегород, Татаристон, Лужск каби шаҳарларнинг жами 45 та бирлашмалари

¹³⁹ЎзР МДА, 837-фонд, 32-рўйхат, 1359-иш, 107-варақ.

¹⁴⁰ЎзР МДА, 837-фонд, 32-рўйхат, 1359-иш, 108–109-варақлар.

¹⁴¹Наука и религия, 1975, №6. – С. 55.

¹⁴²Безбожник, 1928, №33, 30 июль.

ҳақида умуман маълумот берилмаганлиги, 29 та куйи ташкилотлар эса эски ҳисоботни юборганлиги таъкидланади.

1928 йилнинг I июлига қадар «Худосизлар» уюшмаси 50 та ташкилотда ўзининг ячейкаларига эга бўлган. Бутуниттифок «Худосизлар» уюшмасининг II съездида (1929 йил, июнь) ташкилот аъзоларининг сони 600 минг киши атрофида эканлиги қайд қилинади.¹⁴³

Даврий матбуотда берилган маълумотларда 1937 йилга келиб, бу рақам 3 баробар ўсганлиги, Бутуниттифок «Худосизлар» уюшмаси аъзоларининг сони 1940 йилга келиб эса 3 миллион кишига етганлиги, жумладан, уларнинг 60% ишчи ва деҳқонлар, 25% аёллар салмоғига тўғри келганлиги таъкидланади.¹⁴⁴

Ўзбекистон ССРда динга қарши тарғибот олиб борувчиларнинг 1940 йилнинг январь ойида бўлиб ўтган кенгашида, 1939 йилда дахрийлик мавзуларига оид 5000 та маъруза ва докладлар, 3000 та ўқув ва мунозара кечалари ўтказилганлиги, бу тадбирларда эса 300 000 киши иштирок этганлиги Республика «Худосизлар» уюшмасининг 3 300 та маҳаллий ташкилотларида 112 000 фаоллар иш олиб бораётганлиги таъкидланади.¹⁴⁵

«Худосизлар» уюшмасининг фаолиятидаги айрим камчиликлар Самарқанд ва Бухоро вилоятлари мисолида таҳлил қилиниб, баъзи ҳолларда диндорларга нисбатан «рахмдиллик» қилинаётганлиги баён қилинади. Динга қарши «Худосизлар» уюшмаси аъзолари томонидан ташкил қилинаётган маърузаларнинг мавзулари Марказдан муттасил тавсия қилиб борилган. Жойларда «Дин–беш йиллик режаларнинг тўсиғи», «Октябрь ва дин», «Ҳосил куни ва жамоалаштириш орқали динга қарши кураш», «Социалистик мусобақа ва дин билан кураш», «Дин–халқ учун афюнدير», «Марксча-ленинча таълимот дин ҳақида», «Қурбон хайити–реакцион

¹⁴³Правда, 1929, 12 июнь, № 132. (4266).

¹⁴⁴Наука и религия, 1975, № 6. –С. 36.

¹⁴⁵Правда востока, 1940, 15 январь, №12, (5175)

диндорларнинг курули», «Диндорлар хориж разведкаси хизматида», «Сталинча конституция ва дин»¹⁴⁶ каби ўнлаб маърузалар ўқиб турилган.

Динга қарши ишчилар университети, динга қарши махсус музей, динга қарши радио эшиттирувчилар тайёрлаш факультети (радиоуниверситет), динга қарши ўқувчилар махсус курси, «Худосиз аёллар» курси каби муассасаларда «худосиз»ликни тарғиб қилувчи шахсларни етиштириш ишлари кенг миқёсда йўлга қўйилган.

Республиканинг кўпгина районларида матбуот, радио, театр, клуб, музей, кўрғазма, маъруза, суҳбат, савол-жавоб кечалари каби воситалар билан биргаликда даҳрийликни тарғиб қилувчи «энг яхши шеър», «динга қарши очерк», «динга қарши карикатура» каби танловлар ҳам уюштирилган.¹⁴⁷

«Худосизлар» уюшмаси томонидан ўтказилган тадбирларда «тезда динни тугатамиз!» шиори остида иш қўрилган. XX аср 30-йилларининг охирларида гарчи хаёлпарастлик бўлса-да, диндорларни «жамиятдан сугуриб ташлаш» учун совет ҳукумати барча имкониятларини ишга солди. Моддий харажатлар, оммавий ахборот воситалари ҳамда бу йўналишдаги маданий-оқартув муассасалари фаолият олиб бораётган ходимларга катта миқдорда маблағ ажратилди. Мақсад халқнинг онгидан ва қалбидан диний тушунчаларни чиқариб ташлаш, диний маросимларга бутунлай чек қўйиш, даҳрийлик сиёсатини қарор топтиришдан иборат эди.

1937–39 йилларда «Худосизлар» уюшмаси сарф-харажатлари билан боғлиқ бўлган рақамлар шуни кўрсатадики, бу ҳол иқтисодий қудратини тиклаб олишга улгурмаган Ўзбекистон ССР иқтисодиёти учун оғир оқибатларга олиб келган.¹⁴⁸

¹⁴⁶ Антирелигиозник, 1929, № 10, октябрь. – С. 102–103.; ЎзР ПДА ФВБ, 1-фонд, 3-руйхат, 307-иш, 143-варак.

¹⁴⁷ Ярославский Ем. О религий. Москва, 1957. –С.330–333.

¹⁴⁸ ЎзР МДА, Р-94-фонд, 5-руйхат, 2938-иш, 37–38-вараклар.

1938—1939 йилларда “Худосизлар” уюшмаси фаолияти учун сарфланган маблағлар ҳажми

№	Сарф харajat турлари	1938 йилда		Жами: барча вилоятлар бўйича	1939 й и л л а							Жами
		Бир вилоят учун	Округ		1939 й. Тошкент вилояти	Самарқанд вилояти	Бухоро вилояти	Фарғона вилояти	Хоразм вилояти	Сурхондарё оёруги		
1	Ходим-ларнинг вилоятлар бўйича иш хақи	7875	5175	44500	25.800	25.800	25.800	25.800	25.800	13.800	142.800	
2	Қишлоқ ва шаҳарлар бўйича иш хақи	11773	-	58.865	41.700	50.100	55.200	56.700	24.600	-	228.300	
3	Концелярия товарлари учун	100	50	550	180	180	100	180	180	60	880	
4	Газета ва журналларга обуна учун сарф	200	100	1100	300	300	300	300	300	200	1700	
5	Почта-телеграфлар учун сарф	100	50	550	600	600	600	600	600	400	3400	
6	Иссиқлик манбаи учун	200	200	1200	80	80	80	80	80	80	480	
7	Электр-энергия	50	50	300	60	60	60	60	60	60	360	
8	Китоблар учун сарф	1000	500	5.500	1000	1000	1000	1000	1000	2500	7500	
9	Съезд ташкилий ишларига	1500	1000	8500	-	-	-	-	-	-	-	
10	Назоратчиларни сафарга юбориш	1000	550	5550	6577	6577	6577	6577	6577	3254	36.139	
11	Инвентарлар учун	1500	350	7850	1960	1960	1960	1960	1968	1000	10.800	
12	Округ ва вилоятлар учун жами инвентар.	26.391	8423	140378	81.897	90.700 20 т	96045	97617	63.976с 20 т	20416 с 40т.	450 651с 80 т	

Жадвалда “Курашчан худосизлар” уюшмаси фаолиятига 1938–1939 йиллар давомида республика бўйича ажратилган маблағ сметаси берилган бўлиб, унда йилдан-йилга катта миқдордаги сумма давлат бюджетидан сарфланганлиги маълум бўлади.

Ўзбекистон ССР Маориф халқ комиссариати зиммасига «Худосизлар» уюшмаси Республика вилоят, туман бўлимларида фаолият кўрсатадиган, яъни штат асосида ишлайдиган ходимларни республика бюджети ва маҳаллий бюджет ҳисобидан маош билан таъминлаш вазифаси юклатилган. Уларга тўланадиган ойлик маошларининг миқдори олдиндан белгилаб қўйилган.¹⁴⁹

Республика ҳукуматининг мазкур чора-тадбирлари оқибатида ўн йиллар давомида (1929–1940 й.) тарихий обидалар, диний муассаса ва ташкилотлар қаровсиз қолиб кетди. Масжид ва мадрасалар, мақбара, авлиёлар зиёратгоҳлари, мазорлар, хонақоҳ ва муқаддас қадамжолар вайронага айланди. Баъзи масжид ва мадраса бинолари отхоналарга айлантирилди, ҳатто баъзилари вино-ароқ, пиво ишлаб чиқариш корхонасига айлантирилиб, таҳқирланди.

Ўтмиш тарихимизда минглаб диний уламо ва фозил шахсларни етиштирган ва Шарқ дунёсига танитган, ярим вайрона ҳолатига келиб қолган Тошкентдаги Барокхон мадрасаси таъмирланиб, Ўзбекистон ССР атеистлар марказий музейига айлантирилди.¹⁵⁰

Ўзбекистон ССР ХКС раиси Файзулла Хўжаев имзоси остида 1934 йил июнь ойида 586-ракамли қарор қабул қилинади. Ушбу қарорга мувофиқ Тошкентда «Атеистлар музейи» ташкил қилинади. Унга ажратилган бинони таъмирлаш учун эса давлат бюджетидан 17 000 сўм маблағ ўтказилиши таъкидланади.¹⁵¹

Республика вилоят ва туманларидаги минглаб диний муассаса бинолари атеистлар уйи, қизил чойхона, колхоз клуби, киночилар саройи, кутубхона, колхозчилар уйи

¹⁴⁹ЎЗР МДА, 94-фонд, 5-руйхат, 3294-иш, 10, 11, 12-варақлар.

¹⁵⁰ЎЗР МДА, 94-фонд, 5-руйхат, 4007-иш, 23-варақ.

¹⁵¹ЎЗР МДА, 94-фонд, 5-руйхат, 1182-иш, 17-варақ.

каби совет муассасалари ихтиёрига мажбурий ўтказиб юборилди. Архив ҳужжатларининг маълумот беришича, 1939 йилга келиб Бухорода ҳаммаси бўлиб 6 та масжид номигагина фаолият олиб бораётган эди.¹⁵²

Андижон шаҳрида 1938–1939 йилларда 71 та масжид, 1 та рус черкови, 3 та яҳудий синагоги бўлиб, уларда диний маросимларни бажаришга турли йўллар билан тўсқинлик қилинган.¹⁵³ Ўзининг диний кадриятлари ва ислом муассасаларини сақлаб қолиш мақсадида аҳолининг ҳашар йўли билан маблағ тўплаш ишлари ҳам ҳукумат органлари томонидан уламолар тарғиботи деб тушунилган. Бу эса диндорларни таъкиб қилиш учун ўйлаб топилган навбатдаги баҳоналардан бири бўлганди.

1940 йил мартада бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартиясининг IX съезди ҳисоботида оммавий тарғибот ва ташвиқот муассасалари фаолиятига тўхталиб, 1937–1939 йиллар давомида уларнинг сонини ўсиб бориши ҳақида маълумотлар келтирилади:¹⁵⁴

12-жадвал

1937–1939 йилларда Ўзбекистондаги оммавий муассасалар ва матбуотнинг сони

№	Муассасалар номи, техник воситалари ва оммавий матбуот	1937 йилда	1938 йилда	1939 йилда	1937–1939 йилга нисбатан фоиз
1.	О м м а в и й кутубхоналар	1150	1441	1596	138, 8
2.	Кутубхонадаги китоблар сони (минг нускада)	1656, 6	2158, 0	2312, 3	139, 6
3.	Клуб муассасалари сони (Кизил чойхона, дехконлар уйн...)	943	1161	1496	158, 7
4.	Театрлар сони	36	44	46	128, 0

¹⁵²ЎзР МДА, 94-фонд, 5-руйхат, 4007-иш, 23-варак.

¹⁵³ЎзР ПДА ФВБ, 1-фонд, 6-руйхат, 32-иш, 75-варак.

¹⁵⁴ЎзР МДА, 837-фонд, 32-руйхат, 1859-иш, 100-варак.

5.	Кино установкалар сони	533	562	778	145,9
6.	Қишлоқлардаги кино установкалар	346	294	418	120,8
7.	Газеталарнинг йиллик адади (минг нусхада)	135687,7	138018,4	149351,3	110,1
8.	Ўзбек тилида чоп этилган газеталар адади	80949,6	84068,3	91738,5	113,3

Жадвалда Ўзбекистондаги оммавий маданий муассасалар, уларнинг техник воситалар билан таъминланиши ва оммавий матбуот органларининг наشري, 1937–1939 йиллар давомида ўсиб бориши кўрсатилган. Муассасалар, матбуот органлари, китоблар чоп этишнинг кескин ортиб боришига совет ҳокимиятининг даҳрийликдан иборат сиёсатининг кенг тарғибот қилиниши ҳам сабаб бўлган.

Даҳрийликни бутун жамият аъзолари онгига сингдириш мақсадида адабиётларда, матбуот органларида акс этилишига ҳам алоҳида эътибор берилди. 1939–1940 йиллар давомида ўзбек тилида 470 минг нусхада 30 хил номдаги динга қарши қаратилган адабиётлар нашр этилган бўлса, 1940 йилнинг биринчи ярмида республика газеталари саҳифаларида нашр этилган 170 та мақола диний мавзунини танқид қилишга қаратилган.¹⁵⁵

Республиканинг Фарғона вилоятида динга қарши тарғиботни кенг миқёсда тарғибот қилиш учун 1940 йилда 79 166 сўмлик динга қарши кураш мазмунидаги адабиётлар, қўлланмалар харид қилинган.¹⁵⁶

1940 йилда биргина Фарғона вилояти ҳудудида “Курашчан худосизлар” ячейкаларининг сони 2 243 тага етган, аъзолари сони эса 45 824 нафарни ташкил этган. Шунингдек, ўлкада 272 та агитатор, 210 та лекторлар

¹⁵⁵ Саидбаев Т. Ислам и общества. М., 1978. – С. 166.

¹⁵⁶ ЎЗР ПДА ФВБ, 1-фонд, 6-рўйхат, 68-иш, 3-варак.

шаҳар ва кишлоқларда динга қарши тарғибот ишларини олиб боришган.¹⁵⁷

Совет Иттифоқи Иккинчи жаҳон урушига киргунга қадар “Курашчан худосизлар” уюшмаси диний муассаса ва диндорларга нисбатан даҳрийликка асосланган сиёсатини бўшаштирмаган. Узлуксиз равишда республика ва вилоят партия кўмиталарининг тарғибот-ташвиқот бўлимлари “Курашчан худосизлар” уюшмасининг йил давомида қилган ташкилий ишларига раҳнамолик қилган, йил давомида қилинган ишлар ҳисоботи, ташкилотнинг фаолиятидаги камчиликлар муҳокама қилиниб, янги кўрсатмалар бериб борилган.

XX асрнинг 30–40-йилларида мадрасалар фаолиятига чек қўйилган бўлса-да, совет ҳокимияти муассасалари зўравонлик сиёсати, динга эътиқод қилувчи аҳолининг диний амалларини бажаришига, масжидга бориб намоз ўқишига бутунлай тўсиқ қўя олмади.

Совет ҳокимияти томонидан дин пешволарига қарши курашнинг кучайтирилиши, масжидларнинг мажбурий ёпиб қўйилиши диний уламоларга берилган катта зарба бўлди. Фарғона вилоят “Курашчан худосизлар” уюшмасининг 1940 йилда Ўзбекистон Компартияси Тарғибот-ташвиқот бўлимига юборган ҳисоботида ўлкада диний муассаса ва диний уламоларнинг аҳволи ҳақида тарихий маълумотлар келтирилган¹⁵⁸:

13-жадвал

1940 йилда Ўзбекистон ССРдаги диний муассасалар сони

№	Диний муассасалар ва мусулмон дин пешволари	Фаолияти тўхтатилган	Очик фаолият юритмоқда	Яширин фаолият юритмоқда
1	Масжидлар	2965	-	377
2	Мозорлар	295	214	-
3	Мукаддас жойлар	-	-	92

¹⁵⁷ЎЗР ПДА ФВБ, 1-фонд, 6-рўйхат, 68-иш, 20-варак.

¹⁵⁸ЎЗР ПДА ФВБ, 1-фонд, 6-рўйхат, 32-иш, 39, 40-варак.

4	Имомлар	-	528	1105
5	Сўфилар	-	127	207
6	Қорилар	-	34	24
7	Дуохонлар	-	72	106
8	Эшонлар	-	24	3
9	Мутаваллиллар	-	3	13
10	Бахшилар	-	27	77
11	Мударрислар	-	-	33
12	Шайхлар	-	60	7
13	Қозилар	-	30	-
14	Аъламлар	-	15	-
15	Жадидлар	-	19	-

Жадвалда қайд этилган диний муассасалар аҳволига эътибор берар эканмиз, “худосизлик”ни даъват этувчи оммавий тарғибот-ташвиқот ишларининг совет ҳокимияти томонидан қанчалик зўравонлик йўллари қўлланилмасин, аҳолининг динга бўлган эътиқодини буткул сўндира олмади. Кўплаб диний муассасалар совет типига мактабларга, клуб, омбухона ва ошхоналарга айлантирилган бўлса-да, баъзи бўш ётган биноларда диний амалларини норасмий давом эттираверганлар. Мазкур жадвалнинг яна бир эътиборли томони шундаки, унда жадидлар ҳам халқ орасида нуфузга эга бўлган дин пешволари рўйхатига киритилган.

1940 йил сентябрида бўлиб ўтган Фарғона вилоят партия кўмитаси йигилишида барча шаҳар ва кишлоқ советлари кенгаши раислари ўз ҳудудларидаги диний муассасаларни катъий назорат қилиш, қайта рўйхатдан ўтказиш, яроқсиз қолган масжид биноларини бузиб юбориш ва ундан чиккан қурилиш ашёларини “Қурилишсавдофонд” ташкилотига бошқа мақсадларда ишлатиш учун берилиши таъкидланди.¹⁵⁹

1929–1941 йиллар давомида “Курашчан худосизлар” уюшмаси совет ҳокимиятининг диний муассаса ва ташкилотлар фаолиятига бутунлай барҳам бериш ишида

¹⁵⁹ЎЗР ПДА ФВБ, 1-фонд, 6-рўйхат, 69-иш, 7-варак.

қилган раҳнамолиги жамиятда ўзининг асоратли изини қолдирди.

Хуллас, 1929–1941 йилларда “Худосизлар» уюшмасининг шафқатсиз даҳрийлик сиёсати оқибатида Иттифок ҳудудидаги барча диний муассасалар фаолияти ўзини ўнглай олмас даражада аянчли аҳволга тушиб қолди.

2.2. МУСУЛМОН УЛАМОЛАРИНИНГ ҚАТАҒОН ҚИЛИНИШИ

XX асрнинг 20–30-йилларида совет ҳокимиятининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий сиёсати соҳасидаги маъмурий-буйруқбозлик тизимини қарор топтиришга қаратилган кескин ўзгаришлари жамиятда барча табақалар сингари диний уламоларга ҳам катта зарба берди. Диндорлар ва дин аҳлларига қилинган ошқора тажовуз узок вақт ўзларини ўнглай олмайдиган даражада салбий таъсир қилди.

Ўзбекистонда истиқлолчилик ҳаракатининг мағлубиятга учраши, ер-сув ислоҳотининг ўтказилиши (1925–1929 йй.), хотин-қизларни озодликка олиб чиқишга қаратилган “Хужум” кампанияси (1927–1928 йй.), қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш сиёсати (1929–1932 йй.), айнан ушбу аграр ўзгаришлар билан бир даврда амалга оширилган қулоқлаштириш сиёсати ҳамда 1937–1938 йиллардаги оммавий қатағонлар даврида диний уламолар катта жабр кўрдилар. Юқорида таъкидланган жараёнлар давомида маъмурий-буйруқбозлик тазими ва шахсга сизинишнинг кучайиши туфайли ҳаёт қаттиқ исканжа остида қолди.

Совет ҳокимияти ўзининг салбий натижаларини берган ислоҳотларини ўтказар экан, жамиятда кишиларнинг исломий маънавият таъсирида асрлар оша яшаб келаётган ҳис-туғуларини оёқ ости қилди.

Ўзбекистон ССРда ўтказилган ҳар бир тадбир жамият аъзоларининг катта қисмига қарши қатағонлик

мухитини вужудга келтирди. Бундай таъкиб ва тазйикдан диний уламолар кўпроқ жабр кўрди. Республикадаги номукобил вазият, совет хокимиятининг миллий ўлкалардаги зўравонлик сиёсати охир-окибат бу режимга қарши халқ оммасининг узок вақт давом этган куролли ҳаракатини келтириб чиқарган эди. Совет тузумига мухолифатда бўлган кучлар ҳамда совет даври тарихи адабиётларида “аксилнқилобчилар” деб баҳоланган ташкилотлар фаолияти дастак қилиниб, диний уламолар тазйик остига олинди. Уламоларга “босмачиларга кўмаклашгани, босмачиларни яширгани, босмачиликда иштирок этгани, улар билан шерикчилик қилгани, жосуслиги, аксилнқилобий ташкилотларга аъзо бўлгани, аксилнқилобий тарғибот юритгани, террорчилиги, босмачиларга ғоявий раҳнамолик қилгани” каби айблар қўйилиб, жазога тортиш оммавий тус олди. Мулла, шайх, қози, имом, аълам ва мутаваллилар бой, кулоқ бўлгани ёки уларнинг йирик заминдорларга хайрихоҳлиги ҳам қатағон қилинишига сабаб бўлган.

1930 йил 22 февралда бой ва кулоқ бўлгани, босмачиларга кўмаклашгани, босмачиларни яширгани айби билан 11 киши отувга ҳукм қилинган. Уларнинг орасида ўз даврининг билимдон уламолари: Шаҳобиддин Омонов, Мамадали Эшон Исоқов, Мулла Фозил Оқилов, Холматхожи Мирзалиев кабилар бўлган.¹⁶⁰

Ўша йилнинг апрель ойида аксилнқилобий ташкилот гуруҳларида иштирок этгани ва аксилнқилобий тарғиботчиликда айбланиб 110 нафар диний уламолар камокқа олинган. Улар ОГПУ камокхоналарида қатъий режим остида сақланиб, тергов қилинган.¹⁶¹

Совет ҳуқуқ-тарғибот идоралари тергов жараёнида ҳеч қандай айби бўлмаган, ўзининг инсоний шаъни

¹⁶⁰Шамсутдинов Р. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, кулоқлаштириш, сургун. –Т., Шарк, 2003. Б. 170.

¹⁶¹Уша асар. 173-б.

ва ҳақ-хуқуқларини талаб қилиб чиққан диний уламоларнинг кўпчилигини олий жазо – отувга ҳукм қилган. Жумладан, 1930 йил 27 октябрдаги “учлик” йиғилишининг 5054-сонли ишида Носирхонтўра Камолхонтўраевнинг тақдири баён қилинган. Унда Носирхонтўра Камолхонтўраев (56 ёшда, тожик, бой, хўжалиги тугатилган, машхур мударрис, Қўқон Мухторияти ҳукуматининг собиқ вазири, Наманган руҳоният идорасида ҳам раислик қилган, 1925–1928 йилгача советларга қарши фаолияти учун сургунда бўлган) иши кўрилиб, отувга ҳукм қилинди, деб ёзилган.¹⁶²

Бу каби маълумотларни кўплаб келтириш мумкин. Аксилинқилбий тарғибот юритган, террорчи, оммавий чиқишда иштирок этган каби ўнлаб айблар билан бутун Ўрта Осиё қамоқхоналарида 1930 йил июнига қадар 51 нафар уламо айнан босмачиларга шерикликда, 59 та уламо жосусликда, 1 та уламо нолегал чегарадан ўтишда ва 1 та руҳоний сохта пул чикаришда айбланиб, тергов беришга мажбур бўлган.¹⁶³

Совет ҳокимиятининг жазо идоралари Республиканинг барча вилоятларидаги мусулмон уламолари ҳисобланмиш имом, эшон, сўфи, қори, мударрис, мутавалли, шайх кабиларнинг аниқ рўйхатини олиш, улар ҳақида маълумот тўплаш, аввал ким бўлган, нима ишлар билан шугулланганлиги ҳақида ички ишлар назорат органлари томонидан тафтиш ишлари ҳам олиб борилган. Фарғона вилоят халқ судининг 1940 йилда 13 та диний уламолар иши юзасидан ҳукм қилган қарорига асосан 8 кишига турли муддатларга қамоқ жазоси белгиланганлиги, 5 кишига эса енгил жазо чоралари қўлланилганлиги таъкидланган. Ушбу ишни қайта кўриб чиқиш, жазо чораларини кучайтириш, айниқса, Қўқондаги турли масжидларда имомлик қилган Обид Мирзоҳидов, Юсуфбоев, Мирзабой Қорабоев

¹⁶²Ўша асар. 177-б.

¹⁶³Ўша асар. 183-б.

кабиларнинг 1938–1940 йиллардаги фаолиятини чуқурроқ ўрганиш вазифаси топширилган.¹⁶⁴

НКВД ва ОГПУ идораларининг “учлик” аъзолари “яширин фаолият олиб бораётган” диний уламоларни асоссиз ва айбсиз таъкиб остига олганлиги бирламчи хужжатлар орқали маълум бўлади.

Уламоларни катагон қилиш омилларидан бири сифатида уларга давлат томонидан берилаётган нафақалардан маҳрум қилиш воситаси ҳам кўлланилган. Фарғона вилоят соғликни саклаш бўлими динга қарши тарғибот ячейкасининг хисоботида 1938–1940 йилларда Марғилон шаҳрида 45 нафар уламолар давлат хисобидан нафақа олиши, Қўқон шаҳрида ҳам 50 га яқин диндорлар нафақахўрлиги қайд қилиниб, уларни давлат нафақасидан маҳрум қилиш ҳақидаги қарор қабул қилинган.¹⁶⁵

Диний уламолар ва диндорларга қарши кураш, уларнинг белгиланган солиқларни ўз вақтида тўламаганлиги айби воситаси билан ҳам олиб борилган. Бундай уламолар иши жойларда Халқ судлари ҳукмига топширилган. 1939 йил Фарғона вилоятининг 18-бўлимига қарашли Халқ судида 68 нафар диний уламолар иши кўрилиб, уларга 79 456 сўмлик солиқни тўламаганлик айби юклатилади. 1940 йилнинг биринчи ярмида молиявий ташкилотлар томонидан 61 нафар уламо 129 586 сўм солиқ тўламаганлиги аниқланди. 1940 йилнинг 20 июнида вилоят Халқ судида 126 кишининг иши кўрилиб, уларнинг барчаси уламолардир,¹⁶⁶ деб маълумот берилади архив хужжатларида.

1940 йилда республиканинг энг йирик вилоятларидан бири бўлган Фарғонада 3 000 дан ортиқ уламолар рўйхатга олинган. Уларнинг кўпчилиги Қўқон,

¹⁶⁴ЎЗР ПДА ФВБ, 1-фонд, 6-рўйхат, 70-иш, 44-варак.

¹⁶⁵ЎЗР ПДА ФВБ, 1-фонд, 6-рўйхат, 68-иш, 8-варак.

¹⁶⁶ЎЗР ПДА ФВБ, 1-фонд, 6-рўйхат, 68-иш, 8-варак ва орқаси.

Андижон, Марғилон, Наманган, Чуст, Асака, Кува каби шаҳарларда яширин ёки очик фаолият олиб бораётган масжид имомлари, муҳалла муллалари, қори ва отинбибилар бўлиб, солиқ юки туфайли баъзилари ўз диний вазифаларидан воз кечиб, деҳқончилик ёки ҳунармандчилик билан шуғулланишга мажбур бўлганлар.

1939 йилда Фарғона вилоятидаги 316 нафар уламога 621 511 сўм солиқ солинган бўлса, 1940 йилда уламоларнинг 367 нафари солиққа тортилган ва уларнинг зиммасига 798 754 сўм тўлашлик мажбурияти юклатилган.¹⁶⁷

Айрим шаҳар ва туманларда барча масжидлар ёпиб қўйилганлиги сабабли аҳолининг диндор қатлами яширин равишда уйларида ибодат қилишар эди. Ҳатто, партия ва совет органларида фаолият олиб бораётган шахсларнинг фарзандларига хатна маросимини ўтказиш эскилик сарқити сифатида танқид остига олинди.¹⁶⁸

Санокли қолган бўлишига қарамасдан масжид имомлари, хатна маросимларда иштирок этувчи муллалар «Худосизлар» уюшмасининг талаби билан жойларда шаҳар, вилоят ва туман молия бўлимлари томонидан солиққа мажбурий тортилган. Бухоро шаҳридаги муллалардан 5 киши 1939 йилда шаҳар молия бўлимига келмаганлиги, Мирза Ибрагимов, Марям Паканаева, Рафаэлов, А.Парпиев, Нуриэл Парпиевларга нисбатан жиноий жазо белгилаш кўрсатилган. 1939 йилда Бухорода ишлаб турган 6 та масжидни солиққа тортиш ва уларнинг имомларига белгиланган солиқ миқдори архив ҳужжатларида қайд қилинган.¹⁶⁹

¹⁶⁷ЎЗР ПДА ФВБ, 1-фонд, 6-рўйхат, 32, 68-н., 15, 39–40-варақлар.

¹⁶⁸ЎЗР МДА, 837-фонд, 32-рўйхат, 1859-иш, 100-варақ.

¹⁶⁹ЎЗР МДА, 837-фонд, 32-рўйхат, 1269-иш, 131-варақ.

1939 йилда солиққа тортилган Бухородаги масжидлар ва уларнинг
бошқарувчилари ҳақида маълумот

№	Масжиднинг жойлашган ҳудуди	Масжид бошқарувчисининг фамилия, исми	Ажратилган		Жами	1. IX. 39 йил учун тўлов	Тўлама- ганлиги хақида
			ер солиғи	Қурилиш жойи учун солиқ			
1	Янги маҳалла, 70	Эшонов Ҳайдар	67р. 65 к	113р. 43к.	181р. 08к	84р. 14к.	96р. 94к.
2	Чапаев кўчаси	Фахриддинов Насриддин	30р. 80 к	76 р. 62к.	107р.42к.	-	104р. 42к.
3	Республика кўчаси	Болтаев Ёдгор	135р. 93к	339р.75к.	779р. 71 к	40 руб.	439р. 71 к
4	Свабода кўчаси, 7	Қосимов Яҳё	30р. 50 к.	-	30 р. 50 к	15р. 25к.	15р. 25 к.
5	Меҳнат кўчаси	Аҳмедов Карим	29р. 50 к.	-	29р. 50к.	-	29р. 50 к.
6	Оқунбобоев кўчаси	Шукуров Шариф	79р. 25 к.	-	79р. 25 к.	-	79р. 25 к.
	Жами		373р. 63к.	529р. 80к	907р. 46к.	139р. 39к	768р. 07к.

Масжид имомлари нафакадан махрум қилинган, шунингдек улардан ер, қурилиш солиқлари талаб қилинган. Масжидларга хайриялар тушуми кам бўлганлиги учун имомлар солиқ тўловидан қарздор бўлиб қолишган. Натижада қарздорлик миқдори йилдан-йилга ошиб борган.

Республиканинг бир қатор вилоят ва туманларида масжид қурилиши, диний урф-одат ва анъаналарнинг бажарилиши совет тузумига душманлик тарзида қаралган. Ғаллаорол тумани Сталин номли колхоз раиси Шодиев диний уламо Қурбон Маҳсум билан ҳамкорликда кулоқ Қаршибой Шапаевни дафн этиш маросимига 600 колхозчини йиғиб олиб, дала ишларининг боришига тўскинлик қилганликда айбланган. Шунингдек, Бухорода шойи фабрикаси парторги ўғлини суннат қилганлиги учун партия бюросида танқид остига олинади ва огоҳлантириш берилади.¹⁷⁰

Юқоридаги воқеаларда совет ҳокимиятига қарши ҳеч қандай жиддий аҳамиятга эга бўлган ҳатоликлар мавжуд бўлмаса ҳам масалага сиёсий руҳ берилганлигини айтиб ўтиш жоиз.

Оз сонли руҳонийларни ҳам йўқотиш мақсадида республикадаги ҳуқуқ-тартибот органлари, молия идоралари ҳамда «Худосизлар» уюшмаси ҳамкорлигида, уларни муттасил солиққа тортиш орқали фаолиятини бутунлай тўхтатиш режалаштирилган. 1938–1939 йилларда республикада солиққа тортилганларнинг тўлов миқдори янада оширилган.¹⁷¹

¹⁷⁰ЎзР МДА, 837-фонд, 32-рўйхат, 1859-иш, 10-варак.

¹⁷¹ЎзР МДА, 837-фонд, 32-рўйхат, 1269-иш, 146-варак.

1938 йилнинг 1 майдан 1939 йилнинг 1 майга қадар солиққа тортилган хусусий хўжалиқлар ва диний муассасалар нисбати

№	Солиққа тортилган хўжалиқ турлари	1/IV.1938 йилдаги ҳисоб				1939 йил I/V. гача янвали				Усш			
		Хўжалиқлар сон	Даромад сўммаси	Солиқ сўммаси	I ярм йиллик	Хўжалиқ сон	Даромад сўммаси	Солиқ сўммаси	I ярм йиллик	Даромад сўммаси	Солиқ сўммаси	Биртаъмин хўжалиқ сон	Даромад
1.	Майда хунарандлар	2063	13.292410	2.547441	6247	1231	1091	9.978637	2.017263	9146	1848	423	50.1
2.	Диний муассасаларга қарашли жойлар	40	12.8480	27.359	3212	593	19	63.238	22.582	3328	1188	36	100.3
3.	Уй эгаларининг қишлоқ хўжалиғи маҳсулотларидан олган даромадлари	133	554053	114907	4241	863	115	338100	45700	2940	397	.	.

1938 йилга нисбатан диний муассасаларга қаршли хўжаликлар солиқ юки оғирлигидан 1939 йилда икки бараварга камайиб кетди, аксинча солиқ миқдори тўлови эса юкорида кўрсатилган йилда тўрт бараварга кўпайтирилди. Бу ҳолат диний муассасалар фаолиятининг бутунлай тўхтаб қолишига ва тугатиб юборилишига сабаб бўлди.

Хоразм вилоятининг Кўшкўпир туманидаги Незахос кишлоғида истикомат килувчи диндор Отамурод Қурёзов бир марҳумга жаноза ўқибди. Унга мурда эгалари 2 сўм берганлигининг гувоҳи бўлган молия вакили Отамурод Қурёзовга 2200 сўмлик солиқ варақасини тутқзади. Ушбу маблағни топа олмаган О.Қурёзов билан бирга 7 та диндор уламо эскилик тарафдори сифатида ҳибсга олинган.¹⁷²

Шаҳар ва кишлоқлардаги маҳаллаларда жойлашган ҳар бир масжид, улардаги дин хизматчилари аниқ ҳисобга олиниб, солиқдан четда қолмаслиги назоратга олинган.

Архив ҳужжатларидан бирида Андижон шаҳридаги Камини маҳалласида солиққа тортилган масжидлар рўйхати келтирилган. 1939 йилнинг ўрталарида ушбу маҳалладаги Бувоси-одон (3700 сўм), Эскилик (450 сўм), Эшон кўча (250 сўм), Маъруф кўча (55 сўм), Жамол-тароқ (55 сўм) масжидларига солинган солиқлар суммаси кўрсатилган.¹⁷³

1937–1938 йиллар сиёсий қатагонлар даврида Ўзбекистон ССРдаги ҳукумат ва партия раҳбар ходимларига халқ душмани ёрлигини ёпиштиришда, атеистик тарғиботни олиб боришда етарли эътибор бермагани, «Худосизлар» уюшмаси ишини барбод қилганлик айби ҳам юкланган. «Акмал Икромов, Қурбон Берегин каби халқ душманлари Бутуниттифоқ «Худосизлар» уюшмаси Марказий Советини барбод қилганлар, бундан 3–4 йил аввал (1933–1934 йиллар)

¹⁷² Отамурод отани отганлар ким? // Ислому нури, 1992, №13. -4–6.

¹⁷³ ЎзР ПДА ФВБ, 1-фонд, 6-рўйхат, 32-иш, 76-варақ.

Ўзбекистондаги «Худосизлар» уюшмасида 90 минг аъзоси бўлган. Республика «Худосизлар» уюшмасининг раиси Холмуродовнинг зараркундаларча муносабати туфайли ундан кейинги йилларда Ўзбекистонда бирорта ҳам ячейка очилмаган. Холмуродов ўз атрофига «Троицкий»чи Икромовни, ишқмас Мамедовни ва келгинди Кушенниковни тўплаган. Биз «Худосизлар» уюшмаси Марказий Советини халқ душманларидан тозалаб, бу ишни охиригача етказишимиз зарур»,¹⁷⁴ дейилган эди Ўзбекистон ССР «Худосизлар» уюшмаси марказий фаолларининг 1937 йил ноябр ойидаги йиғилишида. Ушбу йиғилиш иштирокчилари Бутуниттифоқ «Худосизлар» уюшмасининг раиси Ем. Ярославскийга мактуб йўллаб, қуйидагиларни айтади: ««Троицкий», «бухаринчи», «риковчи» айғоқчи ва кўпуровчиларнинг фаолияти туфайли Ўзбекистонда «Худосизлар» уюшмасининг иш фаолияти барбод қилинди».¹⁷⁵

Ўзбекистон ССРда «Худосизлар» уюшмаси фаолиятини янада кучайтириш, пойтахтдан то чекка туманларгача динга қарши кенг ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб бориш Худойназаров зиммасига юклатилган.¹⁷⁶

1940 йилнинг ўрталарида Ўзбекистон ССР ХКС раиси номига йўлланган маълумотлардан бирида республикада дин пешволарининг сони 519 нафар эканлиги, Тошкент шаҳрида 111 та масжидда 30 нафар имом, Қўқонда 24 та масжид ҳисобида 11 нафар имом, Бухорода 6 та масжидда 6 нафар имом фаолият кўрсатаётганлиги маълум қилинади.¹⁷⁷

Бу фактлар тўлиқ берилмаган бўлиб, ҳар бир вилоят мутасаддилари динга қарши тарғибот ишларини яхши кўрсатиш мақсадида ҳам ҳисоботларда уларнинг миқдорини камайтириб кўрсатишга ҳаракат қилган.

¹⁷⁴ ЎзР МДА, 94-фонд, 5-рўйхат, 2007-иш, 20-варак.

¹⁷⁵ ЎзР МДА, 94-фонд, 5-рўйхат, 2007-иш, 21-варак.

¹⁷⁶ ЎзР МДА, 94-фонд, 5-рўйхат, 2007-иш, 22,23,24-вараклар.

¹⁷⁷ ЎзР МДА, 837-фонд, 32-рўйхат, 1859-иш, 99-варак.

Халқ судларининг маҳаллий вакиллари суд жараёнида айбдорлиги исботланмаган уламоларни озод қилган ҳолатларда уларнинг ўзлари жавобгарликка тортилган. Хужжатларнинг бирида Кўкон шаҳар 4-участка Халқ суди судьяси Қўшматов 14 нафар хавфли ва солиқ тўламаган диний идоралар хизматчилари ишини асоссиз ёпганлиги учун судга тортилган.¹⁷⁸

Мусулмон уламоларини катагон қилиш омилларидан яна бири, ҳукумат раҳбарларининг жойлардаги совет маҳаллий бошқарув идоралари аъзолари томонидан шахсий адоват туфайли ҳам содир этилди. Ҳокимиятни адолат билан бошқармаганлиги, порахўрлиги, ахлокий бузуклиги, иккиюзламачилиги учун баъзи диний уламолардан танкидга учраган мутасадди раҳбарлар вақти келганда, бундай уламолардан ўч олиш ҳолатлари ҳам учраб турган. Диний уламоларга ёшларга диний таълим бериб уларни нотўғри йўлга бошлаётганлиги, чалғитаётганлиги каби асоссиз айблар ҳам қўйилган. “Фаргона вилоят Норин туманидаги Катта-ёйдоқ кишлоғида яшовчи Мелибой халфа айни дамда ҳеч қаерда ишламасдан, ёшларни диний тарғибот билан йўлдан урмоқда, баъзилардан пул олиб тумор қилиб берган. Шунингдек, кўплаб ҳар хил ёшдаги одамларни уйига тўплаб диний суҳбатлар уюштирган. Унинг таъсирида кишлоқда рўза тутувчилар кўпайиб кетган”,¹⁷⁹ деган айбномаларни кўплаб учратишимиз мумкин.

1930 йилларнинг охиридан бошлаб, тўғридан-тўғри диндор бўлгани учун, диний маросимларда катнашгани ҳамда унда хизмат кўрсатгани, даромад олгани учун ҳам таъқиб остига олиш авж олдирилган. Жумладан, Абдуолим Тоғаев деган шахс пахта йиғим-терими даврида диний маросимларни, Рўза ҳайитини ўтказиш орқали пахта йиғим-терими муддатини атайин узайтирганликда айбланган. У миллатчи унсур, босмачилар малайи, мулла, гуруҳ тузиб диний йиғилишлар ўтказиб туриши баҳонаси билан отувга

¹⁷⁸ ЎзР ПДА ФВБ, 1-фонд, 6-рўйхат, 68-иш, 9-варак.

¹⁷⁹ ЎзР ПДА ФВБ, 1-фонд, 6-рўйхат, 70-иш, 116-варак.

хукм қилинади. Бундай айблар Жўрабой Аҳмадалиев, Мирзабой Мирзаев, Абдукарим Абзалов каби шахсларга ҳам қўйилган. Уларга диний маросимлар ўтказиш баҳонасида советларга қарши тарғибот олиб бориш мақсадини кўзлаганлиги билан боғлиқ айблар қўйилган. Ҳатто бу йиғинда қатнашган кишилар ҳам жиноий жавобгарликка тортилган, баъзилари отувга хукм қилинган. Масалан, Абдуолим Тоғаевнинг йиғинларида иштирок этган 7 киши отувга маҳкум қилиниб, 3 киши 10 йилга озодликдан маҳрум қилинган.¹⁸⁰

Шунинг учун катагонлик сиёсати авж олган 1937–1938 йилларда мусулмон байрамларини ўтказиш, Қуръони карим, Хадиси шарифни мутолаа қилиш, ислом дини билан боғлиқ бўлган урф-одатларни бажариш яширин равишда ўтказилган. Бундай тадбирларда, беғараз йиғинларда, маъракаларда тўпланганлар, уламолар билан мулоқотда бўлганлар ҳақида хабар берилса, улар албатта, аксилинқилобий ташкилот мажлиси иштирокчиси сифатида ҳибсга олинган. Уламоларни жамият аъзолари сафидан ўчириш, уларни ўзлари яшаб турган жойлардан бадарға қилиш, қулоқлаштириш воситалари қўлланилган.

Ўзбекистон ССРдан қулоқ қилинган хўжаликларнинг кўпчилик аъзолари руҳонийлар эди. 1930–1933 йилларда Украина, Сибирь, Қозоғистон, Шимолий Кавказ каби худудларга ҳамда республиканинг ўзидаги 17 та қулоқ посёлкаларига мажбуран кўчирилганларнинг анча қисмини уламолар ва уларнинг оилалари ташкил қилган.

Ғарбий Уралга сургун қилинган қулоқлар орасида Мулла Байрам Байрамгелди (Қорақалпоғистон), Имом Муллажўра Мадиев (Наманган), Имом Заки Мелибоев (Термиз), Эшон Муллакомил Ёқубов, Мулла Иброҳим Ёқубов, Мулла Маматқул Сафаров, Эшон Абдумалик

¹⁸⁰ Шамсутдинов Р. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари. – Т.: Шарқ, 2001. – 216, 218, 222, 223, 239, 240-бетлар.

Эримбетов каби уламоларнинг исми шарифлари келтирилади.¹⁸¹

Уламоларни колхозлардан ҳайдаш, сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш, деҳқончилик ва чорвачилик билан шугулланишга мажбур қилиш каби чора-тадбирларини қўллаш каби катағонлик сиёсати ҳам қўлланилади.

1931 йил баҳорида фақат Марҳамат ва Мирзачўл туманларида 4910 киши колхозлардан чиқарилган, Ўзбекистондаги турли колхозлардан 7400 нафар қулоқ мулла, савдогар сифатида ҳайдалган.¹⁸²

1932 йил 21 майда Ўз ССР ХКСнинг 211-сонли “Қулоқ хўжалиklarининг белгилари тўғрисида”ги қарори қабул қилиниб, унда қулоқ хўжалиklarининг 15 та хусусияти кўрсатилган. Белгиларнинг олтинчисиди “диний маросимларда хизмат кўрсатишдан олинадиган даромади учун қулоқ қилинсин”, – деб ёзиб қўйилган. Колхозлардан ҳайдаш, сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш каби омиллар билан бирга ўз уйида таъқиқ қилинган китобларни сақлаётганлиги, уларни тарғиб қилганлиги, қўлёмаларни яширганлиги, маслакдошларига берганлиги, арабча ёзувни ўргатганлиги учун ўқимишли уламолар қонун идоралари олдида жавобгарликка тортилиб, турли-туман жазо чоралари қўлланилган. Диний уламоларнинг кадр-қиммати, шаъни ва ор-номуси оёқ ости қилиниб, улар ҳуқуқ-тартибот идораларига олиб бориш, милиция ходимлари томонидан бостириб кириб тинтув ўтказиш, қуролланган навкарлар орқали босим ўтказиш, дўқ-пўписа йўли билан кўрkitиш каби усуллар орқали амалга оширилган. Қаттиқ таъқиқ остига олинган уламоларнинг бир қисми ўз оилалари билан хорижий мамлакатларга чиқиб кетганлиги, уларга оддий халқ вакилларининг ҳам эргашганлиги билан боғлиқ маълумотларни кўплаб келтириш мумкин. Бу

¹⁸¹ Шамсутдинов Р. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун. – Т.: Шарқ, 2003. – 237–238-бетлар.

¹⁸² Шамсутдинов Р. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари. – Т., 2003. 91-бет.

борада тарихчи олимлар Қ. Ражабов, Р.Шамсутдинов ва Ш.Ҳайитовларнинг илмий тадқиқотларида бой маълумотлар келтирилган.¹⁸³

Ватандан маҳрум бўлган, қаттиқ режим ва комендантлик назорати остида яшаб турган сургундаги “қулоқлар”га, диндор ва уламоларга никоҳ тўйи, хатна маросими, Рўза ва Қурбон ҳайитини байрам қилиш, хатми Қуръон, аза маросимларини ўтказиш қатъий таъқиқлаб қўйилди. Бундай удумлар мутлақо махфий ҳолда, ярим тунда, бир хонадонда 6–7 киши иштирокида уюштирилган. Хатна қилиш учун кўплаб болаларни тўплаб, бир кечада уста томонидан амалга оширилган. Кўчиндиларнинг, хусусан, ўзбек уламоларининг ушбу одатларни ўтказганлиги маълум бўлса, жавобгарликка тортиш воситаси қўлланилди. Барча қулоқлар сингари диндор ва уламолар мажбуран кўчирилган узоқ ўлкаларнинг аҳоли марказларида 1930–1940 йилларда қайта-қайта жазога тортилди.

Хуллас, XX аср 20-йилларининг иккинчи ярми ва 30-йилларда диний уламолар “босмачилик”ка кўмаклашгани, уларни яширгани, аксилинқилобий ҳаракатларда иштирок этгани, совет ҳокимиятига қарши тарғибот юритгани, колхозлар тузишга қарши чиққани, қўпоровчилик қилгани, диний маросимда қатнашиб солиқ тўламагани, яширин ташкилотларда иштирокчилиги, диний маросимларни бошқаргани кабилар рўқач қилиниб, қатагонлик гирдобига тортилди.

Диний уламоларнинг бир қисми юқорида таъкидланган даврда отувга ҳукм қилинди, яна бир қисми узоқ ўлкаларга қулоқ сифатида сургун қилиб

¹⁸³ Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. Т.: Маънавият, 2002; Шамсутдинов Р. Қишлоқ фожеси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун. – Т.: Шарқ, 2003. – 237, 238, 239, 240, 242-б.; Ҳайитов Ш. ва б. Хориждаги ўзбеклар. – Тошкент: Фан, 1992.; Шу муаллиф. Ватан дея ватансиз қолганлар қисмати. Бухоро, 2005.; Шу муаллиф. Ватанжудоликнинг мунгли тарихи. Бухоро.: “Бухоро” нашриёти, 2005.

юборилди, анча қисми эса вазият тақозосига кўра ўз оилалари билан хорижга чиқиб кетишга мажбур бўлди.

Совет хокимиятининг диний уламоларга ноинсоний, зўравонликка асосланган сиёсати туфайли республикада ислом илми ва маънавиятидан мукаммал хабардор бўлган уламолар бутунлай йўқотилиб, уларнинг ўрнига кўркўрона ижрочилар, диний илмдан юзаки хабардор бўлган шахслар диний муассасалар раҳбарлигини эгаллашди. Бундай кимсалар расмангина ўз вазифаларини бажариб, юқоридан берилган буйруқларнинг ижрочиси эдилар, холос. Диний уламоларни қатағон қилиш жараёнида маънавий қадриятларимиз оёқ ости қилинди. Уламолар томонидан сақланиб келинган диний ва дунёвий илмлар ҳамда юртимиз ўтмишидан хабар берувчи нодир қўлёзмалар мусодара қилинди ёки йўқотиб юборилди.

III БОБ.

СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ДИНИЙ СИЁСАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР (1941–1950 йиллар)

3.1. ЎРТА ОСИЁ ВА ҚОЗОҒИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ДИНИЙ БОШҚАРМАСИНИНГ ТАШКИЛ ҚИЛИНИШИ ВА ДАСТЛАБКИ ЙИЛЛАРДАГИ ФАОЛИЯТИ

СССРда яшовчи халқлар ва миллатлар тарихида фожиали оқибатларга сабаб бўлган, олти йилдан ортиқ давом этган Иккинчи жаҳон уруши ҳукуматнинг ички сиёсати, жумладан диний сиёсатнинг ҳам ўзгаришига ўз таъсирини ўтказди. XX аср 20–30-йилларида диний муассаса, ташкилотлар зўравонлик билан тугатилган, дин арбоблари эса қатағон ва кирғинга учраган эди.

Совет-герман frontiда ҳарбий ҳаракатлар бошланган дастлабки йилларда ҳам даҳрийлик сиёсати давом этди. Фарғона вилояти партия комитетининг пойтахт Тошкентга йўллаган докладидида 1941 йилнинг биринчи ярмида динга қарши 17 та маъруза ўқилганлиги, ушбу маърузаларни 1461 киши тинглаганлиги қайд қилинган.¹⁸⁴ Қурбон ҳайити ва Рўза ҳайити билан боглик диний байрамларга қарши йўналтирилган тадбирлар, Рўзанинг диний моҳиятини очувчи маърузаларни ўқиш давом этаётганлиги ҳам ахборотларда қайта-қайта хабар қилинади.¹⁸⁵ Масжидларнинг имомлари ва диндорлардан 1941 йилда ҳамон солиқ олинарди. «1941 йил Қўқондаги 138 масжиддан 18 таси мусулмонлар хизматида бўлиб, 16 имомга солиқ солинганлиги»¹⁸⁶ ҳақида архив ҳужжатида хабар қилинган. Шу билан бирга ушбу йилда «Курашчан худосизлар» уюшмасининг ячейкалари, ташкилот аъзолари сафи ҳам ўсиб борган. Агар Фарғона вилояти бўйича 1941 йилнинг 1-кварталида 413 та худосизлар ячейкаси ишлаб турган бўлса, 2-кварталда 530 тага етиб,

¹⁸⁴ЎзРПДА ФВБ, 1-фонд, 6-рўйхат, 82-иш, 8-варақ.

¹⁸⁵Ўша жойда. 8-варақ.

¹⁸⁶Ўша жойда. 86-варақ.

улар сони 117 тага кўпайган. Уюшма аъзолари эса 9623 тадан 12298 тага кўпайиб, миқдорий ўсиш 2675 кишини ташкил этган.¹⁸⁷

Бирок урушнинг дастлабки йилларидаги СССРнинг муваффақиятсизликлари, ҳарбий фронтлардаги мағлубиятлар ва сон-саноксиз инсон ва техника ресурсларидаги йўқотишлар ҳукуматни ҳарбий шароитда эҳтиёткорлик билан ички сиёсат юритишга мажбур қилди. Уруш шароитида совет давлатининг раҳбарлари ватанпарварлик туйғуларини турли миллат ва элатлар орасида кучайтириш воситаси сифатида диний эътиқод туйғуларининг ҳам муҳим омил бўла олишини кўзда тутганди.

«Халқлар отаси» И.В.Сталин СССР Қуролли кучлар Олий Бош қўмондони, Давлат Мудофаа Қўмитаси раиси сифатида 1941 йил 3 июлда, яъни урушнинг дастлабки кунларида радио орқали ва 1941 йил 6 ноябрда митингда сўзлаган нутқида ҳам диний муассасалар, руҳоний ва диндорлар ҳақида сукут сақлади. Мазкур нутқларда барча халқларни ҳукумат ва партия атрофида бирлашишга, совет давлатини ҳимоя қилишга, миллий-маданий бойликларни асраб қолиш ва социализм мудофаасига даъват қилган эди. Уруш бошланиши билан айрим ҳарбий қисмларда атеистик маъруза ва суҳбатлар уюштирилганлигини ҳисобга олмаган ҳолда қайд қилиш мумкинки, динга қарши оммавий кураш бироз бўлса-да пасайган эди. 1941 йил июль ойидан бошлаб «Безбожник» журнали ва унинг турли республикаларда ҳар хил номларда чоп этиладиган ва унга ўхшаш барча журналлар нашри тўхтатилди. Таъкидлаш жоизки, 1941–1945 йилларда мудофаа характерида бўлмаган тинчлик даврида чоп этилиб турган бир қатор матбуот органлари ҳам вақтинча ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган эди.

Уруш йилларида барча миллат ва элатлардан эркак аҳоли фронтларга сафарбар қилинди, фронт ортидагилар

¹⁸⁷ЎЗР ПДА ФВБ, 1-фонд, 6-рўйхат, 82-иш, 10-варақ.

эса уруш эҳтиёжлари учун кечаю кундуз тинимсиз меҳнат қилиб, толганлари ва бор-будларини жангчиларга юбориб турди. Тарихий давр шуни тақозо қилар эдики, жамият аъзолари ўртасида синфий душманлик ва дискриминация сиёсатини давом эттириш фақат зарарли бўлар эди холос.

XX аср 30-йилларидаги катагонлардан омон қолган СССРнинг душман истило қилган худудларидаги кўпгина руҳонийлар ва черков хизматчилари Ульяновск шаҳрига кўчирилган эди. Иккинчи жаҳон урушида туб бурилиш даврини бошлаб берган Сталинград ва Курск ёнида қозонилган ғалабалар Совет Иттифоқи фашизмга қарши урушни ғалаба билан якунлашини намоён қилиб қўйди.

И.В.Сталин ғарбдаги иттифокчилар (АҚШ ва Англия) кўнглини тинчителиш ва ташқи дунёда демократия учун курашувчи давлат бўлиб кўриниш мақсадида 1943 йил майда Коммунистик Интернационални тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган, виждон эркинлиги, диний маросим ва ибодатларга тўсиқларни олиб ташлашига тўғри келган эди. Аслида эса проваслав черковлари, мусулмон ўлкаларда масжид ва мадрасаларнинг бу даврда фаолиятини қайта бошлаши, уруш йилларида ўз оталари, эрлари, ўғиллари кабилардан ажралган миллионлаб инсонларнинг хоҳиш-иродаси туфайли рўй берган эди.

1943 йилнинг 4 сентябрида И.В.Сталин ва унинг ўринбосари В.М.Молотов рус черковининг метрополитлари Сергей, Алексей ва Николайлар билан учрашиб, узок давом этган суҳбатда рус черковининг низоми, тартиб-қоидаларини ишлаб чиқишга руҳсат берган эди. Ушбу учрашув жараёнида бутун мамлакатда бор-йўғи 19 та епископ, 3 та митрополит қолганлиги аниқ бўлди.¹⁸⁸

Уруш йилларида совет давлатининг аслаҳахоналаридан бирига айланган, фронтни моддий эҳтиёжлар

¹⁸⁸ Алесеев В. А. Иллюзии и догмы. М., 1991. – С. 345, 346.

билан таъминлаган Ўзбекистон ССР ҳудудида ҳам муслмон дини ва диндорларнинг таъқиби тўхтатилиб, «Худосизлар» журнали, «Худосизлар» уюшмаси каби нашр ва муассасалар фаолиятига чек қўйилди.

Лекин масжид ва мадрасалар, хонақоҳ ва қорихоналар XX асрнинг 20–30-йиллари давомида олиб борилган шафқатсиз дахрийлик сиёсати натижасида маданий-оқартув муассасаларига, касалхона, омбор, ётоқхона, артель, «Қизил чойхона», «отхона», «пивахона», «камоқхона»ларга айлантирилган эди. Биргина Қорақалпоғистоннинг Чимбой шаҳри ва туманларида 7 та намозхона биноси бўлиб, ушбу бинолар болалар боғчаси, касалхона, дон тайёрлаш пункти, талабалар ётоқхонаси кабиларга айлантирилган эди. Кўнгирот туманидаги 2 та масжид биноси вайрона ҳолатида, 3 та намозхона биносидан 2 таси дон сақлаш омбори, 1 таси камоқхона эҳтиёжи учун ажратилган. Хўжайли туманида эса 11 та масжиднинг барчаси болалар боғчаси, кўзи ожизлар ётоқхонаси, дон, ёғ сақлаш омбори, озиқ-овқат комбинати, колхозчилар уйи, кутубхона ва инвалидлар артели ҳисобига берилган. 1943 йил 1 январига қадар маданий-оқартув ташкилотлари таянчи бўлган клубларнинг асосий қисми ҳам колхозларда масжид ва қорихона биноларида фаолият юритар эди.

1943 йил 1 январда Ўзбекистон ССР Маориф халқ вазирилиги ва колхозларга қаршли клуб муассасалари аҳволи тўғрисидаги йиллик ҳисоботда бу ўзини яққол ифодасини топган.¹⁸⁹

16-жадвал

1942 йилда Ўзбекистон ССРдаги клуб муассасалари, тўғарақлар ва уларда машғул бўлганлар сони

№	Клуб муассасаларининг турлари	Клуб муассасалари сони	Дахрийлик билан машғул бўлганлар	Кружоклар сони
1.	Уқув зали	242	228	46
2.	Қизил чойхона	543	—	5

¹⁸⁹ ЎЗР МДА, Р94-фонд, 5-руйхат, 4385-иш, 19-варак.

3.	Қишлоқ совети клуби	68	-	7
4.	Туманлар маданият уйлари	62	257	135
5.	Туманлардаги клублар	46	934	106
6.	Пионерлар уйи	12	19	60
7.	Давлат бюджети ҳисобида турувчи бошқа типдаги клублар	12	17	18
8.	Колхоз клублари	298	43	367

Жадвалдан шу нарса маълум бўладики, ушбу йилларга келиб клуб муассасалари миқдори аввалгидан кам бўлса-да, динга қарши машғул бўлган лекторлар сони хали ҳам салмоқли эди.

Динга эътиқод қилувчи аҳолининг Иккинчи жаҳон уруши тарихий омили туфайли фаоллиги ошди. Совет ҳукумати ўзи учун оғир синовлар даврида жамиятнинг барча аъзоларини фашизм устидан ғалаба қилишга сафарбар этиш мақсадида диний омилни ҳисобга олди. Юқоридаги омиллардан келиб чиқиб диндор аҳолини бирлаштирувчи диний муассаса ва ташкилотлар тузиш ҳуқуқи қайта тикланди.

Ўрта Осиё мусулмонларининг диний марказини тузиш таклифи билан 1943 йилда шайх Эшон Бобоҳон ибн Абдулмажидхон Ўзбекистон ССР Олий Совети раиси номига бир неча бор ёзма мурожаат қилган эди. Ниҳоят, 1943 йилнинг 31 июлида СССР Олий Совети Президиумининг қарори билан Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари фаолиятини бошқарувчи марказ ролини бажарадиган махсус идора тузишга руҳсат берилди.¹⁹⁰

Марказ қароридан сўнг диний бошқарма тузилмасини ишлаб чиқиш учун Ўрта Осиёдаги беш республиканинг кўзга кўринган диний уламоларидан махсус таркиб тузилди. 1943 йил сентябрда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари маслаҳат кенгашига Россия Европа қисми ва Сибирь мусулмонлари диний бошқармаси раиси шайх

¹⁹⁰ ЎзР МДА, 2456-фонд, 1-рўйхат, 5-иш, 38-варак.

Абдурахмон Расулий ва Москва мусулмонлари бош масжиди имом-хатиби шайх Қиёмиддин ал-Қодирийлар таклиф қилинди. Йигилиш аъзолари Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон бошчилигидаги таъсис кенгаши таркибини тасдиқлайди ва диний марказ фаолиятига тааллуқли таклиф, мулоҳазаларни тинглаб, қарор қабул қилади. Бир қанча вазифалар илгари сурилиб, 1943 йилнинг октябрь ойида Тошкентда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонларининг биринчи съездини чақиришга келишиб олинди.

1943 йил 20 октябрда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасининг I таъсис съезди чақирилди. Съездга 160 та делегатлар таклиф этилади ва очилиш маросимида Усмон Қуръони олиб келиниб, тиловат ўқилади. Тошкентда иш бошлаган съезд қатнашчилари диния бошқарма уставини тасдиқлайди, бошқарма ҳайъати аъзоларини келишилган ҳолда ҳар бир республикадан биттадан номзод беш йил муддатга сайлаб олинади.¹⁹¹

Шу тариқа Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси (САДУМ) ташкил топганлиги ва фаолияти бошланганлиги расман эълон қилинади.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси ўзининг I съездида диндорларга ва Ўрта Осиёдаги барча мусулмон аҳлига мурожаат қилиб, Совет Иттифоқида яшовчи бошқа миллат ва элатлар қатори фашистларга қарши дин аҳлларини эътиқод ва дин поклиги учун ҳам курашга даъват қилади.¹⁹²

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари, катагонлар гирдобидан омон қолган диндорлар ва дин пешволари уруш эҳтиёжлари учун кийим-кечак, озиқ-овқат, пул тўплаш каби оммавий кампанияларда иштирок этдилар.

«Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари урушнинг дастлабки йилларида танк колоннаси қуриш ва қизил

¹⁹¹ Бобохонов Ш. Муфти Зияуддинхан ибн Эшон Бабахон: жизнь и деятельность –Т.:Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 1999. – С.23, 271, 272.

¹⁹² Ўша асар. 24, 256-бетлар.

армия аскарлари оилаларига ёрдам учун 2 миллион сўм микдорида пул маблағи тўпладилар, ушбу фаолиятлари ҳақида Давлат Мудофаа Қўмитаси раиси И.В.Сталинга мактуб йўлланди»¹⁹³.

1944 йилда Ўзбекистон ССР ташкил топганлигининг 20 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон танк колоннаси ва эскадриyasi куриш учун 260 минг сўм пул тўпланди.¹⁹⁴

Ўша йили Ўрта Осиё ва Қозоғистон диндорлар ва мусулмонлари ўзларининг шахсий жамғармаларидан Ватан мудофаа фондига 280 минг сўмлик ихтиёрий хайрия қилдилар. 4 миллион 117 минг сўмлик облигация (заём) қозғазлари сотиб олинди, 63 тонна бугдой, 90 минг бош қорамол фронт эҳтиёжлари учун тўпланди, 490 минг сўмлик буюмлар фронтдагиларнинг оилаларига ёрдам фонди ҳисобига ўтказилган.¹⁹⁵

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлар диния бошқармасида бош кози ва масъул котиб бўлиб ишлаган Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон фронт учун хайриялар йиғиш, жангчилар ва урушда ҳалок бўлган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ишининг ташкилотчиси бўлди. У Ўрта Осиё Республикаларидаги масжидларда бўлиб барча мусулмонларни фашизмга қарши курашда бир тан, бир жон бўлишликка, мардлик ва қаҳрамонликка ундовчи даъватлар билан чиқди.¹⁹⁶

И.В.Сталин ҳам Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси муфтийси Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхонга йўллаган мактубида: «Ўрта Осиё ва Қозоғистон диний уламолари ҳамда барча мусулмонлардан СССР мудофаа фонди учун тўпланган маблағ, дон, қорамол ва кийим-кечаклар учун

¹⁹³ ЎЗР МДА, 2456-фонд, 1-рўйхат, 55-иш, 44-варак.

¹⁹⁴ Ўша жойда, 10-варак.

¹⁹⁵ ЎЗР МДА, 2456-фонд, 1-рўйхат, 55-иш, 11-варак.

¹⁹⁶ *Бабаханов Ш.* Муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бабахон: жизнь и деятельность. Т., 1999. С. 25.

кизил армия кўшинлари номидан мамнуният билдириб, миннатдорчилик изҳор этади».¹⁹⁷

Қизил армиянинг 27 йиллигига (1918–1945 йй.) ихтиёрий хайрия тўплаш кампаниясида ҳам диндорлар ва мусулмон аҳли фаол иштирок қилади. 1944–1945 йилларда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасининг Қорақалпоғистон АССРда истиқомат қилувчи вакилларида бири Сайман Камолиддин Эшон ташаббуси билан мусулмон аҳолидан 31.882 сўм тўпланиб, давлат банкига ўтказилган. Ушбу маблағнинг 27.882 сўми танк колоннаси куриш учун берилган. 1945 йилда Қорақалпоғистондаги динга эътиқод қилувчи фуқаролар 13.000 сўм маблағ тўплаб, ушбу маблағнинг 3000 сўми Чимбой (ўша йилларда Қорақалпоғистон АССР пойтахти) шаҳридаги масжидларни таъмирлаш ва янгиларини куришга сарфланди, 10 минг сўми эса давлат банкига ўтказилиб, фронтдаги аскарлар оилаларига ёрдам сифатида сарф қилинган.¹⁹⁸

Республиканинг барча вилоят ва туманларидан омма орасида юқори обрўга эга бўлган дин уламолари ўзларининг шахсий жамғармаларидан фронт эҳтиёжлари учун маблағ ажратиш кампаниясига ихтиёрий равишда кўшиладилар, ушбу хайрли тадбирда қатнашиш учун ўзлари истиқомат қилаётган вилоят, туман, кишлокларда ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб бордилар.

Наманган шаҳар мусулмон аҳли, диния назорат бошлиғи Исмоил қори ташаббуси билан хайит кунлари йиғилган ва хайрия инъомлари фитрдан тушган 38.761 сўмни урушда ҳалок бўлган ночор оилаларга бериш ҳақида қарор қабул қилишган ва Наманган шаҳар Совети қошидаги давлат ёрдам кассасига топширганлар.¹⁹⁹

1944 йил 14 октябрда Наманган вилояти Ижроия кўмитаси қошидаги диний ишлар кенгаши раиси А.М.Мусахоновнинг Ўзбекистон ССР Халқ

¹⁹⁷ ЎЗР МДА, 2456-фонд, 1-рўйхат, 55-иш, 45-варақ.

¹⁹⁸ ЎЗР МДА, 2456-фонд, 1-рўйхат, 5-иш, 34–35-варақлар.

¹⁹⁹ ЎЗР МДА, 2456-фонд, 1-рўйхат, 4-иш, 9-варақ.

Комиссарлари Совети қошидаги диний ишлар бўлими иш юритувчиси К.Т.Мустафинга берган ҳисоботида: 1944 йил 25 сентябрга қадар Наманган шаҳри диний уламо ва мусулмонлари 160083-рақамли фронтга ёрдам кассасига жами 88. 761 сўм пул топширганлигини маълум қилади, дейилган²⁰⁰

Самарқанд вилоятининг рухонийлари ва барча мусулмон аҳолиси, фронтда ҳалок бўлган ва ногирон бўлиб қайтган ночор оилаларга ёрдам фонди учун (1941–1944 йй.) маблағ тўплаб топширдилар. Ушбу хайрли тадбирлар ҳақида Совет ҳукумати раҳбари (И.В.Сталин) номига мактуб йўллаб, ундан «фронтдаги жангчиларнинг оилалари учун ёрдам фондига 132 минг сўм тўплаган Самарқанд вилояти рухонийлари ва мусулмонларига менинг саломим ва ташаккуримни етказишингизни сўрайман»,²⁰¹ деган мазмунда жавоб олдилар.

Юқоридаги мисоллардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, 1941–1945 йиллар мобайнида мусулмон диндор ва рухонийлари урушга қадар совет ҳокимиятининг дин ва диндорларга нисбатан ваҳшиёна сиёсат юритишига қарамай, Германия фашизми устидан қозонилган ғалабада ўзларининг маънавий ва моддий имкониятларини адоват сақламасдан тўла сафарбар қилдилар.

СССР ХКС қошидаги Диний ишлар кенгашининг Ўзбекистон ССРдаги вакили томонидан Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси фаолияти устидан қатъий назорат қилиб борилган. СССР ХКСнинг 1944 йил 20 майда 628-рақами билан чиқарган қарорига мувофиқ, ҳамда Ўзбекистон ССР ХКСнинг 1944 йил 9 августдаги 919-рақамли қарорига асосан, барча вилоят ижроқўмлари ва Қорақалпоғистон АССР ХКС қошида диний ишлар кенгаши вакиллиги жорий қилинди. 1944 йил 30 августда Диний ишлар кенгашининг

²⁰⁰ ЎЗР МДА, 2456-фонд, 1-руйхат, 5-иш, 11-варак.

²⁰¹ Ўша жойда, 48-варак; Ленин йўли, 1944, 17 декабрь.

Ўзбекистон ССРдаги вакили томонидан 34-рақамли вилоят ижрокўмларига йўлланган махфий мактубида айтилишича, «диний ишлар кенгашининг вилоятлардаги вакиллари ўз худудидида мусулмон, яҳудий, насроний, будда динларига ҳамда арман, григорян, эски мазҳаблар, грек-католик черковлари, сектант ташкилотларига доир бўлган қонун ва қарорларни ўз вақтида назорат қилиб боради».²⁰²

Диний кенгашининг вакили жойларда вилоят ижрокўмининг бўлим мудирлари лавозимига тенглаштирилиб, уларга юқори миқдорда ойлик маоши белгилаш учун Ўзбекистон ССР Молия халқ комиссарлигига алоҳида топшириқ берилган.

Мазкур махфий мактубда Қорақалпоғистон АССР-даги масъул дин вакилининг маоши 1000 сўм, вилоятлардаги вакилларнинг маоши эса 900 сўм, машинистка учун 300 сўм миқдоридида иш ҳақи белгиланган. Уларга вилоят Ижроия Кўмитаси биносидан 2 та алоҳида хона ажратилишига кўрсатма берилган.²⁰³ Бироқ уруш шароитида бу кўрсатмаларга ҳамма жойда ҳам амал қилинмаган.

Диния кенгашининг вилоят вакиллари лавозимига танланган номзод қатъий текширилиб, унинг аввало, Коммунистик партия ва Совет давлатига садоқатини синовдан ўтказиб ишга қабул қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Вилоятларда ушбу кўрсатмага риоя қилмаган совет раҳбарларига қатъий чора-тадбирлар кўриш белгиланади.

Қорақалпоғистон АССР диний ишлар кенгаши вакили Алланиёзовнинг 1945 йил апрелида ёзган махфий ҳисоботида қуйидаги мулоҳазалар мавжуд: «Мен 1944 йилнинг ноябрида ишга киришдим, лекин ҳанузгача хизмат хонасига эга эмасман, бу масала менинг томонимдан Қорақалпоғистон АССР Халқ Комиссарлари

²⁰² ЎзР МДА, 2456-фонд, 1-руйхат, 2-иш, 2-варак.

²⁰³ Уша жойда, 2-варак.

Советининг раиси Сейитов олдига кўйилишига қарамай, у ҳукумат биносидан 2 та хона ажратилишини инкор қилди, шаҳар Совети биносидан ташқарида хона ажратишини буюрди. Лекин шаҳар Совети ҳам бизга алоҳида хона ажратмади. Бу ҳақда мен Қорақалпоғистон АССР ХКС раисига бир неча марта мурожаат қилдим. Хизматчи, қоровул, ҳисобчи йўқ, таркиб аниқланмаган, барча ишларни бир ўзим бажариб келмоқдаман. Бир сўз билан айтганда ишлаш имконияти мавжуд эмас. Юқори ташкилот ва идораларнинг хизмат таклифи билан 60 километр узоқликдаги Чимбой шаҳрига қатнашга, чекка туманларга бориб келишга тўғри келмоқда. Келажакда бундай шароитда ишлаб бўлмайди».²⁰⁴

Вилоят диний кенгашининг имкониятлари Марказда эътиборга олиниб, мумкин қадар уларга етарли шарт-шароитлар яратилган. 1944 йилдан бошлаб, Ўзбекистон ССРнинг кўплаб фуқаролари диний эътиқод, виждон эркинлигининг берилишидан фойдаланиб, масжид ва намозхона биноларини қайта очишни ҳамда Макка ва Мадина шаҳарларига ҳаж сафари учун боришга рухсат берилишини сўраб ариза, илтимосномалар билан мурожаат қилиб чиқа бошладилар. Аризалар Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасига, Ўзбекистон ССР ХКС қошидаги диний ишлар кенгашига ҳамда бевосита марказий идораларга келиб тушган.

Архив ҳужжатларида 1943–1945 йиллар давомида вилоятлардаги ҳамда Республика диний кенгаш вакили номига эски масжидларни бўшатиб бериш, қайта таъмирлашга рухсат бериш ҳамда янги масжидлар очишга рухсатнома олиш билан боғлиқ кўплаб жамоатчилик аризалари тушганлиги ҳақида маълумот берилади.

1945 йилнинг биринчи кварталда Қорақалпоғистон АССРнинг Кўнғирот туманидан 41 киши имзолаган

²⁰⁴ ЎзР МДА, 2456-фонд, 1-рўйхат, 5-иш, 36-варак.

диний маросимларни ўтказиш учун масжид биносига жой ажратиш билан боғлиқ ариза тушган.²⁰⁵

Хоразм вилоятининг Хива шаҳрида жойлашган, асосан 1925–1926, 1927–1928 йилларда ёпилган Ок масжид, Масжиди Калон, Саидбой, Кушбеги, Абдулбобо, Каптархона, Нуруллобой, Даршахбозбобо, Мамадмахрам каби масжид ва намозхона биноларини тиклаш ва диний маросимларни у ерларда ўтказиш билан боғлиқ 450–500, 600 ва 1000 нафар фуқаролар номидан ариза ва мурожаатлар қилинган.²⁰⁶

Баъзи жойларда мусулмон аҳолининг ҳеч қандай расмий идоралар рухсатисиз, ўз ташаббуслари билан бир қатор масжидлар таъмирланиб, қайта тикланган ва ибодат жойларига айлантирилган.

1944 йил охири ва 1945 йил бошларида Тошкентда 26 та, Андижонда 41 та, Наманганда 31 та, Сурхондарёда 10 та, жами бўлиб 108 та масжид исломга эътиқод килувчилар томонидан ҳукумат рухсатисиз қурилган ва таъмирланган.²⁰⁷

Бухоро вилоятида мазкур йилда ҳукуматдан рухсат олган 7 та мусулмон масжиди ва 1 та евангельский христиан черкови, 1 та яҳудийлар синагоги бўлган. Бу диний муассасалар фаолиятига расмий рухсат берилган эди.²⁰⁸

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасининг ташкил топиши мусулмон аҳоли руҳиятини кўтарди. Шунинг учун маҳаллий халқ вакиллари диний кадриятларни тиклаш умидида бир қатор аризаларни ушбу идора манзилгоҳига ҳам йўллаган.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси 1945 йил ҳисоботида, «Мусулмонлардан

²⁰⁵ЎзР МДА, 2456-фонд, 1-рўйхат, 5-иш, 35-варак.

²⁰⁶ЎзР МДА, 2456-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 13–14-вараклар.

²⁰⁷ЎзР МДА, 2456-фонд, 1-рўйхат, 5-иш, 44-варак.

²⁰⁸ Бухоро вилояти давлат архиви (Бухоро ВДА), 1206-фонд, 2-рўйхат, 29-иш, 105-варак.

Бошқармамизга масжид очишни сўраб 93 та жамоатчилик аризалари тушди, биз уларнинг аризаларининг ҳаммасини ижобий қондиrolмадик, чунки аризаларга тегишли жавобни Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлар Совети рухсатидан кейингина бир қарорга келинар эди»²⁰⁹, дейилган.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси ўз фаолиятини юритиш жараёнида минтақадаги барча уламолар ва диний муассасаларни мувофиқлаштирувчи марказ сифатидаги вазифасини тўла уддалай олмаган.

Тарихий ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасининг рухсатсиз жойларда масжид ва мадрасалар очилаётганлиги, айрим диний муассасаларга имом-хатиблар халқ томонидан ўзбошимчалик билан сайланаётганлиги қайд қилинади. Архив ҳужжатларидан бирида, яъни Ўзбекистон ССР диний ишлар кенгаши вакили И. Ибодиновнинг 1946 йилнинг ёзида СССР Министрлар Совети қошидаги Диний ишлар кенгаши раиси И.В.Полянскийга йўллаган махфий мактуби бу масаладаги фикрни тасдиқлайди. Мазкур мактубда масжид, қабристонларни очиш, уларга имом ва муллаларни тайинлаш Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси қарори билангина амалга оширилиши қайд қилинган. Шунга қарамай Қирғизистон ССР бош қозиси Ш. Холиқназаров республикада масжидлар қуриш, уларни очиш ҳамда янги очилган масжидларга имомлар тайинлашни ўзбошимчалик билан ҳал қилган. Қирғизистоннинг Ўш шаҳридаги ҳазрати Тахти Сулаймон зиёратгоҳини очиш ҳамда Абдуллахон ибн Искандарий Работ масжидини таъмирлаб ишга тушириш учун расмий рухсатсиз, халқдан 85 000 сўм пул тўпланганлиги ҳақидаги маълумотдан билиб олса бўлади.²¹⁰

²⁰⁹ ЎзР МДА, 2456-фонд, 1-руйхат, 3-иш, 4-варақ.

²¹⁰ ЎзР МДА, 2456-фонд, 1-руйхат, 8-иш, 8-14-варақлар.

1945–1946 йилларда Ўзбекистон ССР вилоятларида фаолият кўрсатган, қонуний рўйхатдан ўтган масжидларнинг сони бир қадар ошиб борган.²¹¹

17-жадвал

1945–1946 йилларда Ўзбекистон ССР вилоятларида масжидлар сонининг ўсиб бориши

№	Республика вилоятлари номи	1945 йилда рўйхатдан ўтган масжидлар	1946 йилда рўйхатдан ўтган масжидлар
1.	Фаргона	3	6
2.	Андижон	4	5
3.	Наманган	1	4
4.	Сурхондарё	1	-
5.	Қашқадарё	3	4
6.	Бухоро	1	5
7.	Самарқанд	1	1
8.	Хоразм	2	5
9.	Қорақалпоғистон АССР	3	-
Жами		19	30

Юқоридаги жадвалдан 1945 йилда 19 та, 1946 йилда 30 та масжид расман рўйхатдан ўтганлиги маълум бўлади. Ҳолбуки, бу пайтда юзлаб диний муассасалар Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасининг рухсатисиз фаолият юрита бошлаган эди.

Юқоридаги ҳолат Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистоннинг кўпгина худудларида рўй бераётганлиги А. Ибодов ва бошқа мутасадди вакилларнинг ҳисобот ҳамда билдиришларида қайта-қайта такрорланади. 1945–1946 йилларда Ўзбекистонда жами 108 та масжидлар Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси қарорисиз тикланганлиги ва

²¹¹ ЎзР МДА, 2456-фонд, 1-рўйхат, 109-иш, 18-варак.

фаолият кўрсатаётганлиги қайд этилади. Марказдан юборилган жавоб мактубларида, тавсияларда бундай ҳаракатларни кескин чоралар қўллаш орқали бартараф этиш кўрсатилган.²¹²

Республикада қонуний ва ноқонуний йўллар билан фаолият кўрсата бошлаган масжид бинолари худосизлик учун кураш ва совет ҳокимиятининг узоқ давом этган даҳрийлик сиёсати оқибатида бошқа мақсадларда фойдаланилган масжид бинолари ҳисобидан кўпайиб борган, бироқ диний муассасаларнинг, айниқса масжидларнинг кўп қисми 1947 йилгача ҳам тикланган эмас эди. Чунки улар асосан омборхона, отхона, болалар уйи, аҳоли яшаш жойлари ва бошқа мақсадларда банд қилиниб, бўш ётган масжидлар ҳам анчагинани ташкил этар эди. Ушбу фикрлар исботини 1947 йилнинг 1 январига қадар фаолияти тўхтатилган Наманган ва Қашқадарё вилоятларидаги масжидлар ҳолати айниқса аянчли бўлганлигида кўриш мумкин.²¹³

18-жадвал

1946 йилда Қашқадарё ва Наманган вилоятларидаги
масжидларнинг аҳволи

№	Вилоятлар	1917 йилгача масжидлар сони	Отхона, омборхона ва бошқа муассасалар жойланган масжидлар	Аҳолига яшаш учун берилган масжидлар сони	Бўш ётган масжидлар	Маданий муассасалар банд қылган масжидлар
1	Қашқадарё вилояти	202	121	-	61	20
2	Наманган вилояти	978	302	22	34	295
Жами		1180	423	22	95	315

Юқоридаги жадвал урушга қадар диний муассасаларга ваҳшийларча муносабатда бўлинган ҳолатни

²¹² ЎзР МДА, 2456-фонд, 1-рўйхат, 109-иш, 44-варақ.

²¹³ ЎзР МДА 2456-фонд, 1-рўйхат, 1,5-иш, 30-37-варақлар.

намоён қилади. Ўн йиллар давомида бўш қолган масжидларнинг кўп қисми тиклаб бўлмас даражага тушиб қолган ва ташландиқ жойларга айланган эди.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси ҳамда ҳукумат идораларига фуқаролар томонидан нафақат жойларда масжид, намозхона бинолари очишликка рухсат сўрабгина қолмасдан, балки мадраса таълимини йўлга қўйиш, муқаддас қадамжолар, маънавий, тарихий аҳамиятга эга бўлган мақбараларга зиёрат қилишлик учун ҳам рухсат берилишини сўраб, аризалар йўлладилар.

Ўзбекистон ССР ҳудудида жойлашган муқаддас қадамжолардан ҳисобланмиш Самарқанддаги Шоҳи Зинда, Бухородаги Хожа Баҳовуддин Нақшбанд мақбараси, Термиздаги Ҳаким Термизий, Қорақалпоғистон АССРдаги Султон Бобо мақбараларини зиёратгоҳга айлантиришни сўраб ўнлаб аризалар тушган.²¹⁴

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси Марказга йўллаган хатларида мусулмон аҳоли талабларини бажаришни сўраб бир неча бор мурожаат қилган. Диний бошқарманинг йўллаган ўнлаб мурожаат ва билдиришларида Ўрта Осиё қадимдан мутафаккир, исломшунос уламолар юрти эканлиги кайд қилиниб, Шоҳи Зинда ва Хожа Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳлари мусулмон дунёсидаги Афғонистон, Эрон, Туркия ва араб мамлакатларида ҳам қадрланиши, бу қадамжоларни ҳам таъмирлаб, зиёратгоҳларга айлантирилишини сўрайди.²¹⁵ Бу эса диний бошқарманинг аҳоли талабларидан келиб чиқиб иш кўраётганлиги, амалий жиҳатдан бу борада ижобий қадамлар қўя бошлаганлигидан далолат беради.

Бироқ худосизлик учун кураш оммавий тус олган даврда кўпгина қадамжолар вайрона ёки ярим вайрона ҳолатга тушиб қолган эди, уларни зиёратгоҳларга айлантириш учун моддий сарф-харажатлар талаб

²¹⁴ ЎЗР МДА, 2456-фонд, 1-рўйхат, 3-иш, 5-варақ.

²¹⁵ ЎЗР МДА, 2456-фонд, 1-рўйхат, 3-иш, 5-варақ.

килинарди. Мусулмон аҳолининг эҳтиёжи ва мурожаатлари ҳамда талаблари туфайли 1945–1947 йилларда Ўзбекистон ССР ҳукумати меъморий обидаларни, кадамжоларни тиклаш ва таъмирлаш учун давлат бюджетидан 1 млн. 800 минг сўм миқдорда маблағ ажратади. Таъмирлаш ишлари учун режалаштирилган диний муассасаларнинг 22 таси мадраса, хонақоҳ ва макбаралардан иборат бўлган.²¹⁶

Таъмирлаш ишлари олиб боришлик учун ажратилган маблағнинг вилоятлар бўйича тақсимоли қуйидагича бўлган: Самарқанд вилоятига 1 млн. сўм, Бухорога 500 минг сўм, Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳри обидаларига 100 минг сўм, Сурхондарё вилоятининг Жарқўргон минораси учун 50 минг сўм, Хоразм вилоятининг Хива шаҳрида жойлашган Ичанқалъа ва Дишанқалъа ёдгорликлари учун 50 минг сўм, Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳри марказида жойлашган Оксарой ёдгорлиги учун 50 минг сўм, Тошкент шаҳри ва вилояти ҳудудида жойлашган обидалар учун 150 минг сўм.²¹⁷

Ўзбекистон ССР ҳудудида жойлашган мингдан ортиқ диний муассаса бинолари, тарихий обидалар учун ажратилган маблағ етарли эмас эди. Маълумки, 1920–1940 йиллар давомида совет ҳокимиятининг даҳрийлик сиёсати оқибатлари туфайли йўқолиб кетиши мумкин бўлган республикадаги кўплаб обидаларни тиклаш учун астрономик суммадаги маблағ талаб қилинар эди. Ҳукуматнинг бу тадбири чекланган бўлиб, 1946–1950 йилларда, яъни беш йил давомида 2 млн. сўмлик миқдордаги харажатдан ошмади.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасининг фаолияти доирасида диний таълимни йўлга қўйиш учун аввал мавжуд бўлган диний билим юртларини очиш вазифаси ҳам турган. Бунга эса

²¹⁶ЎзР МДА, 837-фонд, 32-руйхат, 2448-иш, 15-варак; 7215-иш, 75-варак.

²¹⁷ЎзР МДА, 837-фонд, 32-руйхат, 2448-иш, 75-варак.

Марказдаги диний идораларнинг сўровлари ҳам туртки бўлган.

СССР ХКС қошидаги диний ишлар бўйича кенгаш раисининг ўринбосари К.Я.Путо диний билим юртларининг очилиши, фаолияти билан боглиқ аниқ маълумотларни сўраб, 1944 йилнинг октябрь ойида Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасига махсус саволномадан иборат хат билан мурожаат қилган. Унда:

1. Диний билим юртини очиш масаласи ким томонидан, қандай мақсад ва вазифалар илгари сурилган ҳолда кўйилди?

2. Ушбу муассасада қанча ўқувчи қабул қилиниши кўзда тутилмоқда?

3. Қандай дастур асосида ўқитиш ташкил этилади?

4. Ўқиш муддати ҳақида маълумот беринг.

5. Ўқиш учун бино ва ётоқхона мавжудми?²¹⁸ каби саволлар сўралиб, уларга аниқ жавоблар қайтариш талаб қилинади.

Диния Бошқарма раҳбарияти тез орада келгусидаги очиладиган диний таълим муассасалари ўқитиш режасини ишлаб чиқишга киришади.

1945 йилнинг март ойида Ўзбекистон ССР ХКС қарори асосида Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси раиси муфтий Эшон Бобоҳон ибн Абдулмажидхон бошчилигида ташкилий қўмита тузилади. Ушбу ташкилий қўмитанинг тавсиясидан сўнг орадан икки ой ўтиб, республиканинг Тошкент ва Бухоро шаҳарларида 2 та диний билим юрти очилади.

1945 йил 25 майда СССР ХКС қошидаги диний ишлар кенгашининг раиси И. В. Полянскийга ёзилган мактубда: “иш бошлайдиган диний билим юртларида Тошкентда – 30 ўқувчи, Бухорода – 60 ўқувчи, жами 90 ўқувчи қабул қилиниши” хабар қилинади. Хабарномада эндигина иш бошлайдиган билим юртларининг ўқув

²¹⁸ЎЗР МДА, 2456-фонд, 1-рўйхат, 55-иш, 44-варақ.

режаси, уларда ўқитиладиган фанлар ҳақида маълумот келтирилади.²¹⁹

Диний ўқув юртларида қуйидаги фанларни ўқитиш режалаштирилган:

1. Қуръони каримни ўрганиш қоидалари;
2. Қуръон тавсифи;
3. Ҳадис илми;
4. Ислом дини тарихи;
5. Фонетика, морфология, синтаксис;
6. Муҳаввартул араб (араб тили грамматикаси);
7. Ҳисоб (математика);
8. География;
9. Ҳуснихат;
10. Ўзбек тили грамматикаси;
11. Ўзбек адабиёти.

Юқорида рўйхати келтирилган фанлар орқали ўқувчиларга диний билим бериш билан бирга дунёвий билимларни ҳам ўргатиш кўзда тутилганлигини кўриш мумкин. Диний билим юртини битирган талабалардан табиий ва гуманитар фанлардан ҳам хабардор бўлиши эътиборга олинган. Ушбу мадрасаларда таҳсил олиш муддати 9 йил бўлиб, ўрта диний маълумот олувчилар эса 4 йилда ўқишни якунлаши режалаштирилган.²²⁰ Диний бошқарма ўқув бинолари учун диний билим юртларига азалдан Ўрта Осиёда илм марказлари бўлган Бухородаги Мир Араб, Тошкентдаги Кўкалдош мадрасалари бинолари бўшатиб берилди.²²¹

Мадраса талабаларининг таҳсил олишлари ва маиший эҳтиёжлари учун XVI асрдаёқ илмий марказ сифатида юқори рутбага эга бўлган Тошкентдаги Барокхон (у 26 хужра, мударрисхона ва масжиддан иборат) ва Бухородаги Чор Бакир мадрасаси (икки қа-

²¹⁹ЎЗР МДА, 2456-фонд, 1-рўйхат, 52-иш, 38-варақ.

²²⁰ЎЗР МДА, 2456-фонд, 1-рўйхат, 52-иш, 38-варақ.

²²¹ЎЗР МДА, 2456-фонд, 1-рўйхат, 52-иш, 39-варақ.

ватли бино, 21 хужра, 2 та катта масжиддан иборат) бинолари ҳам ўқув юртларига фойдаланиш учун берилди.

Янгитдан ўз фаолиятини бошлаган бу каби диний муассасаларда талабаларга илм бериш учун диния Бошқарма имкон қадар диний билимлардан хабардор бўлган, халқ орасида ҳурмат-эътибор қозонган уламо ва муаллимларни жалб этди. Улардан Эшонжон Маҳмудхўжа, Муҳиддин Маҳсум Мавлон, Муҳаммад Мажидхон Баҳодирхон, Хожи Акбархон Муҳиддин, Мулла Муҳаммад Аминжон Маҳсум ўғли, Шарифкори Латипов, Мулла Солиҳ домла Мирзаев, Акмалхон мударрис, филология фанлари профессори Абдурахмон Саъдий, Мулла Абдуқодир Муродий, Водуд Фахруддинов²²² кабиларнинг номзодлари мадраса мударрислигига лойиқ деб топилди. Ушбу уламолар Ўрта Осиё ва мусулмон дунёсида машҳур бўлган ҳамда мукамал диний билимга эга бўлган ўз даврининг билимдон кишилари эди.

Мадрасалар очишдан кўзланган асосий мақсад, Ўрта Осиё республикаларидаги диний муассасалар учун малакали, чуқур билимга эга бўлган уламолар етиштириш эди. Архив ҳужжатлари маълумотича, мадрасаларга 18 ёшга кирган, бошланғич диний илмлардан хабардор бўлган йигитлар қабул қилинган.

Тошкентдаги “Барокхон” ва Бухорода шаҳридаги “Мир Араб” мадрасаларида диний таълим олиши мумкин бўлган талабалар учун 1946–1950 йилларда ўқитиладиган диний ва дунёвий фанларнинг ўқув жараёнидаги умумий соатлари ҳажми алоҳида олинган фанлар бўйича қуйидагича тақсимланган:

1. Куръонни ўрганиш қоидалари – 128 соат;
2. Куръонни ифодали ўқиш – 608 соат;
3. Куръон тавсифи – 576 соат;
4. Ислом фикҳшунослиги – 704 соат;
5. Араб тили синтаксиси – 864 соат;
6. Ўзбек тили грамматикаси – 224 соат;

²²²ЎЗР МДА, 2456-фонд, 1-руйхат, 52-иш, 39-варак.

7. Рус тили	– 216 соат;
8. СССР тарихи	– 320 соат;
1 ҳафтада	– 259 соат;
1 ойда	– 1036 соат;
1 йилда	– 8288 соат.

1951–1952 ўқув йилидан бошлаб мадраса талабаларига ўқитиладиган фанлар доираси кенгайтирилиб форс тили, СССР Конституцияси, география, арифметика кабилар ҳам ўқув дастури соатлари ҳажмига киритилди.²²³

Бирок урушдан кейинги йилларда мадрасалардаги ўқув режасига СССР тарихи, рус тили, СССР Конституцияси каби фанларнинг киритилиши буюк давлатчилик сиёсатини ўтказиш, коммунистик мафкура таъсирини жамиятнинг барча бўғинларида кучайтириш мақсадидан келиб чиққан.

Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний бошқармаси фаолиятдан жамият аъзоларини хабардор қилиш, ислом тарихи ва маданияти ҳақида маълумот бериш, совет давлатида динга ва диндорларга кенг йўл очиб берилганлиги билан боғлиқ тасаввурларни уйғотиш каби мақсадларда алоҳида бир журнал чикариш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланди. Марказнинг рухсати билан 1945 йилдан (араб имлосида) ушбу ташкилот муассасалари ва дин аҳллари учун махсус журнал нашр этила бошланди.²²⁴

Таъкидлаш жоизки, диний муассаса ва ташкилотлар фаолиятини ёритувчи махсус журналнинг нашр қилиниши муҳим аҳамиятга эга эди. Журналда диния Бошқарманинг биринчи раиси муфтий Эшон Бобоҳон ибн Абдулмажидхон ва бошқа йирик диний уламолар мусулмон аҳлига ислом арконларидан ва исломий маънавият асосларидан маълумотлар бериш билан бирга, Ҳадис илми намуналари ва таҳлили, ислом дунёси ва юртимизда яшаб ўтган буюк диний арбоблар

²²³БВДА, 1206-фонд, 2-рўйхат, 4-иш, 134-варак.

²²⁴ЎзР МДА, 2456-фонд, 1-рўйхат, 23-иш, 7-варак.

хаёти ва фаолияти тўғрисида мақолалар чоп эттирдилар. Шунингдек, диний тақвим ва унинг моҳияти, Рамазон, Қурбон ҳайити муносабати билан муборак кунларга тааллуқли диний-ахлоқий масалаларга оид панд-насихатлар ёритиб борилди. Совет ҳокимиятининг тоталитар бошқарувидаги тўсиклар туфайли журнал материаллари махсус идоралар томонидан қатъий назорат ва таҳлилдан ўтгандан сўнг, босилишига рухсат берилди.

Ўзбекистон аҳолиси, етарли бўлмаса-да, журнал саҳифаларидаги мақолалар орқали мусулмон дунёсининг таниқли вакиллари Аҳмад Яссавий, Имом Исмоил Бухорий, Нажмиддин Кубро, Бурҳониддин Марғиноний, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Исо Термизий, Маҳмуд Замахшарий, Хожа Аҳрор Валий кабиларнинг ҳаёти ва ижодидан хабардор бўлдилар. “Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари” журнали совет тузуми даврида чоп этилганлиги ва оз миқдорда нашр қилиниши туфайли оммавий матбуот органига айланмади. У кенг журналхонларнинг талабини қондира оладиган ҳолда жамоатчиликни қизиқтирган, диний муассасалар ечимига қаратилган мақолаларни мунтазам чоп этиб турди, деб бўлмайди. Чунки журнал учун тайёрланган мақолалар доимий равишда Марказ назорати остида бўлиб, дастлаб рус тилида ёзилган ва цензурадан ўтказилиб турилган. Шунингдек, журналнинг ҳар бир нашри тайёр бўлгандан сўнг 10 нусхада²²⁵ СССР ХКС қошидаги диний ишлар кенгашига юборилиши шарт қилиб қўйилган.

Шунга карамай, 1940 йиллар биринчи ярмидан 50-йилларга қадар Мусулмон муассаса ва ташкилотларининг қайтадан оёққа туриши, ислом эътиқодидаги кишилар истак ва хоҳишларини ҳисобга олиб иш тутиш каби йўналишларда бир қадар ижобий жиҳатлар кузатилади. Лекин бу ижобий силжишлар совет ҳукуматининг сиёсатидаги инсонийлиги туфайли эмас, балки

²²⁵ЎЗР МДА, 2454-фонд, 1-рўйхат, 23-нш, 7-варак.

ўша даврдаги мураккаб ва оғир вазият тақозосидан келиб чиққан эди. Ҳолбуки, совет ҳукуматининг виждон эркинлиги масаласидаги сохта сиёсати унинг кейинги давр тарихида яққол намоён бўлди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида, яъни 1943 йилда вужудга келган Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси ташкилоти мавжуд бўлган имкониятлардан тўла фойдаланган бўлмаса-да, диний муассаса ва ташкилотлар тарихида муҳим ўрин тутди.

3.2. ИСЛОМ МАРОСИМЛАРИНИНГ СОВЕТ ТУЗУМИ ТОМОНИДАН ТАЪҚИҚЛАНИШИ

Иккинчи жаҳон уруши йилларида совет ҳокимиятининг диний муассаса ва ташкилотлар фаолиятига бироз эркинлик бериши даҳрийлик курашининг маълум бир вақт пасайишига олиб келди. Ҳатто, совет ҳокимияти Марказий Қўмитасининг 1944 йил 27 сентябрда қабул қилган “илмий-маърифий ишларни ташкиллаштириш тўғрисида”²²⁶ги қарорида ҳам даҳрийлик билан боғлиқ масала қайд қилинмади.

Марказдан бу масалага ҳеч қандай кўрсатма бўлмаганлиги туфайли Ўзбекистон ССР ҳукумати ҳам уруш йилларида бошланган “эҳтиёткорлик” сиёсатини давом эттирди.

1944 йил 20 майдаги СССР ХКСнинг 919-қарори ижроси сифатида ташкил этилган Ўзбекистон Компартияси қошидаги диний ишлар кенгаши вакиллиги 1945–1950 йилларда диний муассаса ва ташкилотлар фаолиятини қаттиқ назорат остига олди. Кенгаш ишининг бош вазифаси сифатида Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси фаолиятини назорат қилиш, диндорлар томонидан тушган аризаларни кўриб чиқиш, ибодат қилинадиган масжид ва мадрасаларни

²²⁶О религии и церков. Сборник высказываний классиков марксизма-ленинизма, документов КПСС и Советского государство. М., 1981. С. 67–69.

очиш, улардан ҳукумат рухсати билангина фойдаланиш, қайта таъмирлаш ишларини йўлга қўйиш ёки белгиланган тартибда яроқсиз ҳолатга келиб қолган масжидларни бузиб юбориш каби ишларни амалга оширди.

Таъкидланган йилларда республика диний ишлар кенгашининг вакилиги томонидан амалга оширилган оммавий-сиёсий ишлар ҳисоботи ва қарорларида “атеистик ишлар” ёки “динга қарши тарғибот” масалаларига оид махсус қарорлар қабул қилинмади.

Бу ҳолат эса жойларда мусулмон аҳоли фаоллигини ошириб, Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқларида рухсатсиз масжидларнинг очилиши, янгидан бунёд этиш ишларига киришишни фаоллаштирди. Ҳатто, баъзи масжид имомлари томонидан ўзбошимчалик билан хайриялар йиғиш, рухсатсиз масжидлар бунёд этиш ишлари ташкиллаштирилди. Жумладан, Бухоро вилояти Ижроия Кўмитасининг диний ишлар кенгаши вакили 1947 йил 4 апрелда Кармана тумани Ижрокўмига юборган махфий хатида: “мавжуд маълумотларга қараганда, туманда конундан ташқари кўплаб масжид ва ибодатхоналар борлиги маълум бўлди. Буларнинг ўзбошимчалик билан фаолият юритишига, конундан ташқари диний муассасалар тикланишига ва гайрирасмий урф-одатларнинг олиб борилишига қатъий йўл қўйилмасин”²²⁷ деган мазмундаги талаб қўйилади.

Шунингдек, Фарғона вилояти Ижроия Кўмитасининг дин ишлари кенгаши маълумотномасида “Кўқонда 10 та, Марғилон шаҳрида 12 та эски усул диний таълим мактаблари ҳеч қандай рухсатсиз фаолият юритаётганлиги, ҳатто Марғилон шаҳар Туттош маҳалласида жойлашган 7-мактаб биносида бир гуруҳ диндорлар 2 та синф хонасини диний билимдан сабоқ бериш учун банд қилиб олганлиги”²²⁸ архив ҳужжатларида кайд қилинган.

²²⁷ БВДА, 1206-фонд, 2-руйхат, 29-иш., 106-варак.

²²⁸ ЎЗР ПДАФВБ, 1-фонд, 3-руйхат, 307-иш, 1-варак.

Юқоридаги маълумотлар шуни кўрсатадики, урушдан кейинги дастлабки ўн йилликларда диний муассаса ва ташкилотларга нисбатан ҳукумат томонидан аниқ кўрсатмаларнинг йўқлиги ёки совет ҳокимиятининг вақтинчалик динга ён бериш сиёсати, янги фаолият бошлаган Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси имкониятларининг ҳукумат томонидан чеклаб қўйилганлиги туфайли диндорлар ва диний уламоларнинг эркин фаолият юритишига шароит яратган.

Таъкидлаш жоизки, мавжуд имкониятлардан фойдаланиш жараёнида, ҳақиқий диний эркинликка эришиш учун қилинган хайрли ишлар билан бирга, айрим ҳолларда диний фанатизмга берилиш ҳолатлари ҳам юз берган. Шундай тарихий вазиятда, 1947 йил 20 январь кунини Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасининг 2-пленими бўлиб ўтди.²²⁹ Пленумда баъзи масалалар кўриб чиқилиб, асосан ташкилий масалага эътибор қаратилди. Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси раҳбарияти таркибида айрим уламоларнинг ушбу ташкилот Низомига тўла амал қилмай келаётганлиги муҳокама қилиниб, уларга нисбатан маъмурий ва амалий чоралар кўришга қарор қилинди.

Мазкур пленумда баъзи бир қонунбузарлик, бўйсунмасликка йўл қўйган юқори мансабли уламоларга қуйидагича айблар юклатилиб, кўпчилиги ўз вазифасидан озод қилинди. Ушбу масала муҳокамасида Қозоғистон қозиси Шариф Тўхтабёев хайриядан тушган 22 500 сўм маблағни ўзлаштирганлиги, диния Бошқарманинг тафтиш кўмитаси аъзоси Шафоатхожи Холиқназар ўғли ваколати бўлмаса ҳам Ўш шаҳрига бориб, расмий масжидлар очиб, имомлар тайинлагани, Қирғизистон қозиси Олимхонтўра Шокирхожи умуман қилинган ишлар бўйича марказий диния Бошқармага

²²⁹БВДА, 1206-фонд, 2-рўйхат, 31-нш, 26-30-варақлар.

хисобот бермагани ва ўз ихтиёри билан иш тутгани, Туркменистон бўйича тафтиш қўмитаси аъзоси Шайх Охуннинг ўз вазифасини бажармаганлиги маълум қилиниб, юқоридаги уламоларнинг барчаси ўз вазифасидан озод қилинади.²³⁰

Пленум кун тартибидаги муҳим масалалардан яна бири, мусулмон хотин-қизларига бундан буён паранжисиз юриш эркинлиги учун фатво берилиши бўлди. Пленум “хотин-қизларнинг очиқ юриши шариат бўйича мумкиндир, уларга паранжи тутиш мажбур этилмасин”²³¹ каби қарорни қабул қилади.

Юқоридаги фактик маълумотлардан хулоса қилиш мумкинки, совет ҳокимиятининг XX аср 20–40-йилларида дин ва диндорларга нисбатан муросасизлиги, юксак илмли диний уламоларнинг баъзи сабабларга кўра қатағонлик гирдобига тортилганлиги, мадрасалар фаолиятига чек қўйилиши билан саводли дин арбобларини етиштириб чиқариш тўхтаб қолганлиги ўз оқибатини намоён қила бошлаган.

Ўз-ўзидан диний уламолар ва дин аҳллари ичида пайдо бўла бошлаган маълум бир тартибсизликлар, ўзбошимчалик ва қонунга итоат қилмаслик кабилар совет ҳокимиятининг мутасадди органлари ва партия раҳбарлари томонидан диндорларга ҳамда диний муассасаларга ўзининг қатъий сиёсатини белгилаш учун амалий ҳаракатларини бошлашлик имкониятини яратди.

1950 йилдан бошлаб совет ҳокимияти диний муассасаларга нисбатан ўзининг қатъий сиёсатини белгилаш йўлига ўтди. 1950 йилда Марказда СССР ФА Тарих институтининг “Дин тарихи ва атеизм” бўлими бошлиғи Б. Д. Бонч-Бруевич муҳаррирлигида “Дин тарихи ва атеизм масалалари” даврий нашри чоп этила бошланди. Кейинчалик, 1964 йилга қадар ўзида 100 дан

²³⁰Ўша манба, 30-варақ.

²³¹Ўша манба, 31-варақ.

ортик атеистик мақолаларни жамлаган ушбу нашрнинг 12 жилдлик тўплами чоп этилган.²³²

1951–1952 йиллардан бошлаб оммавий-маданий муассасаларда динни танқид қилишга ва унинг “зарарли” томонлари тарғиботига қаратилган маърузалар ҳамда мулоқотлар уюштириш кучайди.

Илмий-атеистик тарғиботни кучайтириш орқали коммунистик мафқурани мустаҳкамлаш масаласи муҳим деб ҳисобланди. Бу борада КПСС Марказий Қўмитасининг 1954 йил 7 июлда қабул қилган “Илмий атеистик тарғибот соҳасидаги катта камчиликлар ва уларни яхшилаш тадбирлари тўғрисида”²³³ ҳамда 1954 йил 10 ноябрда қабул қилинган “Аҳоли ўртасида илмий-атеистик тарғибот олиб боришдаги хатоликлар тўғрисида”²³⁴ каби қарорлари совет ҳокимиятининг янгидан динга қарши навбатдаги кураш босқичини бошлаб берди.

КПСС Марказий Қўмитасининг 1954 йил 7 июлдаги қарорида “Ўрта Осиёдаги қадамжоларни зиёрат қилувчилар сони кўплиги, у ерда кўплаб мол-қўйлар сўйилиб, диний байрамларни нишонлаш халқ хўжалигини издан чиқариб, меҳнат интизомига путур етказаетганлиги таъкидланади. Шунингдек, диний хурофот ва бидъатлар совет кишилари бир қисмининг онгини захарлаб, уларнинг коммунизм қурилишида халакит бермоқда”²³⁵, деб қайд этилади.

Шунингдек, қарорда диний-атеистик тарғиботни кучайтириш воситаларидан: маърузалар, суҳбатлар, матбуот, радио, кино, театрлардан фойдаланиш, “Фан ва дин” илмий-оммабоп журнални чоп эттириш (3 босма табоқда, 75 минг нусхада), дин ва атеизмга оид тарғибот тавсифидаги адабиётлар чоп эттириш, мактаб муассасалари ва олий ўқув юртларидаги фанларни

²³²Наука и религия. №9. 1987. – С. 5.

²³³О религии и церкви. М., 1981. – С. 69–75.

²³⁴Ўша асар. – С 75–80.

²³⁵Қонун, дин, черков. Т., 1987. 56, 57-б.

Ўқитишда илмий-атеистик мазмун билан бойитиш, комсомол ташкилотлари ва касаба уюшмалари каби жамоат ташкилотларини бу ишга оммавий тарзда жалб этиш, маданият уйлари, клуб ва “қизил бурчаклар”да атеизм тарғибот ойнасини ташкил қилиш каби вазифалар ўрин олган эди.

Ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон ССРда ҳам оммавий тарғибот ишлари бошлаб юборилди. Республиканинг турли вилоятларидаги маданият уйлари, клублар, ишчи ётоқхоналарида қатъий режа асосида маслаҳат марказлари ташкил этилиб, уларда илмий-атеистик масалалар долзарб қилиб қўйилди.

Республиканинг Марказий давлат архиви ҳамда вилоятлардаги архивларда юқоридаги қарорлар юзасидан маҳаллий ташкилотларнинг вазифалари белгилаб берилган махсус қарорлар ишлаб чиқилганлик билан боғлиқ кўплаб ҳужжатлар сақланган.²³⁶

1950–1956 йилларда республика вилоятларининг бир қатор колхоз ва туманларида мутасадди ҳукумат раҳбарларининг рухсатсиз очилган қадамжолар, масжид, диний таълимни ўргатадиган эски мактаб кабиларни қатъий рўйхатга олиб, уларни тугатиш борасидаги ишларни амалга ошириш кучайтирилди. Ҳужжатлар орқали масжидлар, уларни қуришда бошчилик қилган шахслар, намоз ўқиш маросимида иштирок этган дин ахллари сони, ҳайитларда тўпланган маблағлар миқдори ҳақида аниқ маълумотлар тўплаб борилганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Жумладан, Фарғона вилояти бўйича рўйхатдан ўтмаган баъзи йирик масжидларда 1956 йил давомида диндорлардан ибодат қилиш мақсадида масжидга келганлар сони аниқ кўрсатилган.²³⁷

²³⁶ФВДА, 716-фонд, 1-рўйхат, 106-иш, 6, 9, 12-варақлар; ЎЗР ПДАФВБ, 1-фонд, 6-рўйхат, 133-иш, 78-варақ.

²³⁷ЎЗР ПДАФВБ, 1-фонд, 6-рўйхат, 213-иш, 21, 22-варақлар.

1956 йилда Фарғона вилояти туманларида диний ибодатга қатнаганлар сони

№	Туман ва шаҳарлар	Масжид номлари	1956 йил давомида			Масжид имомлари, исми
			Ҳар кунги намозга келади-ганлар	Жума намозига келади-ганлар сони	Рамазон ҳайитига келганлар	
1	Фарғона	Лангар	50-200	300	1000	Обид кози Махмудов
2	Молотов	Хожа Муҳаммад Вали	250-300	900-1000	2500-3000	Муҳаммадjon Қори
3	Молотов	Дашт масжид	200-250	400-500	2000	Убайдуллохун Тура
4	Каганович	Пастки Яйпан	100-150	200-250	500	-
5	Киров	Машад-мозор	400-500	900	1500-3000	Пайзимат Мирза
6	Қўқон шаҳри	Чамашбий мазори	100-150	300	1000	Чамашлик Эшон
7	Қўқон шаҳри	Муй Муборак мазори	90-120	200	600	Абдул-ҳаким Қори
8	Қўқон шаҳри	Афғонбоғ масжиди	50-70	150	500	Салмон Махсум
9	Горский	Айритом масжиди	50-60	100-150	150	Маллабой-хожи
10	Горский	Қизил-кыяк масжиди	100-120	250	500	Мулла Аълам домла
11	Куйбишев	Оқ-ер	70-80	180-200	500	Мулла Турахожи
12	Бувайда	Ҳазрат-пошо	-	-	1000	-

Жадвалдан кўришиб турибдики, Республиканинг барча ҳудудларида жойлашган диний муассасалар

50-йиллар ўрталарига келиб ҳукумат томонидан қатъий назорат остига олина бошлаган, масжидларга ибодат учун келган аҳоли махсус рўйхатга олиниб, уларга турли йўллар билан тўскинликлар қилинган.

Юқорида қайд этилган ҳукумат қароридан сўнг, республиканинг барча ҳудудларида диндорларнинг миқдори, машғулоти, мол-мулки, онлавий аҳволи ҳақида маълумотлар йиғишга эътибор қаратилган. Қуръони Каримни ёд олиб, кироат қиладиган йирик муллаларнинг республика шаҳар ва қишлоқларидаги сони, машғулоти, тирикчилик манбаи, даромади юзасидан солиқ тўламаётганлиги ёки солиққа ҳанузгача тортилмаганлиги билан боғлиқ масалага ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Тарихий ҳужжатлардан бирида, Қўкон шаҳрида 12 та йирик диний уламо, қорилар борлиги, улар диний маросимлар ва Хатми Қуръонларда кироатхонлик қилиб, колхозчи ва ишчиларни хўжалик ишларидан чалғитаётганлиги, ушбу салбий хатти-ҳаракатларга қарамасдан давлатга солиқ тўламай келганлиги қайд этилган.²³⁸

Маргилон шаҳрида 6 нафар йирик уламо Қуръонни ёддан билиши, улар шаҳар ва қишлоқларда Хатми Қуръонларда қорихонлик қилиши, шулардан бири Шерматов Шоди қори ўз номига муносиб бўлмаган – машина олди-соттиси билан шуғулланиши, ҳатто ўзини “Победа” маркали автомашинаси билан узок қишлоқларгача бориб диний маросимларда иштирок этиши, шунга қарамай давлатга солиқ тўламаётганлиги архив ҳужжатларида маълум қилинади.²³⁹

Жамиятдаги диндор ва уламоларнинг 1950 йиллардан бошлаб қайта таъқиб остига олина бошланганлиги, диний байрамлар, маросимларни ўтказиш, уларда иштирок этишнинг чекланганлиги билан боғлиқ ҳолатларни ҳам кузатиш мумкин. Мавлуд, Хатми Қуръон, хатна тўйларида Қуръон тиловат қилиш, Рўза ва Қурбон ҳайити,

²³⁸ФВДА, 1124-фонд, 2-рўйхат, 2603-нш, 43-варақ.

²³⁹Уша манба. 44-варақ.

Жума намози каби диний байрам ва маросимларни Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси назорати остида, унинг рухсати билангина ўтказиш тартиби белгилаб қўйилган. Ўзбошимчалик билан ушбу байрам ва маросимлар ўтказилса, уларнинг бошида турган имом ва уламоларга солиқ солиш ҳамда маъмурий жазо қўриш белгилаб қўйилган. Хужжатлардан бири 1956 йил 12 майда ўтказилиши лозим бўлган Рўза ҳайитини Қўқон туманидаги кишлоқларда барча мусулмон аҳоли ҳукуматдан рухсат олинганлиги сабабли қўрмай нишонлашлари қайд этилган.²⁴⁰

СССР ва Ўзбекистон ССР конституцияларида фуқароларнинг виждон эркинлиги кафолатланиши белгилаб қўйилган бўлса-да, совет ҳокимияти коммунистик партияси диндорлар ва диний муассасаларга нисбатан даҳрийликдан иборат сиёсатини XX аср 50-йиллари охирида янгидан кучайтириш сиёсатини илгари сурди. Айни пайтда дин ва диний таълим марксизм-ленинизм ғояларига илмий қарши қўйиш кучайтирилди. Бу даврдан бошлаб фанни динга қарши қўйиш, ундан даҳрийлик тарғиботида фойдаланиш, ёшлар орасида эътиқодсизликни кучайтириш, соф коммунистик мафқурани яратиш кампанияси бошлаб юборилди.

Кейинчалик КПСС Марказий Қўмитасининг 1960 йил 13 январь ва Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Қўмитасининг 1960 йил 4 февралда қабул қилган “Рухонийлар томонидан қонунчиликнинг бузилиши олдини олиш” тўғрисидаги қарорлари диний сиёсатда совет ҳокимиятининг бош стратегиясини белгилаб берди. Ушбу қарорларнинг ижросини таъминлаш мақсадида олий ўқув юртлари ўқув дастурларига илмий атеизм фани асослари мажбурий равишда киритилди ва мазкур фандан имтиҳон топширилиши жорий этилди.

²⁴⁰Уша манба, 45-варақ.

Совет ҳокимиятининг уруш туфайли динга ва диний муассасаларга нисбатан юритган “юмшоқлик” сиёсати узок давом этиши мумкин эмас эди.

1943–1950 йилларда динга ва диний муассасаларга берилган бир қадар эркинлик туфайли, айтиш мумкинки, собиқ Иттифоқнинг мусулмон аҳоли яшайдиган республикаларида, жумладан Ўзбекистон ССРда, “диний уйғониш” рўй бера бошлади. Аммо совет ҳокимиятининг уруш туфайли мураккаб вазиятда динга қарши кураши вақтинчалик чекинган эди. Совет жамиятида урушда вайрон қилинган хўжаликни тиклаш ишлари (1946–1950 йй.) амалга ошиши билан, ҳукумат ўзининг “худосизлик” учун кураш жараёнини янгитдан бошлаш босқичига кирди. Совет ҳокимиятининг диний муассаса ва ташкилотларга нисбатан иккиёқлама «эхтиёткорлик» сиёсати ўрнига яна даҳрийликдан иборат тазйик ўтказишлик йўлига ўтиб борган янги босқичи бошланди.

ХУЛОСА

Ўзбек халқининг миллий, маданий қадриятлари асрлар давомида ислом дини билан узвий равишда боғлиқ бўлиб келган. Дин маънавий ва моддий турмушда муҳим рол ўйнаб, XX аср бошларида ҳам ўзининг таъсирчан кучини сақлаб қолган эди.

Совет ҳокимияти ўзининг дастлабки йилларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор тарихий ҳужжатлар қабул қилди. Расмий ҳужжатларда, қарор ва фармонларда барча халқларнинг тенглиги, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи, виждон эркинлиги каби инсоний ҳуқуқлар тан олинди. Бироқ, советча тартибларни ўрнатиш ва мустақамлаш давридаёқ большевиклар маҳаллий аҳолининг диний туйғуларини поймол қилдилар. Европа миллатига мансуб минг-минглаб қизил аскарларнинг Туркистон ўлкасига сафарбар этилиши оқибатида масжид ва мадрасалар вайрон қилинди. Маҳаллий аҳолининг урф-одатларидан хабарсиз бўлган «қизил босқинчилар» диний муассаса ва ташкилотларни отхоналарга, қурол-яроғ, озик-овқат омборларига, ҳарбий қисмларнинг казармаларига айлантирдилар. Охир-оқибатда диний туйғулари поймол қилинган халқнинг совет ҳокимиятига бўлган умидлари ва ишончи сўнди. Дастлабки йиллардаёқ диндор кишилар ва руҳонийлар совет ҳокимиятининг душмани сифатида таъкиб остига олинди. 1917–1920 йилларда совет ҳокимиятининг динга муносабати даҳрийликдан иборат бўлган эди. Бироқ, Туркистон ўлкасидаги иқтисодий ва сиёсий вазият совет ҳокимияти органларига бу масалада эҳтиёткорлик билан иш тутиш зарурлигини кўрсатди. Аввало, имон-эътиқоди оёқ ости қилинган мусулмон аҳоли совет ҳукуматига қарши аёвсиз қуролли кураш майдонига кирди. Иккинчидан, тинимсиз давом этган қуролли тўқнашувлар ўлкада очарчиликни келтириб чиқарди ва ҳўжаликни бутунлай издан чиқарди. Диний муассаса ва ташкилотларнинг моддий таянчи бўлган

вақф мулкларининг большевиклар томонидан давлат ҳисобига мусодара қилиниши улар фаолиятининг деярли тўхтаб қолишига олиб келди.

Туркистондаги аҳоли анча қисмини вақфкор дехқонлар ташкил этиб, улар ўзларининг тирикчилик манбаидан ажралиб қолган эдилар. Маориф ва маданият муассасалари ҳам вақфдан келадиган даромад ҳисобидан таъминланарди. Ушбу ўзига хос жиҳатларни ҳисобга олган совет ҳукумати вақфларни диний муассасалар ихтиёрига қайтариш, диндорларга бир қадар эркинлик бериш, мадраса мударрислари ва масжид имомларидан таълим тизимини қайта изга солишда фойдаланишга мажбур бўлди. Шу сабабли 1922–1923 йилларда вақфлар диний муассаса ва ташкилотларга қайтарилди ва улар фаолиятига руҳсат берилганди.

Совет ҳокимияти Россия империясининг мустамлакачилик ва буюк давлатчиликдан иборат сиёсатини давом эттириб, Туркистон ўлкаси аҳолисининг миллий-диний туйғулари билан ҳисоблашмади. Туркистон АССР даврида совет ҳокимиятининг диний сиёсати большевикча тартибларни ўрнатиш, мусулмон диний муассаса ва ташкилотларни оёқ ости қилиш, диндор ва уламоларни синфий душман сифатида қирғин қилиш орқали амалга оширилди.

Туркистон АССР, БХСР, ХХСРда совет тузумига қарши миллий озодлик учун олиб борилган қуролли ҳаракатлар, ўлкадаги оғир сиёсий-иқтисодий вазият, мусулмон уламолари ва руҳонийларининг жамиятдаги мавқеи каби омиллар туфайли Марказ айрим ҳолларда диний сиёсатини ўзгартиришга, бу масалада «юмшоқроқ» йўл тутишга мажбур бўлди.

СССР таркибида совет республикалари, жумладан Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши, большевикча тартиблар мустаҳкамланиши, “социализм ривожланиб борган сари синфий кураш кескинлашади” деган сталинча қоида кабилардан келиб чиқиб, диндорларга қарши очик кураш бошланди. Бу кураш ўн йиллардан

ортик давом этиб, совет ҳокимиятининг даҳрийликдан иборат сиёсий йўлининг пардаланган киефасини ҳаққоний равишда намоён қилди.

Совет ҳукуматининг динга муносабатида шафқатсиз ва ашаддий кураш олиб бориш йўлидан чекиниши вақтинчалик бўлиб, келгусида диндорларга ва диний муассасаларга кўп йиллар давомида ўзларини ўнглаб ололмайдиган даражада зарба бериш кўзда тутилганди. Иккинчи жаҳон урушига қадар бўлган даврда совет ҳокимиятининг мусулмон муассаса ва ташклотларига, диндорларга муносабати давр тақозоси билан гоҳ юмшаб, гоҳ шафқатсиз тус олиб турганлиги, “социалистик қурилиш” авж олдирилган йилларда эса ўта кескинлашганлиги яққол кўринади. 1926 – 1927 йилларда совет ҳокимиятининг диний сиёсатида кескин бурилиш босқичи бошланиб, бу жараён 1941 йилгача, яъни СССР Иккинчи жаҳон урушига тортилгунига қадар узлуксиз давом этиб турди. Мамлакат бўйлаб «худосизлик учун кураш» ҳаракати бошланди. СССР республикаларида даҳрийликни тарғиб қиладиган, ҳар қандай динни янгилик ва ислохотлар душмани, эскилик саркити сифатида қоралайдиган матбуот органларига асос солинди.

Ўзбекистонда ҳам «Худосизлар» журнали, «Курашчан худосизлар» ташкилоти кабилар орқали ислом динига қарши аёвсиз ташвиқот ва тарғибот ишлари олиб борилди. Ўзбекистон худудида фаолият олиб борган масжид ва мадрасалар ёпилди, диндор аҳоли ислом фарзларини бажариш имкониятидан маҳрум қилинди, диний уламолар қатъий таъқиб остига олинди. 1927 – 1938 йилларда сақланиб қолган айрим масжидларда имомлик қилаётган ва диний маросимларни ўтказиб қатағонлардан омон қолган оз сонли уламоларга ҳам катта миқдорда солиқ солинди. Асоссиз равишда йирик миқдордаги солиққа тортилган мулла ва эшонлар солиқ тўлаш қобилиятига эга эмасдилар. Охир-оқибатда

уларни судга тортиш, жиноятчи сифатида тутқинликка маҳкум этиш авж олди.

1927–1941 йиллар давомида мусулмон диний муассаса ва ташкилотлар билан бирга, халқимиз ўзининг диний илмдан мукаммал хабардор бўлган уламоларидан ҳам ажралиб қолди. Бу эса кейинчалик жамиятда диний мутаносибликнинг вужудга келишига, дин байроғи остида ноҳўя ҳаракатларнинг содир бўлишига сабаб бўлди.

Китобда баён этилган фикр ва мулоҳазалар умумлаштирилиб, қуйидаги *яқуний хулосаларга* келинди:

1917–1922 йиллар совет ҳокимиятининг мусулмон диний муассаса ва ташкилотларига ҳамда диндорларга нисбатан шафқатсиз ва зўравонлик сиёсати юритилган дастлабки босқич бўлиб, аввалбошданок ушбу ҳукуматнинг бу йўналишдаги стратегик йўлини белгилаб берганди.

1922–1926 йиллар мусулмон диний муассаса ва ташкилотлар руҳоний ва диндорларга бир қадар эркинлик бериш, “илиқлик” босқичи бўлиб, тарихий вазият совет ҳокимиятнинг ўз мақсадлари йўлида вақтинчалик даҳрийлик сиёсатидан чекинишига сабаб бўлганди.

1927–1941 йиллар – даҳрийлик учун аёвсиз кураш босқичи ҳисобланади. У мусулмон муассаса ва ташкилотларнинг тугатилиши, руҳонийларнинг шафқатсиз қатағон қилиниш даври ҳисобланиб, жамиятнинг маънавий асосларига диндорлар ва уламоларга узоқ давргача ўзларини тиклай олмаслик зарбасини берди.

1941 йилда бошланган уруш туфайли тарихий вазиятнинг ўзгариши, диндорларга бир қадар ҳуқуқий эркинликлар берилиши, диний ташкилот ва муассасаларни давлат томонидан тўла назорат остига олиш билан боғлиқ махсус ташкилотлар тузилиши жараёни кечди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида совет ҳокимиятининг диний сиёсатида «юмшоқлик» босқичига ўтилди. Фронт ортини мустаҳкамлаш, бутун куч-

